



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*1* июнь – Халқаро болаларни  
қимоя қилиш кунин!

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!

**“Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиrolмайди”.**

**Термизий ривоят қилган ҳадисдан**

Болалик... Катта марранинг бошланғич нуқтаси. Бежиз, донишмандлар болани ёш ниҳолга қиёслашмайди. Эгри ўсган ниҳол қийшиқ дарахтга айланганида уни тўғрилаш амри маҳол. Болага ёшлигидан оилада ва жамиятда рисоладагидек тарбия берилмаса, тўғри йўл кўрсатилмаса ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаса улғайғач уни тўғри йўлга солишнинг имкони бўлмайди.

Гап шундаки, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши деганда нафақат уларга бошқа биров томонидан етказиладиган зарарнинг олдини олиши ёки уни ҳимоя қилиш тушунилади, балки уларнинг сифатли таълим, тиббий ёрдам, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш сингари жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Машҳур Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида бола тарбиясига нафақат ота-она балки унга атроф-муҳитнинг ҳам таъсири катталиги борасида шундай дейди: “Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, болажонлар ҳар бир нарсани уларга тақдир қилиб ўрганади ва улар билан дўстлашади”.

Ўзбек халқининг яна бир буюк маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг фикрича, одам туғилишидан ёмон хулқ билан дунёга келмайди. Унинг яхши инсон бўлиб етишишида эса тарбия ўта муҳим роль ўйнайди. Зеро, инсондаги қобилиятни камолга етказиш тарбия билан амалга ошади.

Донишманд халқимиздан бизга мўътабар мерос бўлиб келаётган мана шу гўзал анъананинг мантиқий давоми сифатида Янги Ўзбекистонда ҳам болалар тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналишлар

ридан бири сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, касбу-хунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади”.

Халқимизнинг болаларга бўлган эътибори, меҳри қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Мамлакатимизда болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, баркамол авлод сифатида вояга етишлари учун муносиб шароит яратиш ҳамда уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши билан боғлиқ 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларда болалар ҳамда ёшларни етук, баркамол шахс сифатида тарбиялашнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари яратилган.

Хусусан, бола ҳуқуқлари кафолатларининг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган. Жумладан, уларда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ҳамда соғлиғини, кадр-қимматини муҳофаза қилиш, унинг камситилишига йўл қўймаслик, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш сингари ҳуқуқлари сиёсатимизнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланган.

Болаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчилигимизнинг таг замини қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради:

а) мазкур қонунчилик асослари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгилаб берилган қоидалар сингари болаларни ҳимоя қилиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ҳамда принципларига тўлиқ мос келади;

б) Бош қомусимизда белгилаб берилган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари (сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан ташқари) тўлалигича болаларга ҳам тегишли бўлади;

в) бу йўналишдаги муносабатларни тартибга солиш жараёнида давлат ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек етим



# БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида намодён бўлади;

г) давлат болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини нафақат доимий равишда рағбатлантириб боради, балки уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳам.

Шу ўринда, болаларга бир қанча ҳуқуқларни берувчи жуда кўплаб Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлар борки, уларнинг баъзиларини хулоса сифатида келтириб ўтсак:

Жумладан **яшаш ҳуқуқининг** асоси бўлган болаларни ўлдириш мумкин эмаслиги баён қилинган жуда кўп оятлар бор. Масалан:

**“Айтинг: “Келингиз, Раббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (кўрқиб) ўлдирмангиз – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантируرمىз – фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз! Ақл юритишингиз учун (Аллоҳнинг) ҳукм қилгани шу(лар)дир”** (Анъом сураси 151-оят);

**Таъминот олиш ҳуқуқига** тўхталадиган бўлсак, фарзандларни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой билан таъмин этиш отанинг муқаддас бурчидир. Дини Исломда бу таъминот ҳалол-пок бўлиши талаб этилади:

**“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир...”** (Бақара сураси 233-оят).

Яна бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таолодан қўрқинглар ва болаларингизга адолат қилингллар”, деганлар.

*Муслим ривояти.*

**Таълим-тарбия олиш ҳуқуқи** Ислом динида мустаҳкам асосга эга. Яъни, фарзандларга чиройли тарбия бериш, уларга дин арконларини ўргатиш лозимлигини уқтиради. Ҳар бир ота-онага солиҳ фарзанд тарбия қилгани учун юксак мартабаю ажр-саъоблар ваъда қилинган. Хусусан, ҳадиси шарифда: **“Кимнинг учта (бошқа бир ривоятда: иккита) қизи бўлиб, уларни тарбиялаб катта қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши муқаррардир”**, дейилади.

*Имом Бухорий ривояти.*

Ибн Умардан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларни “аброр” деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳаққи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳаққи бор”**, дедилар.

*Имом Бухорий ривояти.*

**“Ё Расулulloҳ! Биз ота-онанинг ҳаққини билдик. Аммо фарзанднинг ҳаққи нимадан иборат?”** деган саволга Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Унга чиройли исм қўйиб, гўзал одоб бериш”**, дедилар.

*Байҳақий ривояти.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бундай ҳадис марҳамат қилинади: **“Кिशининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақа беришидан яхшироқдир”**.

*Имом Термизий ривояти.*

Сўнг сўз ўрнида айтадиган бўлсак, давлатимиз томонидан фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши йўлида барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Шундай экан, болаларимиз кўзларимизнинг қувончи, илм-маърифат аҳлларидан бўлсин! Ота-оналар эса зурриётларига чиройли тарбия бера оладиган салоҳиятга эга бўлсинлар!



**Шаҳриддин ЭШИМОВ,**

*жиноят ишлари бўйича*

*Қарши шаҳар судининг судьяси.*

## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

### Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 27.06.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 12. Адади 2 100.

Баҳоси келишилган нархда.

“GOLD PRINT PRESS” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 054,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

Чўпон ога кўчаси, 28<sup>а</sup>-уй

# МУНДАРИЖА

6

КУН МАВЗУСИ

... БОЛДАН – БОЛА ШИРИН

7

БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ  
СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

8

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ:  
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

10

ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ

12

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

АЙБ ТУШУНЧАСИ – ЖИНОЯТ ВА  
ЖИНОЯТ ТАРКИБИ БИЛАН БОҒЛИҚ

ЯНГИ БОСҚИЧ

15

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СОДИР  
ЭТИЛИШИДА МАНСАБ СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИ-  
ГИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ЮРИДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

18

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ  
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:  
ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

МУШОҲАДА

21

ИНСОННИНГ СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТГА  
БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚУРИЛИШ САНОАТИДА  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

24

ХОРИЖ АМАЛИЁТИ

ФРАНЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЪМУРИЙ  
НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРДА ҲАЛ ЭТИШ

27

МАЖБУРИЙ МЕДИАЦИЯ — ИТАЛИЯ ТАЖРИБАСИ

28

ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА  
ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

30

СУДЬЯ МИНБАРИ

ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИДАН  
КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗО ҲАЛ ЭТИЛДИ

31

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА  
СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ

32

ТАДҚИҚОТ

ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗГАТИШНИ  
РАД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ  
ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

34

ШАХСНИНГ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ  
ЧЕКЛОВЧИ ҲАРАКАТЛАР УСТИДАН  
СУД НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ

37

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ  
ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ

СУД ОЧЕРКИ

38

ТАДБИРКОРНИНГ ПУЛИ АСЛИДА  
ҚАЕРДА ЭДИ?

39

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КОРПОРАТИВ  
НИЗОЛАРНИ КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ

40

МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯ УСТИДАН  
СУД НАЗОРАТИ

41

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИДА СУДГАЧА  
МАЖЛИС ЎТКАЗИШНИНГ  
АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ

42

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМА-  
ЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ МАЪМУРИЙ  
ВА ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАСИ

43

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ —  
БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИНИНГ  
ЗАРУРИЙ ШАРТИДИР

44

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИ

45

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ  
БУЗИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

46

ПРОЦЕСС

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОТКРЫТОСТИ И ПРОЗРАЧНОСТИ  
СУДЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, РЕАЛЬНОЙ  
НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

УЗБЕКИСТАН И МИР

49

ЦИФРОВЫЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА.  
КАКИЕ ОСНОВНЫЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА  
ИМЕЮТСЯ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ?

52

ТЕМА ДНЯ

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ВЫЗОВЫ ОВРЕМЕННОСТИ  
И ПРОБЛЕМА ТРАНСГРАНИЧНОГО  
ВОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ВЫБОРЫ - 2023

56

ИЗБИРАТЕЛЬНОЕ ПРАВО: ИСТОРИЯ И  
СОВРЕМЕННОСТЬ

57

АДМИНИСТРАТИВНЫЙ РЕФОРМА

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ОРГАНОВ СУДЕЙСКОГО  
СООБЩЕСТВА В ВОПРОСАХ ОРГАНИЗАЦИ-  
ОННОГО, ФИНАНСОВОГО И МАТЕРИАЛЬНО-  
ТЕХНИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

HUMAN AND LAW

59

NEW ADVERTISING LAW  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

62

EXPERT OPINION

THE ROLE OF THE CANINE SERVICE OF THE  
CUSTOMS AUTHORITIES IN THE DETECTION OF  
SMUGGLING



## ... БОЛДАН – БОЛА ШИРИН

**Болажон халқ бўлган Ўзбекистонимизда ҳар бир бола ўз ҳуқуқи билан бирга туғилади, десак муболага бўлмаса керак. Яъни, туғилган пайдан бошлаб исм-шариф олади, фуқароликка эга бўлади. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунимизнинг 8-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқи эканлиги, бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши қайд этилган.**

Болалар дунёга келгач, саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар куйидагилардан иборат:

- малакали ҳамда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш;
- болалар касалликларининг олдини олиш, даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ва даволаш;
- талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши устидан назорат;
- санитария-гигиена таълимини бериш.

Шунингдек, 14 ёшдан катта бўлган болалар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериши ёки уни рад этиши ҳуқуқига эгадирлар.

Албатта, ҳаётимиз давомида барчамиз ҳам яхши-ёмон кунларга, оғир вазиятларга дуч келишимиз мумкин. Айтайлик, боламиз ҳаётда адашди ва билиб-билмай жиноят содир этди. Бунда ҳам давлатимиз томонидан уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган ҳолда 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун Жиноят кодексидаги энг оғир жазо – умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белги-ланмайди. Тасаввур қилинг агар бу қоида бўладиган бўлса вояга етмаган бир гўдак ҳаётда ҳеч нарса кўрмай умри завола бўлиши муқаррардир. Тўғри, жиноят жазоланиши керак, лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, жазолашдан кўра кечиримли бўлиш биз ва жамият учун фойдалироқ бўлади. Буни тасдиғи сифатида алломаларимиздан бирининг болаларни тарбиялаш борасида куйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ:

*“Қалблар ва онларга куч ёки босим орқали ҳукмронлик қилиш мумкин эмас. Хитоб этаётганларимизга меҳр ва эҳтиром ила муносабатда бўлайлик. Қалб иши — нозик ишдир. Кўрс хатти-ҳаракат, кўпол сўзлаш билан бирор инсонни мағлуб этиб бўлмайди. Онга таъсир этишининг сирини кўнглиларга киришдадир. Инсонларнинг хатосини кўриб, уларни танқид қилиш билан ҳеч нарсага эриша олмаимиз. Биз акс таъсир этувчи эмас, балки ижобий тарзда таъсир этувчи ва се-вувчи инсон бўлмоғимиз лозим”.*

Шу сабабли ҳам жиноят йўлига билиб-билмай кирган болаларга енгилроқ жазолар қўлланилади. Кўпроқ тушунтириш бериб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинади. Масалан, болани ҳибсга олиш қонунга мувофиқ амалга оширилади ва бунинг учун имкон қадар қисқа вақт белгиланади. Бу вақт давомида бола ўзининг оиласи билан хат ёзиши ва кўриши ёки алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, у озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлиги-га эътироз билдириши, даъво билан чиқиши, ота-онаси ёки васийси орқали ўзига ҳимоя тайёрлаши, адвокат ёллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 19 моддасига кўра:

*“Ун саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг ҳавф-сизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.*

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида ҳам худди шу мазмундаги ҳолат қайд этилган:

*“Давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳофазаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади.*

Ушбу иккала модданинг қўлланилишидан мақсад жиноят содир этган бўлса ҳам болани ҳимоя қилишдир. Яъни, суд залида турган аксарият болалар ўзининг қилмиши ҳатолигини тушуниб, ич-ичидан пушаймон бўлиб, бу ишни қайта қилмасликка тайёр бўлиб туради. Лекин, суд иши очик бўладиган бўлса, айбдор бола ўз ишининг оқибатидан тенгдошларининг, дўстларининг ёки жамоатчиликнинг олдида уялиши, хижолат чекиши ва бунинг натижасида оғир руҳий босимга дуч келиши мумкин. Руҳий босим натижасида бирон касаллик орттириб олган бўлса, у бутун умр ундан қутула олмаслик эҳтимоли бор.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари етарлича кафолатланади. Яъни, васийлик ва ҳомийлик белгиланади, фарзандликка олинади, ихтисослаштирилган тарбия ёки даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштирилади.

Ногирон, етим, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли, ота-она қарамоғидан маҳрум, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ҳам ёшлар билан учрашувларидан бирида уларни ҳимоя қилиш борасида шундай фикрларни айтган эди: “Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли гоғлар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик кайфиятидан асрашимиз зарур. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда барчамиз, аввало, сиз азиз ёшлар фаол бўлишингиз керак. Халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий аъналарини асраб-авайлаш ва бутун дунёга тараннум этишга сизлар албатта қодирсиз”.

Юқорида биз давлатимиз томонидан болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ишларнинг бир қисмини келтириб ўтдик, холос. Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, давлатимиз ўзининг келажаги бўлган болаларнинг ҳаёти ва соғлиғига ғамхўрлик қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, қадр-қимматини ҳимоя қилишда, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади.

**Зафар БОБОНОВ,**  
*жиноят ишлари бўйича  
 Сергели туман суди раиси.*

## БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Суд алоҳида яшайдиган ота-оналар ўртасида фарзанднинг улардан қайси бири билан яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим.*

Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлиги болани унга олиб бериш учун асос бўла олмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-она, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғлиқ қолганлигини, шунингдек, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнги кўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини инобатга олади. Шунингдек улардан ҳар бирининг бола билан муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар, ота-онанинг маълумоти, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқа имкониятларини эътиборга олади.

Суд 10 ёшга тўлган бола отаси ёки онаси билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин. Судда болаларнинг ота-оналардан қайси бири билан яшашлиги ҳақидаги низо никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво билан биргаликда ҳал этилаётган ҳолларда фарзандлар бошқа шахсларнинг тарбиясида эканлиги ҳамда улар болаларни ота-онасига қайтаришга қаршилик кўрсатаётганликлари аниқланса, суд бу низо алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим.

Ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олиб ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли. Шунингдек, суд ота ёки онанинг боласи тарбиясини таъминлай олиш имкониятларини, ота ёки онанинг боласи билан ўзаро муносабатлари хусусиятларини ҳамда боланинг ўз ихтиёрида бўлган шахсларга қанчалик кўнги кўйганлиги ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олади.

Агар ота-она ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахслар ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб беради. Бундай талаб қўйилмаган бўлса, суд ўзининг хусусий ажрими билан бу органларнинг эътиборини шундай даъво қўзғатиш зарурлигига қаратади. Судлар болаларни ота-оналарига ўз ихтиёрларида сақлаётган шахслардан, васийлар ва ҳомийлардан, болалар муассасаларидан олиб бериш тўғрисидаги даъволарни

кўраётган пайтда қайд этилган шахсларга ёки болалар муассасаларига болаларни олиб бериш учун асос бўлган ҳолатлар ўзгарган-ўзгармаганлигини, болаларни ота-оналарига қайтариш уларнинг манфаатларига мос келиш-келмаслигини аниқлашлари лозим.

Ота-она боласидан алоҳида яшайдиган ота-онанинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-оналар келиша олишмаса низо ота-она ёки улардан бирининг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Бола билан ота-онанинг кўришиш тартибини белгилашда боланинг жисмоний ва руҳий соғлиги, унинг ахлоқий камолотига таъсир қиладиган ҳолатлар, боланинг ёши ва соғлигининг ҳолати, боланинг ота (она)га боғлиқлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинади. Белгиланган кўришиш тартиби боланинг манфаатига жавоб бериши ва ижро этиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Истисно ҳолларда, боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг бола билан кўришиши унга зарар етказиши мумкин бўлса суд ота-онанинг бола билан кўришиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъвосини қабул қилинган қарорда асосланган ҳолда рад қилишга ҳақли.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота ёки онанинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-оналарнинг, қонунга ёки суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, бошқа шахслар ихтиёридаги болаларини тарбиялашларига монелик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги масала ҳам судлар томонидан худди шундай ҳал этилиши лозим.

Болани ота-она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш, болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахснинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, шу жумладан болани ўз ота-онасига ёки яқин қариндошларига ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқланмаган ва тегишли давлатнинг қонунчилигига биноан зарур ваколатларга эга бўлган ташкилотга топширмадан қолдириш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**Дилфуза АХМЕДОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ: ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**Янги Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади. Болалар меҳнатининг бола соғлиғига, хавфсизлиғига, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.**

Ушбу ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаш учун, дастлаб, биз мажбурий меҳнат тушунчасига тўхталиб ўтишимиз керак. Ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги Конвенцияда қуйидагича таъриф берилган: “Конвенция мақсадлари учун “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган исталган иш ёки хизматни аналатади”. Бироқ, ушбу таърифдаги мажбурий ва зўраки меҳнат бир-биридан фарқ қилади. Нимагаки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зўраки” сўзи “ўз истагидан ташқари қилинган, гайриихтиёрий, мажбурий, сохта, сунъий” маъноларини, “мажбурий” эса “хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз амалга оширилиши шарт бўлган” сифатида келтирилган, яъни иккаласи икки хил тушунчани аналатади. Бироқ, амалдаги қонунчилигимизда бу бир тушунча сифатида келтирилган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Меҳнат кодекси 5-моддасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, унда мажбурий меҳнат сифатида баҳолаш учун иккита талаб назарда тутиляпти:

*биринчиси, бу меҳнат шахснинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги, айтайлик, бирор бир меҳнат учун ходим рози бўлмаслиги ва бу меҳнатга ходим ўзининг ташаббуси билан чиқмаслиги керак; иккинчиси, ушбу меҳнатни бажармаслик учун жазо таҳдидининг мавжуд бўлиши.*

Масалан, кўпгина ташкилотларда ходимлар ўзларининг хизмат мажбуриятларига кирмайдиган навбатчиликка жалб қилинадилар. Мисол сифатида, умумхалқ дам олиш куни деб эълон қилинган кунлари навбатчилик жадваллари шакллантирилади.

Шунингдек, ушбу кодексда ва юқорида келтирилган Конвенцияда мажбурий меҳнат деб эътироф этиладиган ишлар рўйхати келтирилган. Меҳнат кодекси талабларига кўра қуйидагилар бундай ишлар тоифасига киритилади:

*Ҳарбий хусусиятга эга бўлган ишларни ёки “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ ишларни бажариш;*

*бажарилишига фавқуллода ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши сабаб бўладиган иш;*

*суд қарорларини ижро этиш чоғида қонунчиликка риоя этилиши учун масъул бўлган давлат органлари назорати остида суднинг қонуний кучга кирган қарори бўйича жазо сифатида бажариладиган иш.*

Конвенцияга биноан эса булар қуйидагилар:

*а) мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунларга кўра талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат;*

*б) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат;*

*в) исталган шахсдан суд органининг ҳукми оқибатида талаб қилинадиган исталган иш ва хизмат, агар мазкур иш ҳамда хизмат давлат ҳокимият органларининг кузатуви ва назорати остида бажарилса ҳамда ушбу шахс хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар тасарруфига ўтказилмаса ёки берилмаса;*

*г) фавқуллода ҳолатлар шароитида, яъни уруш ёки фалокат ёки фалокат таҳдиди ҳолатларида, масалан, ёнғин, сув тошқини, очлик, зилзила, кучли эпидемия ёки эпизотик касаллик, зарарли ҳайвонлар, ҳашаротлар ёки паразитларнинг ҳужуми ҳолларида ва умуман жами аҳоли ёки аҳоли бир қисмининг ҳаёти ёнги барқарор ҳаётини шароитини хавф остига қўядиган ёки қўйиши мумкин бўлган вазиятлар шароитида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат;*

*д) жамоанинг майда хизматларини, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун шу жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишлар, фақат ушбу жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт билан.*

Юқоридаги барча ҳолатлар ўзида мажбурийлик ва ихтиёрсизликни кўзда тутса-да, улар мажбурий меҳнат сифатида баҳоланмайди.

Мажбурий меҳнатнинг болалар меҳнатидан фарқини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Негаки, болалар меҳнати мажбурий меҳнатдан фарқ қилади. Дастлаб “бола” тушунчасига тўхталиб ўтсак. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги ҳамда “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги конвенцияларга кўра, 18 ёшгача бўлган шахслар бола ҳисобланади. Лекин бу 18 ёшгача бўлган барча шахслар ишлаши мумкинлигини аналатамайди. Меҳнат кодексига асосан болаларга 15 ёшдан бошлаб ишлашга рухсат берилган. Демак, 15 ёшдан кичик бўлган шахсларни ишга олиш, уларнинг истаги бўлган тақдирда ҳам ноқонуний ҳисобланади. Фақат бир ҳолатдан ташқари, яъни агар 15 ёшдан кичик шахс маданий-томоша ташкилотларида, телевидение, радиоэшиттириш ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек профессионал спортчи бўлса, ушбу фаолият ота-онанинг ҳар иккисининг (ота-она ўрнини босувчи шахснинг) розилиги ҳамда вассийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан, соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмасдан асарларни яратиш ва (ёки) ижро этишда (кўргазмага қўйишда)

иштирок этиш учун ўн беш ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон қонунчилигида боланинг ёши ва унинг истадидан қатъий назар таъқиқланган меҳнат турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Меҳнат кодексига кўра:

- ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнати меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавфли бўлган ишларда;

- ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши уларнинг ҳаёти ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни ҳамда токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) қўллаш тақиқланади.

Шунингдек, Адлия вазирлигидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатдан ўтган қўшма қарорда белгиланган шароитларда ва лавозимларда ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг ишлаши тақиқланади. Масалан, қурилиш материаллари саноатида тегирмончи, тоштарош, аспираторчи; шиша ва шиша буюмларини ишлаб чиқаришда эса газчи, юкчи, шишасоз каби лавозимларда ишлаши мумкин эмаслиги келтирилган.

“18 ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Адлия вазирлигидан 2009 йил 12 майда 1954-сон билан рўйхатдан ўтган қўшма қарор ҳам болалар меҳнатини тартибга солувчи норматив ҳужжатда ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун — 6,5 кг, қиз болалар учун — 3,5 кгдан оғир бўлмаслиги белгиланган.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар меҳнати билан боғлиқ яна шундай қоидалар борки, улардан бири тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилиниши ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши кераклиги бўлса, кейингиси иш вақтининг муддати 16-18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15-16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмаслиги зарурлигидир.

Мажбурий меҳнат ўзида иккита хусусиятни (бири меҳнат шахснинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги, иккинчиси жазо қўллаш таҳдидининг бўлиши) қамраб олади ва болалар меҳнатидан фарқ қилади. Сабаби эса юқорида кўриб ўтганимиздек, болалар меҳнатида мажбурий меҳнат элементлари бўлмаса-да, юқоридаги таъқиқланган шароитларда уларни ишга жалб этиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши ислохотлар бошланишини Конституциямиз билан боғлашимиз мақсадга мувофиқ. Айнан Конституция мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган энг асосий ҳужжат бўлиб, унда фуқароларни мажбу-

рий меҳнатга жалб этиш таъқиқланганлиги конституциявий норма сифатида ўрнатиб қўйилди. Шундан сўнг, мамлакатимиз мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилди.

Жумладан, 2021 йилнинг ўзида 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Болалар омбудсмани ташкил этилди. Парламент ва жамоатчилик назорати жорий этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда “Муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури” ишлаб чиқилди.

Кўриб ўтганимиздек, мамлакатимизда босқичма-босқич мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва улар ўз навбатида самарасини кўрсатмоқда. Хусусан, 2018 йил АҚШ Ўзбекистон пахтасини болалар меҳнати орқали етиштириладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарди. 2021 йил 27 январда “Коттон Компейн” халқаро коалицияси ўз расмий веб-сайтида Ўзбекистонда 2020 йилги пахта йиғим-терими мавсуми давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар ўз самарасини берганини эътироф этди. 2020 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан мустақил жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда “Учинчи томон мониторинги” ўтказилди. Унинг натижаси ўлароқ халқаро ҳамжамият ушбу йилда пахта йиғим-теримида болалар меҳнатидан фойдаланилмаганлигини тасдиқлади.

Жавобгарлик масаласига келадиган бўлсак, қонунчилигимизда маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига кўра: меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, (бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно), базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача (30 миллион сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар юқоридаги қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этилса жиноий жавобгарликка тортилади. Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилса, тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик юзага келади.

Жиноят кодексининг 148<sup>2</sup>-моддасига кўра, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш (бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно) худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 150 бараваригача (45 миллион сўмгача) миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача (60 миллион сўмгача) миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Карима РАЖАБОВА,**

*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.*



**Ахтам  
ТУРСУНОВ,**  
юридик фанлар  
доктори, профессор

## ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Жиноятчилик ҳодисасини яхлит деб оладиган бўлсак, ёшлар жиноятчилиги унинг ажралмас ва асосий қисми ҳисобланади. Чунки, ўсмирлик ёки ўспиринликда содир этилган жиноят баъзан кишига бутун умри давомида ҳамроҳ бўлиб қолиши мумкин. Шу боис дунё миқёсида ёшлар жиноятчилиги муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.*

**Ўрганилган адабиётлар, социологик сўров ва ёшлар жиноятчилигига оид статистик маълумотлар таҳлилларига асосланиб уни келтириб чиқарувчи омилларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:**

- а) ёшлар онгида носоглом маънавий-руҳий муҳит;
- б) ёшларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги;
- в) ёшларда мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор;
- г) ёшлардаги моддий этишмовчилик ва қийинчиликлар;
- д) ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қўйиши.

**Ёшлар онгида носоглом маънавий-руҳий муҳит.**

Криминолог олимларнинг таъкидлашича, шахс шаклланишида оиладаги муҳит долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, Ю.М.Антоняннинг фикрича, оиладаги ёшлар жиноятчилигининг асосий сабабларидан бири – ота-онанинг фарзандига меҳр қўймаганлиги, унинг тарбиясига эътиборсизлигидир. Ёшларнинг болаликда меҳр-мурувватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, кўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради.

Агар оилада маънавий-ахлоқий муҳит носоглом бўлиб, эр-хотин ёки бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини менсимаслик, қўполлик, хурматсизлик мавжуд бўлса бундай оилаларда ёшлар жиноятчилигининг келиб чиқиши муқаррар.

Профессор И.Исмаилов таъкидлаганидек, оиладаги носоглом вазият, уриш-жанжал оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоглом муносабатлар шахс маънавияти салбий шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Бу борада М.Х.Файзиева, “агар оилада оилавий муносабатлар ижобий бўлмаса ёки етарли даражада шаклланмаган бўлса унда турли муаммо ва низолар вужудга келади”, деган фикрни билдиради.

Яна шуни айтиш лозимки, ёшлар жиноятчилигига кўп ҳолларда оилавий низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан жароҳати етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга, баъзида эса қасддан одам ўлдиришгача ҳам олиб келиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, оиладаги ёшларни ушбу қилмишларнинг содир этилишига олиб келувчи асосий омил - оиладаги носоглом муҳит ҳисобланади.

Оилада маънавий тарбиянинг яхши эмаслигига яна бир омил унда носоглом муҳитнинг мавжудлигидир, яъни ахлоқий келишмовчиликлар натижасида келиб чиқадиган ўзаро жанжал ҳамда бир-бирига нисбатан кўпол



**Шерзод  
ФОФУРОВ,**  
юридик фанлар  
бўйича фалсафа  
доктори

муносабатда бўлиш кузатилган оилада жиноятчиликка мойил ёшларнинг шаклланиши яхши шароитдаги оилага нисбатан кўпчиликни ташкил этишини кўриш мумкин.

**Ёшларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги.** Ёшларнинг маънавияти унинг ахлоқий фазилатлари билан белгиланади. Таҳлилларга кўра жиноятчиликка мойил ёшларнинг аксарияти маънавияти ва ахлоқий фазилатлари юқори даражада эмаслиги маълум бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги биринчидан энг аввало ота ёки онанинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг пастлиги билан боғлиқ эканлиги, иккинчидан, унинг оилада ўсиб келаётган ёшлар хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келиши, учинчидан, ёшларнинг жиноятчиликни келтириб чиқариши, тўртинчидан, ёшлар ўртасида салбий муносабатларнинг юзага келишига ўз таъсирини кўрсатади.

Айнан жабрланувчининг салбий хулқ-атвори кўпинча оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай қилмишларга ҳақорат, тўхмат, камситиш, менсимаслик, инсон шаъни ва қадр-қимматини ерга уриш кабиларни киритиш мумкин.

Айни дамда, психолог А.Т. Кадирова таъкидлаганидек, эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги низо ёки зиддиятлар келиб чиқилишининг асосий сабабларидан биридир. Шу боисдан назаримизда, оилада ёшларнинг қасддан жиноят содир этиши кўпинча эр ёки хотиннинг бир-бирини хурмат қилмаслиги, ҳақорат қилиш, устидан кулиш, камситиш, менсимаслик каби омиллар ёшларда қасд ёки ўч олиш ниятининг шаклланишига олиб келади. Оиладаги муҳит ёшларнинг жиноий хулқ мотивациясига бевосита таъсир кўрсатади. У ташқи ижтимоий ва бошқа омиллардан ташкил топиб, жиноят содир этган ёшларнинг шахсий хусусиятларига таъсир кўрсатади ҳамда жиноятчилик содир этишини белгилаб беради.

**Ёшлардаги моддий этишмовчилик ва қийинчиликлар.** Ёшларнинг доимий меҳнат фаолияти билан шуғулланмаслиги оилада моддий этишмовчиликка олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Ишсизлик жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни озиқлантиради ва ўсишига хизмат қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирда республикамизда ёшлар томонидан содир этилаётган рецидив жиноятларнинг ҳар тўрттадан биттаси ишсиз юрган ёшлар ҳиссасига тўғри келади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, жиноятчиликни содир этган ёшларнинг

аксарият қисмини ишсизлар, оилада носоғлом турмуш-тарзи юритувчилар, маълумотга эга бўлмаганлар, маънавияти ва дунёқараши ривожланмаганлар, атрофдагилар билан муносабати самимий бўлмаганлар, салбий хулқ-атворга эга тоифадаги ёшлар ташкил этади.

Ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан яна бири бу – ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қўйишидир. Маълумки, спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида ёшлар ўзининг хатти-ҳаракати оқибатини англаб етмаслиги, жамиятга, атрофдагиларга нисбатан бефарқлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатлар ҳам келиб чиқади. Спиртли ичимлик, ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи асосий криминоген омиллардан бири бўлиб, унинг таъсирида кўпинча жиноятчиликнинг содир этилиши келиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2020-2022 йилларда ёшлар томонидан маст ҳолда 1 318 та жиноят содир этилган.

Таъкидлаш керакки, ичкиликбозликка ружу қўйган шахсларнинг оиласида низолар, ота ва оналар ўзининг мажбуриятларини бажармаслиги, моддий қийинчиликлар, нотўғри тарбия ва ёшлар ўртасида алкоголизм ва жиноятчиликнинг ўсиши кузатилади. Бизнингча, ичкиликбозлик оқибатида биринчидан, мунтазам равишда ёшлар ўртасида криминоген вазиятлар юзага келади, иккинчидан, ёшлар томонидан ҳаёт ва соғлиққа қарши ғаразли мотивларда оғир турдаги жиноятлар содир этилади, учинчидан, ёшлар тарбияси бузилади.

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олиб, таъкидлаш мумкинки, жиноятни келтириб чиқарган омилларни ўрганишда уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Зеро, ёшлар жиноятчилиги ҳар бир жамиятнинг яшаш тарзида ўзига хос равишда шаклланишини эсдан чиқармаслик лозим. Нафақат жамиятда, шу билан бирга, ёшлар жиноятчилигининг у ёки бу ҳудуддаги яшаш тарзига кўра ҳам шаклланишини илм аҳли исботлаган. Бу ҳолатни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ва айниқса қишлоқ жойларда ўзига хос равишда кечишини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигона ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам шижоати, тўла-тўқис фидокорлигига ва меҳнатсеварлигига боғлиқ эканини англаб етишлари керак. Шу боисдан ҳам жамиятимизда ёшларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётда фаол иштирок этадиган қилиб тарбиялаш ва йўналтириш, ҳар бир оила ва фуқаронинг, давлат ва нодавлат ташкилотларининг вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ёшлар жиноятчилигининг келиб чиқишида асосий омил оилада ёшлар тарбиясида йўл қўйилган хатолик дейиш мумкин. Демак, ёшлар жиноятчилигининг келиб чиқишини таъминловчи ва озиклантирувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Ўтказилган социологик сўровномалар нуктаи назаридан ёндашилса, ёшлар жиноятчилигини келтириб

чиқарувчи ва уни озиклантирувчи омилларда қуйидаги ёшларни алоҳида инобатга олиш лозим.

18-19 ёшдагиларга: оила аъзолари билан оилавий муносабатларни шакллантириш борасида ишлаш, профилактик чораларни белгилашда тенгдошлари ва ёшлар гуруҳи пешқадамларини фаол жалб қилиш ҳамда ёшлар учун ижтимоий намуна йўналишларини тарғиб қилиш, соғлом авлод манфаатлари доирасини шакллантириш.

20-22 ёшдагиларга: оила аъзолари билан ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш йўналишларида ишлаш ҳамда оилада ота-она ва фарзанд ўртасида ишончли муносабатларни шакллантириш, шунингдек мазкур мақсадда педагоглар билан ишлаш, ижобий манфаатлар даражасида танишлар орттириши учун ўзаро ишонч муносабатлар доирасини шакллантириш, ўзини ўзи англашга ёрдам бериш ҳамда касбга йўналтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориш.

23-25 ёшдагиларга: ёшлар жиноятчилиги натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва бошқа хавф-хатар омиллари тўғрисида хабардор қилиш, зарарсизланиш усуллари, уларнинг барвақт олдини олиш ҳамда ўз ўзига ишонч ҳиссини ривожлантириш, оилавий муносабатлар ҳамда касбга йўналтириш кабиладир.

26-30 ёшдагиларга: жиноятчилик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва бошқа хавф-хатар омиллари тўғрисида хабардор қилиш, оилавий ҳаёт шариоити, иш жамоаси билан самарали алоқага киришиш бўйича тренинглар ўтказиш. Маҳалла, ташкилот, корхона, таълим муассасалари ва х.к. Шунинг учун ҳам ёшлар жиноятчилигининг омилларини аниқлаш асосан турли эскилик сарқитларини омма онгига киритмаслик асосида тарғиб этилади. Шундай бўлса-да, бир қатор олимлар ёшлар жиноятчилигининг юзага келишига таъсир этувчи кўплаб омиллар мавжудлигини эътироф этган.

Таҳлилларга кўра, сўнгги пайтларда оилавий ажримлар сони ортиб бормоқда. Энг ачинарлиси, ажрашаётган оилаларнинг аксариятида вояга етмаган тарбия ва парваришга муҳтож ёш болалар мавжуд. Мамлакатимизда 2019 йилда 31 683 та, 2020 йилда 28 233 та, 2021 йилда 39 227 та, 2022 йилда 48 734 та оилавий ажримлар қайд этилган. Ачинарли томони шундаки, сўнгги пайтларда оилавий ажримларнинг сони анча ортган. Мисол учун, 2022 йилда 2019 йилга нисбатан оилавий ажримлар қарийб 35% га ошган. Ушбу оилаларнинг 85 фоизидан кўпроғини ёш оилалар ташкил этганлиги масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Шу боис, ёшларни оила қуришга тайёрлашда уларни миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашимиз лозим.

Фикримизча, оилавий ва ижтимоий ҳолат ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасаввурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларида оила-никоҳ муносабатларидан қоникмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур фазилатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.



**Мавжуда  
РАЖАБОВА,**  
ИИБ Академияси  
Жиноят ҳуқуқи  
кафедраси  
профессори,  
ю.ф.д.

## АЙБ ТУШУНЧАСИ – ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ БИЛАН БОҒЛИҚ

*ЖКнинг нормалари тузилиш жиҳатидан бир-бирига мустақкам боғлиқ, бири иккинчисини бойитиб бориши натижаси ўлароқ, гўёки ҳалқалар бирлашиши оқибатида ягона занжирни ташкил этгандек кўринади. Муҳими алоҳида олганда, бир неча нормалар битта бўлимдаги бобларда тўпланади ва яхлит тизимни ҳосил қилади. Бунда ЖКдаги нормаларга хос муҳим жиҳат шундаки, маълум бир институтга мансуб қонданинг биронтаси мазмунан нотўғрироқ ифодаланиб қабул қилинса, яъни, мазмун жиҳатдан бошқа бир нормага қарама-қарши (коллизия) келиб қолиши охир-оқибатда уни амалиётда қўллашда хатога йўл қўйишга сабаб бўлади. Айниқса, ЖКнинг Умумий қисмидаги қондалар Махсус қисмидаги ҳар қандай жиноятни тўғри квалификация қилишга таъсир кўрсатишини алоҳида эслатиб ўтмоқчимиз.*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 10-моддасида жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили акс этган. Унга кўра, “қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт”. Мазкур қонунчиликнинг “Айб учун жавобгарлик тамойилига мувофиқ эса шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади” (9-м.). Қайд этилган меъёрлар жиноят ҳуқуқидаги жиноят таркибига оид ғоялар жамланмаси сифатида жиноят қонунчилигида мустақкамланган ва муҳим юридик аҳамият касб этади.

Жиноий жавобгарликнинг асоси содир этилган ҳар қандай жиноятда албатта жиноят таркиби (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон), яъни бир пайтнинг ўзиде юқорида жиноят таркибининг тўртта қисмига (элемент) тегишли барча белгилар (айримларида кўшимча белгилар ҳам) аниқланган бўлиши зарурлигидир.

Кузатишларимиз ва мутахассислар билан мулоқотларимиз шуни кўрсатадики, кўпчилик амалиёт ходимлари жиноят ишини юритишда таянч нормаларни, содда қилиб айтганда, жиноят ишини тергов қилишда қонунийлик тамойилини рўёбга чиқаришнинг кафолати ҳисобланган ЖКдаги принциплар моҳиятини юзаки билади ёки уларни умуман эътиборга олмайди. Ҳолбуки, фикримизча, жиноят ишини юритишга масъул бўлган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳатто химоячи ҳам ЖКдаги қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларининг ҳар бирини “беш бармоқдек” билиши, булар асосида ҳар бир жиноятни квалификация қилишдан олдин мазкур жиноятда жиноят таркиби бор-йўқлигини ЖКдаги тегишли норма ёки нормалар “ва ҳуқуқий онгига амал қилиб ўзининг ички ишончига” (ЖПКнинг 95 м.) таяниб баҳолаши шарт. Шундагина юридик жиҳатдан қонуний, адолатли ва асослантирилган қарор қабул қилиш мумкин.

Чунончи, жиноят таркибининг алоҳида қисми (элементи) ҳисобланган ва унинг субъектив томонини ташкил этувчи асосий белги бўлмиш айбнинг моҳиятига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Авваламбор, Жиноят кодексининг Умумий қисмида айбнинг шакллари (қасд ёки эҳтиётсизлик) ва уларнинг турларига (тўғри ёки эгри қасд) (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) боғлиқ моддалар мавжуд. Айбнинг санаб ўтилган

шакллари жиноят таркибининг субъектив томонининг асосий, зарурий, мажбурий белгилари ҳисобланади. Бундан жиноят таркиби қисмларидаги асосий белгилар ЖКнинг махсус қисмидаги ҳар бир норма мазмунида (диспозицияси) албатта мужассам бўлади, деган илмий-назарий ғоялар илгари сурилганини пайқаш қийин эмас.

ЖКнинг “Жавобгарлик асослари” деб номланган иккинчи бўлими бешинчи бобининг номи “Айб” деб аталган. Афсуски, айнан “айб” тушунчасига бағишланган модда ёки модда қисми мазкур бобдан ўрин эгалламаган. Аммо, жиноят ҳуқуқида оид деярли барча тадқиқот ёки манбаларда, дарслигу шарҳларда “айб” тушунчаси у ёки бу мазмунда ифодаланади ва бу борада олимлар ўртасидаги илмий баҳс-мунозаралар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бундай ёндашув тўғри ва зарур, зотан, “ҳақиқат баҳсларда тугилади”.

Аммо, масаланинг бошқа жиҳатига эътибор беришга тўғри келади. Таажжубланарли жиҳат шундаки, асрлар оша Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи фанида (романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб) чиғирқдан ўтиб, мазмунан бойитиб келинаётган “айб” тушунчасига қонуний тус бериб, уни ЖКда ифодалаш шунчалар қийинми? – деган савол тугилади. Охирги маълумотларга қараганда, янги тахрирда тайёрланаётган ЖК лойиҳасида гўёки “айб” тушунчаси алоҳида нормадан ўрин эгалламоқда ва бу эътиборга молик. Зотан, мазкур масала юзасидан халқаро тажрибага назар ташласак, ҳозирги пайтда МДҲ давлатларидан кўпчилигининг (Белорусь, Қозоқ, Қирғиз Республикалари) ва Украина Жиноят кодексига “айб” тушунчасини ўз ичига олган норма мавжуд.

Маълумки, “айб” юридик атамаси тилимизга араб тилидан кириб келган бўлиб, унинг луғавий маъноси “нуқсон” демакдир. Илмий жиҳатдан қараганда, “айб” атамаси турли маъноларга эга. Улардан бири “айб”нинг ҳуқуқий маъноси билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, у ҳуқуқ соҳалари қаторида жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят ҳақидаги қонунчиликда ишлатилиш ўрнига қараб “қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат” (жиноят таркибининг объектив томони – таъкид М.Р.) ёки “жиноятга тортишнинг зарур шакли” (жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси – таъкид М.Р.) ҳисобланади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистоннинг ҳозирги пайтдаги жиноят қонунчилиги дунёвийлик хусусиятига эга бўлиб, унинг илдишлари Россия жиноят ҳуқуқи ёки

қонунчилиги орқали Европа романо-герман ҳуқуқ тизими билан боғлиқ экани сезилади. Фикримизча, Европа жиноят ҳуқуқи (романо-герман ҳуқуқ тизими) билан шуғулланган олимлар томонидан азал-азалдан жиноят учун жавобгарликка тортишда айбга эмас, балки жиноят объектив томонининг асосий белгиси ҳисобланган ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га кўпроқ урғу берган ва жиноят тушунчасининг моҳиятида ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ётади, деган го я илгари сурилган.

Европада пайдо бўлган айб учун жавобгарлик масаласи ХХ аср бошларида Чор Россияси олимлари диққатини жалб этган, кейинчалик собиқ Иттифоқ даврида ҳам янада батафсил таҳлил қилиниб, янгича мазмун-моҳият билан бойитилган ва жиноят таркибининг алоҳида қисми сифатида эътироф этилган. Бу даврда айб институти қонунчиликка фақатгина илмий-назарий жиҳатдан шакллarga (қасд ёки эҳтиётсизлик) бўлиб киритилган. Масалан, эски ЖКдаги (1995 йилга қадар кучда бўлган) 8 моддаси (қасддан жиноят қилиш) ва 9 моддаси (эҳтиётсизлик билан жиноят содир қилиш) деб номланганидан унда айбнинг ўзи эмас, унинг шакллари акс этганини билдиради.

Ўз навбатида, мазкур норма СССР ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунларининг асослари орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ҳам ўрин олган. Мисол учун, ЎзССР (1959-1995) Жиноят кодексининг 7-моддаси “Жиноят тушунчаси”, қуйидагича, яъни “...жिनoят қонунда жамият учун хавfli фаолият (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), шунингдек, ...“жिनoят қонунда жамият учун хавfli фаолият деб назарда тутилган бошқа ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланади”, деб белгилаб қўйилган. Мазкур тушунча фақат жиноят таркибидаги объектив томон тушунчаси асосида ифодаланган. Ўшанда ҳам айб жиноят тушунчасининг алоҳида белгиси сифатида ЖКда акс этмаган. Фақат амалдаги ЖКда (14-модда) “Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”, деб баён қилинган ва шу тариқа айб жиноятнинг белгиларидан бири экани кўрсатилган. Ажабланарли жиҳати шундаки, ўшанда ҳам яна “айб” тушунчаси ЖКда ўз ифодасини топмаган, илгаригидек, айбнинг шакллари, яъни, қасд ёки эҳтиётсизлик ва уларнинг турлари алоҳида-алоҳида нормалардан ўрин эгаллаган. Ваҳоланки, собиқ Иттифоқ даврида жиноят ҳуқуқи билан шуғулланган ўзбекистонлик барча олимларнинг тадқиқотларида айбга турлича таърифу таснифлар берилган.

Айб ҳақида фикр юритар эканмиз собиқ Иттифоққа бирлашган давлатларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тарихида ўта оғир жиноят сифатида из қолдирган “қатагон” (репрессия) даврини эсламасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳақиқатан ҳам, қатагон қурбонларига тегишли жиноят ишларининг таҳлилига қараганда, бу тоифадаги жиноят ишлари ҳажм жиҳатдан жуда кичик, айрим жиноят ишлари бор-йўғи бир неча варақдан иборат бўлиб, куч ишлатиш оқибатида “эришилган” “айбга иқрорлик”ка таянилиб ҳукм чиқарилган. Айбни исботлаш институти амалиётда умуман ишламаган. “Айбга иқрорлик далиллар гултожи” деган суд

қилмасдан, ғайриқонуний жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ “учлик” амалиёти “қулоч ёйиб” бутун бир Собиқ Иттифоқ ҳудудини қамраб олган. Ачинарлиси, айбсиз айбдорларнинг кўпчилиги ўлимга ҳукм қилинган. Баъзи бирлари узоқ жойларга, жумладан совуқ ҳукмронлик қилган ёки яшаш шароитига эга бўлмаган ҳудуд – Сибирга сургун қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, охириги беш йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқори инстанциясида бир неча юзлаб қатагон қурбонларига (ҳаттоки “халқ душмани” тамғаси босилган қўрбоши, юзбоши, элликбошиларга нисбатан ҳам) тегишли жиноят ишлар юзасидан жиноий ҳодиса ёки жиноят таркиби йўқлиги сабабли оқлов ажримлари чиқарилди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Шу ўринда миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибасида ҳуқуқ манбаи ҳисобланган Ислom ҳуқуқида айб масаласига муносабат қандай бўлган? – деган савол туғилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ислom ҳуқуқи Европа жиноят ҳуқуқининг ривожига ҳам таъсир кўрсатган. Чунки, Ислom ҳуқуқи Европа давлатларига нисбатан бир неча аср илгари шакланган бўлиб, ўрта аср ҳуқуқ тарихига жамиятда жиноятчиликка курашда қатъий тартиб-таомиллари билан ўчмас из қолдирган. Ислom ҳуқуқи пайдо бўлган илк даврда жиноятнинг субъекти фақат маълум бир ёшга тўлган, ақли расо инсон бўлади, деб белгилаб қўйилган. Авваломбор, Ислom қонунчилиги, яъни, шариатда “жिनoят таркиби”, деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас.

Шариатдаги жиноятга оид қонун-қоидалар жазо турларига қараб гуруҳлар ёки тоифаларга бўлинган. Яъни, а) ҳад жазосига лойиқ жиноятлар (зино, зинокорликда айблаш, ўғрилик, хамр (ақл-идрокка таъсир қилувчи ичимлик ёки гиёҳвандлик ёхуд психотроп моддалар) истеъмол қилиш, босқинчилик ёки йўлтўсарлик, диндан қайтиш, исён каби, яъни, санoқли, бошқача қилиб айтганда, санаб ўтилган санoқли жиноятлар Аллоҳ чегаралаб қўйган жиноятлар деб номланган; б) кейингиси инсонлар (банда билан банда) ўртасида содир этилган жиноятлар: қасос ёки товон тўлашга оид (инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган) жиноятлар дейилган; в) таъзир жазоси билан боғлиқ (замон ва маконда ўзгарган ва енгилроқ жазо назарда тутилган) бошқа барча жиноятлар. Охириги тоифадаги жиноятлар кўплиги боис, улар қозининг ихтиёрига қолдирилган жазолар деб айтилади.

Ислom ҳуқуқига оид манбаларда, масалан, Бурҳониддин Марғинойининг “Ҳидоя” асарида биринчи икки тоифадаги жиноятлар тушунчаси, бу жиноятларни бир-биридан фарқлаш, ҳар бир жиноятни тўғри квалификация қилишга таъсир қилувчи асослар ва шартлар ҳақида батафсил ҳуқуқий таҳлиллар учрайди. Жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларга ҳам манбаларда эътибор берилгани таҳсинга сазовордир. Фикримизча, ислom ҳуқуқида ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавfliлик хусусияти ва даражаси алоҳида-алоҳида тарзда батафсил ўрганишни тақозо этади. Умумий қолип, яъни, ҳозирги ЖКни ишлаб чиқишдаги каби қонунчилик техникаси (қолип) мавжуд эмас.

Ислом ҳуқуқи пайдо бўлган даврдан бошлаб жиноятнинг субъекти маълум бир ёшга етган (15 ёш), ақли расо жисмоний шахс бўлиши белгилаб қўйилган. Инсоннинг ақли расолиги унинг айбини юзага чиқаради. Алоҳида олганда, ҳар бир жиноят юзасидан айбни аниқлаш, айниқса, айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакллари Ислом ҳуқуқининг диққат марказида бўлган. Масалан, Қуръони Каримнинг “Нисо” сураси 92- ва 93-оятларидаги “мўмин (иккинчи бир) мўминни фақат янглишибгина ўлдириб қўйиши мумкин” ёки “кимдаким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда қолишдир” дейилган. Бу икки оят мазмунидан биринчисидан айбнинг “эҳтиётсизлик” ва иккинчисидан “қасд” шакли мужассам. Ислом ҳуқуқида жиноятнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланган айбга аниқлик киритиш бир жиноятни бошқасидан фарқлаб, оғир жазо тайинламаслик учун мезон саналган. Француз олими Р.Шарл Европа жиноят ҳуқуқини Ислом ҳуқуқи билан қиёслаб шундай дейди: “Европа қонунларига биноан ҳайвон ва ўликлар устидан ҳам суд ҳукми чиқарилаётган бир пайтда мусулмон ҳуқуқи жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишда бундай ёндашишдан (ҳайвон ва ўликларни айбдор деб топишдан – таъкид бизники) анча илгари воз кечган эди. Яна Р.Шарлнинг “мусулмон ҳуқуқшунослари саккизинчи асрдан бошлаб мусулмон ахлоқини тузатишга оид жазолардан таъзирни қўллаш орқали жазоларни индивидуаллаштириш, яъни, жиноятнинг турига қараб, ҳар бир жиноятчига алоҳида-алоҳида жазо чораларини белгилаш тамойилига суянган эдиларки, бу қоида Европа қонунларига анча кеч киритилган”, деган фикрларидан ҳам Ислом ҳуқуқида ақл-идрокли бўла туриб, жиноят содир этган инсонгина айбдор ҳисобланганини тушуниш қийин эмас.

Замонавий жиноят ҳуқуқида таъкидланишича, айб ўзининг моҳияти ва юридик табиатига кўра ҳар қандай жиноят субъектив томонининг асосий ва мажбурий белгиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноий жавобгарликка тортишда айбнинг мавжуд экани албатта инobatта олиниши керак.

Айб жиноят содир этган шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиши, яъни, ўзининг ижтимоий хавфли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини англаган ҳолда ақл-идроки ёрдамида онгида рўй берган руҳий муносабатларини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, жиноятчининг айнан ўзи содир этган у ёки бу турдаги жиноят билан боғлиқ “ўй-хаёллари”, “кечинмалари”, “кўнглидан ўтган ижтимоий хавфли қарашлари”, жиноий деб баҳоланадиган “ички ҳис-туйғулари” ва ҳоказолардан иборат онгли тарзда амалга оширилган ёки оширилиши режалаштирилган ҳуқуққа хилоф қарашлари унинг айби борлигини намоён этади. Бу ҳиссиётлар жиноят содир этган шахснинг ички туйғулари, хоҳиш-истаклари, жиноятдан кўзланган мақсад-муддаоларини (ниятларини) ифодалайди. Айбни аниқлашда жиноят содир этган шахсни, айниқса, қасддан содир этилган жиноятларда жиноятга тайёргарлик кўриш босқичидан то унинг амалга оширилишигача кечган жараёнларда жиноятчининг руҳий кечинмалари, улар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, шу жараёнда унинг ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англагани ва бошқара олгани ҳамда унинг

оқибатларига жавоб бериши тергов, суриштирув ёки судда аниқланиши жиноят юзасидан айбни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қайд қилинганларнинг барчаси жиноят субъектининг руҳий ҳолати қандай кечганидан далолат беради. Қизиқ жиҳати шундаки, ЖКда “айб” тушунчаси билан боғлиқ аниқ ва лўнда таъриф мавжуд бўлмаса-да, мазмун жиҳатдан айбга қарама-қарши ёки мутлақо тескари бўлган “айбсиз ҳолда зарар етказиш” (24-модда) алоҳида нормада ўз ифодасини топган.

Унга кўра, “агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади”.

Фикримизча, мазкур нормадаги “...деб топилади” жумласи “этилгани сабабли жиноят деб топилмайди” жумласига алмаштирилиб, тузатилиши керак. Мазкур модда мазмунига кўра “айбсиз ҳолда зарар етказиш” қилмишни жиноят эканини истисно этадиган ҳолатлардан бири бўлгани учун ЖК учинчи бўлимига ўтказилиши лозим.

Фикримизча, ЖКнинг 20-моддаси “Айб” деб номланиши ва қуйидаги мазмунда ифодаланиши лозим: **“Айб - жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган, ақли расо шахснинг ўзи содир этган ёки содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва (ёки) унинг жиноий оқибатига нисбатан руҳий муносабатининг (қасддан ёки эҳтиётсизлик) оқибатидир”**.

Бундан ташқари, яқин орада айб ва унинг моҳиятига оид илмий-назарий жиҳатдан батафсил асослантирилган, фундаментал хусусиятга эга алоҳида тадқиқотнинг амалга оширилиши жиноят тўғрисидаги қонунда “айб” тушунчасини акс эттирилиши янада тезлаштирган бўлар эди.

Хулоса сифатида қайд этиш ўринлики, жиноят тўғрисидаги таълимотда айб ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шакллари оид янги тадқиқотлардан кўзланган мақсад амалдаги Жиноят кодексига бўшлиқларни тўлдириш баробарида жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, айниқса, суд-тергов амалиётида жиноятни квалификация қилишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этилишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Шарл. Мусульманское право, М., 1959, 41 с.
2. Русча-ўзбекча луғат, 2-том. Ўзбек Совет Энци.си Бош редакцияси. Т., 1984 йил, 763 б.
3. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси, Тошкент “Ўзбекистон”, 1988, 17 б.
4. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Таржимон Абдулазиз Мансур, Тошкент, 2001, 93 б.
5. Л.Д.Гаухман, Квалификация преступлений: Закон, Теория, Практика, М.: АО “Центр ЮрИнфоР”, 2003, 141-146 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1 том. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 51 Б.;
7. М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси, 1 том, “Илм зиёси” нашриёт уйи, 2010 й. 399 Б.
8. Мавжуда Ражабова, Ислом ҳуқуқи: Жиноят ва жазо. Ўқув қўланма, “ЎХИА” нашриёт матбаа бирлашмаси, Т.; 2021, 280 Б.

# КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИДА МАНСАБ СУИСТЕЪМОЛЧИЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ЮРИДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада коррупциявий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги, келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари таҳлил қилинган. Коррупциявий жиноятлар мансаб суистеъмолчилигидан бошланиши ва мансабдорлик жиноятлари махсус турларининг зарурий белгиси сифатида ҳар бир қасддан содир этиладиган мансабдорлик жиноятларининг асосини ташкил этиши масалалари асослантирилган. Коррупциявий жиноятлар давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг масъулияти ва мажбуриятлари, лавозим ваколатларининг бузиб бажарилиши натижаси эканлигига урғу берилган. Шунингдек, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда мансаб ваколати мажбуриятларига итоаткорлик ва тўғри амал қилиш юзасидан тавсиялар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупциявий жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, жиноий сиёсат, жиноят қонунчилиги, мансабдор шахс, давлат хизматчиси, суистеъмол қилиш, мансаб ваколатлари, лавозим ваколатлари, қонун, махсус таркиб.

Ўзбекистон Республикасини “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида коррупцияга “...коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”, деб таъриф берилган. Ушбу қонун нормасида “мансаб ёки хизмат мавқеидан” фойдаланган ҳолда, яъни суистеъмол қилган ҳолдаги ҳаракат назарда тутилиб, бу давлат томонидан мансабдор шахсга, давлат хизматчисига берилган давлат ваколатларини суистеъмол қилишни билдиради. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши кўп жиҳатдан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятига боғлиқ. Ҳар қандай фуқаро ўзининг муаммолари билан аввало маҳаллий ҳокимликларга мурожаат қилади, улардан ёрдам сўрайди. Бу мурожаатлар замирида адолатсизлик, қонунбузарлик ва турли хилдаги суистеъмолчиликларга дуч келиши давлатга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради. Буюк соҳибқирон Амир Темури бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, кудрати ва таркиби йўқолади”, - деб таъкидлаганларида ҳам ҳуқуқий жамиятга асосланган давлатни назарда тутган.

Коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда мансабдор шахснинг масъулияти, вазифасини оғишмай бажариши, қонуннинг бажарилишига масъулият билан ёндашиши аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, дейилишида ҳар қандай дав-

лат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга давлат номидан ҳар қандай фуқаро олдида унинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш масъулиятини юклайди.

Бундан англашиладики, мансабдорлик жиноятлари хусусан, мансаб ваколатларни суистеъмол қилиш давлат ва жамоат тизилмаларининг қонунга мувофиқ фаолиятларига путур етказиши, унинг обрўсини туширади, ижтимоий адолатга бўлган ишончини сўндиради, аксарият ҳолларда фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади. Бундай ҳуқуқбузарликлар орасида кенг тарқалган ва хавфлилиги юқори бўлган жиноий тусдаги ҳуқуқбузарлик бу – мансабни суистеъмол қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазибалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида, – “Охириги бир ярим йил ичида судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 1 минг 730 та қарори бекор қилинган”, – деб таъкидлаб ўтди. Бу рақамлар ва Республика бўйича бир ярим йил ичида шунча қарорларнинг бекор бўлиши мазкур қарорларнинг асоссиз, суистеъмолчилик билан чиқарилганлигини англатади.

Кўп ҳолларда мансаб суистеъмолчилиги талон-тарож қилиш, контрабанда, божхона, солиқ соҳасидаги ва бошқа жиноятлар билан бирикиб келмоқда.

Суд амалиёти таҳлилларида мансабдорлик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётганлиги таъкидланади. Жумладан, Ўзбекистонда ўтган икки йил давомида 1 минг 986 нафар мансабдор шахс коррупциявий жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 2 триллион сўмдан ошган.

Коррупциявий жиноятларга жиноят-ҳуқуқий ёки фақатгина криминологик муаммо сифатида қаралиши мумкин эмас. Чунки, бу чуқур ва мураккаб, сиёсий, иқтисодий ҳамда ахлоқий мазмунга эга бўлган муаммодир. Мансаб суиистеъмолчилиги муаммосини социология, ҳуқуқ, криминология, ижтимоий руҳшунослик ва илмий билишнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда комплекс таҳлил этиш зарурати мавжуд. Бу тарздаги комплекс ечимларга бўлган эҳтиёж илмий билимларнинг интеграциялашуви, бир-бирига яқин муаммоларнинг турли фанлар томонидан ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилиниши ва тегишлича фанларнинг бир-бирига кириб боришида намоён бўладиган фан тараққиётидаги умумий вазият ва тамойилларни ифода этади. Коррупцияга қарши кураш ва олдини олиш ҳар қандай мансабдор шахснинг ўз ваколатлари доирасида қонунийликка риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада профессор Қ.Р.Абдурасулованинг коррупциявий жиноятлар фош этилиши омиллари ҳақидаги, “Мазкур жиноятларни фош этиш динамикаси давлат органлари фаолиятининг, мамлакат раҳбарининг сиёсий иродасига боғлиқдир”, - деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Негаки, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳар қандай мансабдор шахснинг мансаб масъулияти ва лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиши лозим. Ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда махсус бошқарма, бўлим ёки инспекциялар жорий этилганлиги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни фош этиш вазифасини амалга оширади, қолаверса ҳар қандай раҳбар шахснинг масъулиятида ходимларни назорат қилиш ва ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларга йўл қўймаслик вазифасини ҳам назорат қилиш мажбурияти юкланади.

Давлат бошқарув тизимида мансаб суиистеъмолчилиги жиноятларининг кенг тарқалганлиги бу жиноятларга қарши кураш борасидаги қонунларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу жиноятга қарши курашдаги фаолиятларини жонлантириш ва бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бу жиноятларга қарши кураш самарадорлигига эришиш имкониятларини яратади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти тушунчаси айнан мансабдорлик жиноятлари тушунчаси билан биргаликда талқин қилинади. Бу жиноятнинг зарурий белгилари айнан мансабдорлик жиноятлари белгилари билан бир хилдир.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар этади. Бу эса мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, қолаверса барча хўжаликлар негизи механизмнинг янгиланганлиги жараёнида раҳбар шахсларнинг ва барча мансабдор шахслар

масъулиятларининг янада оширилганлигини белгилаб беради.

Бу ижтимоий хавfli жиноятлар таркибларининг ижтимоий-иқтисодий ва юридик анализи белгиларини умумий мансабдорлик жиноятларининг қонунчилик назарий таҳлили даражасида ўрганиб чиқиш керак.

Қонун даражасида мансабдорлик жиноятларининг умумий тушунчалари баён қилинмаган. Лекин, профессор Б.Ахраровнинг таъкидлашига кўра, мансабдорлик жиноятларининг қонуний баённомаларида ҳамда жиноят ҳуқуқи назарияларида бу масалага кенг ўрин ажратилган. Мансабдорлик жинояти тушунчасининг асосий белгиларидан бири, бу жиноятнинг давлат аппаратининг нормал ишлаши ва бошқарув тартиби фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга қаратилган бўлиши билан белгиланади.

Мансабдорлик жиноятлари тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида бу жиноятлар белгиларининг биргаликда ифодаланиши билан таърифланади. Лекин, мансаб суиистеъмолчилиги тушунчасини аниқлаштириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлигини инкор этмайди.

Жумладан, мансабдорлик жиноятлари деб, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини ёки вазибалардан фойдаланган ҳолда давлат, бошқа жамоат ташкилотларининг ёхуд фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказувчи ҳаракатларга айтилади.

Бу таъриф ҳам ўз вақтида муайян муносабатларидан ташқари яна бир жиддий камчиликка эга. Жиноий қилмиш билан оддий ҳуқуқбузарликни фарқловчи зарар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган бу эса ҳаракатларни квалификация қилишда жиноий жавобгарликнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятлари умумий ҳолда мансабдорлик жиноятлари белгилари билан бир хил деб тарифлансада, бу жиноятларнинг тури сифатида расмий ҳужжатларга киритиладиган сохта маълумотлар билан характерланиши ҳам кўп таъкидланади. Лекин бу таъриф билан ҳам келишиб булмайди. Фикримизча мансабдорлик жиноятлари деб ҳисоблаш учун мансабдор шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида албатта жиддий зиён етказилган бўлиши шарт. М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятлари ҳаттоки тегишли қонун матнларида назарда тутилмаган бўлса ҳам давлат аппаратининг нормал фаолиятига жиддий зарар етказади. Ҳақиқатдан ҳам зарарнинг етказилган бўлиши ёки етказилиш хавфи яратилган бўлиши ҳаракатнинг жиноят эканлигини белгилаб бериш имкониятига эга. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятида давлат, жамоат ёки айрим фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиш бу жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланиши лозим.

Зарар доим ҳам мулкый хусусият касб этмаслиги, айрим ҳолларда давлат аппарати негизига кирувчи корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг нормал

ишлаш ҳолатларига жиддий зиён етказиши мумкин. Бу эса унинг обрўсизланишига олиб келади ва ҳоказо.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг бевосита объекти - давлат аппаратида кирувчи давлат ёки жамоат ташкилотларининг фаолият тартиби; махсус субъект - мансабдор шахс; жиноятни содир қилиш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси ёки мансаб ваколати юзасидан содир этиши мумкинлиги ва бунинг натижасида давлат, жамоат ёки айрим фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлишигидир. Бу санаб ўтилган белгилар айрим мансабдорлик жиноятлари таркибини белгилаш уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш имкониятини яратади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда мансаб ваколатини бузиб давлат, жамоат ёхуд айрим фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиш ҳаракатига айтилади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти мансабдорлик жиноятларининг бир тури сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай юқорида таъкидланган белгиларнинг барчасини ўзига мужассамлаштиради. Айнан шу белгилар асосида жиноятининг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиб чиқиш мумкин. Бу жиноятнинг ҳуқуқий моҳиятини мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши оқибатида фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши ташкил қилади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш аксарият ҳолларда бошқа жиноятлар билан бирга содир этилади ва кўпинча бундай суиистеъмолликлар у жиноятларнинг содир этиш усулини ташкил этади. Бундай жиноятларга ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик, экологияга қарши жиноятларнинг айрим турлари кабилар киради.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти бошқа мансабдорлик жиноятларга нисбатан умумий таркибли жиноят бўлиб, бошқа мансабдорлик жиноятлари доим шу жиноятнинг умумий белгилари билан бирга содир этилади. Умумий таркибли жиноят деганда ушбу жиноятнинг махсус турлари учун алоҳида жавобгарлик белгиланган жиноятлар тушунилади. Одатда махсус турдаги жиноят қонунларида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти белгилари назарда тутилмайди, лекин у жиноятлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти белгилари билан содир этилади. Масалан: корхона директори томонидан жиний йўл билан қўлга киритилган мулкни ўтказишда сохта ҳужжатлар қилиш, контрабанда мулкларни божхона текширувидан сохта ҳужжатлар тузиш нати-

жасида ўтказиб юбориш ва ҳоказолар. Бундай ҳолатлар доим суиистеъмол қилиш билан содир этилади. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг бундай хусусиятлари мавжуд бўлганлиги учун ҳам жиноят ҳуқуқи назариясида бу қонун нормаси матнини жиддий ўзгартириш, ҳаттоки мансабдорлик жиноятларининг айрим турларини конкретлаштириш мақсадида бошқа қонун нормалари билан ҳам алмаштириш таклифлари баён қилинади.

Хулоса қилинишига кўра, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти коррупциявий жиноятлари объектив томонининг асосий қилмиш белгиси бўлиб, бошқа барча мансабдорлик жиноятларига нисбатан умумий таркибли жиноят, мансабдорлик жиноятларининг махсус турлари айнан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти белгилари билан содир этилади ва коррупциявий вазиятларни вужудга келтиради. Махсус таркибли мансабдорлик жиноятлари жиноят қонунида умумий таркиб белгиларини ҳам ифодалаб қонун матни тузилган ҳолда умумий таркиб билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Умумий ва махсус таркибли жиноятлар рақобатида махсус таркиб жиноят қонуни билан квалификация қилиш кифоя қилади.

**Шуҳрат АЛИРИЗАЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси  
Департаменти бошлиғи муовини.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги қонунлар. (Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари; назария ва амалиёт илмий-амалий анжуман материаллари) тўпламида. Тошкент-1994 йил, 86-88 бетлар.
2. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взяток. Автореферат. к.ю.н. Ташкент-1994 йил.
3. Зуфаров Р.А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. XV боб. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси. 1997. 269 б.
4. Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика //Автореф. дисс. Докт.юр. наук. - Т., 1997.; Гулямов З.Х. Общественная опасность и социальная обусловленность ответственности за посягательство на правосудие. // Ҳуқуқ-Право-Law, 2002. №1 (17) 54-59 б. №2 (18) 60-63 б.
5. Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. - Ташкент. 1997. - 61-64-бетлар; Маскимов С.В. Коррупция. Закон. Ответственность. - М., Юрипформ, 2000.
6. Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш. //Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси. 2018 й. №4 (36), 6-7 б. <https://lex.uz/docs/3727063>
7. Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2019 й. 9 декабрь.
8. Ш.М. Мирзиёев Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар. 2020 йил 30 июнь.
9. Йўлдошев Н. Коррупция ҳолатлари кузатилаётган соҳалар ҳамда вазирлик ва идораларда бунинг сабаб ва шарт-шароитларига бағишланган идоралараро йиғилишидан. 2020 йил 7 ноябрь.
10. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2021 й. 86 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. /<https://lex.uz/docs/3088008?ONDATE=21.04.2021>.

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий қонунчиликда белгиланган тартиб-таомиллар ва бу борадаги амалиёт таҳлил этилган. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишга қўйилган талабларни либераллаштириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, Устав, қонунчилик, низом, таъсис шартномаси, жамоат бирлашмаси, раҳбар органи.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, уни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни билан бошланади. Бундай ташкилотларни ташкил этувчи айрим ташаббускорлари ёки ташкилотчиларида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш шартми ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш қай даражада мақсадга мувофиқ деган фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Гап шундаки, “Давлат рўйхатидан ўтказиш” тушунчаси алоҳида субъект сифатида бундай ташкилотларнинг юридик шахс мақомини олишини англатади, чунки қонунчилигимизда яъни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 44-моддасида “Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади” деб белгиланган.

Ўзбекистон қонунчилигида давлат рўйхатидан ўтказилмасдан туриб, мазкур ташкилотларнинг фаолият юритиши таъқиқланади. Қонунчиликка асосан “Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.”

Нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахс мақомини олгандан кейин ўз номидан ўзининг фаолиятини амалга ошириши, мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши, муайян мажбуриятларни бажариши, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиши, хўжалик фаолиятини юритиши, мустақил баланс ёки сметага эга бўлади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтиши, унга қонун ҳужжатлари асосида фаолият юритиш ҳуқуқини беради. Қонун тили билан айтганда, “ўз мулкда, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот”.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тижорат ташкилотларидан фарқи шундаки, улар тадбиркорлик фаолияти натижаларидан олинган фойдани бундай ташкилотлар таъсисчилари ва аъзолари ўртасида тақсимлаши мумкин эмас. Фойданинг ҳаммаси уставларида белгиланган фаолиятига ва ташкилотини ривожлантиришга йўналтирилиши лозим. Агар нодавлат нотижорат ташкилоти тугатилган ҳолатда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган барча мол-мулк, ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти қандай мақсадларни кўзлаб тузилган бўлса, шу мақсадларга йўналтирилади. Бироқ, таъсисчиларига ва аъзоларига бўлиб берилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб қилинадиган зарур ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказувчи органга белгиланган тартибда тақдим этиш ва бошқа ташкилий масалаларни ечиш талаб этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, унинг умумий тартиб-таомиллари “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топган. Хусусан, мазкур қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, “Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.” Ушбу қонун талабига биноан рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

*мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар-органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза;*

*нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ёхуд юридик шахс бўлган ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги низом давлат тилида икки нусхада;*

*таъсис шартномаси — нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) учун;*

*нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишининг баённомаси ёхуд таъсисчининг қарори (республика ва вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари учун тегишли ваколатхоналар ва филиалларни ташкил этиш, раҳбар органларни ҳамда бошқа органларни шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади);*

*жойлашган ери нодавлат нотижорат ташкилотининг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;*

*нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш ташаббускорлари ёхуд унинг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар; ташаббускор фуқароларнинг рўйхати;*

*бош нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси — ваколатхоналар ва филиаллар учун;*

*дастлабки маблағлар шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат — жамоат фондлари учун;*

*васиятноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — васиятнома бўйича ташкил этилаётган жамоат фондлари учун; давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.*

Қонун талабида қўйилган ҳужжатлар рўйхатини бежиз тўлиқ кўрсатиб ўтаяётганимиз йўқ. Сабаби, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатлар тўплами ниҳоятда кўп бўлиб, бу ҳужжатларни йиғиш бундай ташкилотларни тузиш истаги бўлган ташкилотчиларида баъзи бир қийинчиликларни ёки ортиқча вақт сарфлашларини талаб этади, деган мулоҳазани билдирмоқчимиз.

Фикримизнинг далили сифатида “Нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар-органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза”ни келтириб ўтишимиз мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар-органи аъзолари бир неча кишидан иборат бўлганида, уларнинг ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ва бошқа маълумотларни кўрсатишга қай даражада зарурият бор. Бизнинг фикримизча фақат рўйхатдан ўтаётган нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этилиши етарли бўлади. Шунингдек, “жойлашган ери нодавлат нотижорат ташкилотининг почта манзили” тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга ҳам ҳеч қандай зарурият йўқ, чунки ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотининг рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган Уставида ушбу маълумот тўлиқ акс эттирилади.

Бундан ташқари, “нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш ташаббускорлари ёхуд унинг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар” ҳамда “ташаббускор фуқароларнинг рўйхати” булар бир-бирини такрорловчи маълумотлар бўлиб ҳисобланади. Бугунги ахборот коммуникация технологияларнинг юксак ривожланганлиги шароитида бу маълумотларни рўйхатдан ўтказувчи орган ўзи истаган пайтда аниқлаштириб олиши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли фармонида ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек “нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди.”

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби бошқа қонунларда ҳам акс эттирилган. Жумладан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси “Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш” деб номланиб, унда “Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, жумҳурият, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан”, “Вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шаҳар

ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олиниши” тўғрисидаги қоидалар белгиланган.

Шу ўринда қонунларда белгиланган нормаларнинг ҳар хиллиги ва бу амалиётда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқариши ҳақидаги мулоҳазаларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида “Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш” деб белгиланган бўлса, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда “Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш” деб эътироф этилган. Аслида бу иккала тушунча бир хил маънони, яъни бундай ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни англатади. Бир хил маънони англатувчи тушунчаларнинг икки хилда қўлланиши ҳуқуқий зиддият (коллизия – бир хил ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турли ҳуқуқий актлар ўртасидаги зиддият)ни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 44-моддаси “Юридик шахс қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим”лигидан келиб чиққан ҳолда бундай ташкилотларнинг уставини эмас, балки ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз қонунчилигида нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлсада, юқорида келтириб ўтилганидек, баъзи бир ҳуқуқий коллизиялар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасида “Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин”лиги назарда тутилган. Мазкур норма назарий жиҳатдан нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомини олиб, тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ушбу қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, “Нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс бўлган ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатхона ва филиал томонидан тақдим этилган, нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.”

Лекин, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 47-моддасига кўра ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслиги, демак давлат рўйхатидан ўтказилмаслигини билдирувчи қоида белгиланган.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётида ваколатхоналар ва филиалларнинг алоҳида юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳолатлари мавжуд эмас. Халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари филиаллари ва ваколатхоналари бундан мустасно. Улар Ўзбекистонда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

Шу ўринда Фуқаролик кодексига белгиланган қоида билан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасида белгиланган нормадаги зиддиятга барҳам бериш лозим, деган хулосани билдириш мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликка биноан “Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.”

Қонунчилигимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Барча нодавлат нотижорат ташкилотлари бир хил тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Аксарият нодавлат нотижорат ташкилотлари “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган ҳуқуқий меъёрлар асосида давлат рўйхатидан ўтказиладиган бўлса, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Амалиётда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида баъзи бир муаммолар борлигини ҳам эътироф этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг катта қисми жамоат бирлашмалари шаклида давлат рўйхатидан ўтказилади. Гап шундаки, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси, яъни “Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш”да талаб этиладиган ҳужжатлар миқдори “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўпламига нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 22-моддаси 2-хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда у томонидан имзоланган ариза;

иккинчидан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 22-моддаси 6-хатбошисини (жойлашган ери нодавлат нотижорат ташкилотининг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат) чиқариб ташлаш;

учинчидан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 22-моддаси 8-хатбошисини (ташабулсиз фуқароларнинг рўйхати) чиқариб ташлаш;

тўртинчидан, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси номи (“Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш”) ва матнини ўзгартириб, қуйидаги таҳрирда баён этиш:

11-модда. Жамоат бирлашмаларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, Республика, вилоятлараро бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмалари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмасини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонуннинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Жамоат бирлашмасини рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб 15 кун муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар рўйхатга олувчи органга ёзма тарзда билдиришилиши шарт.

Жамоат бирлашмаларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий шахс деб тан олинishi мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, уларнинг бўлинмалари, филиаллари, шу жумладан оммавий ҳаракатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмалари, шунингдек Республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий ҳаракатлари) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг жойларидаги идораларида рўйхатдан ўтмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмасининг уставига киритилган кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда давлат божи тўланмайди.

**Иззатулло ТОЛИБОВ,**

*Судьялар олий мактаби докторанти,  
юридик фанлар номзоди.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси., <https://nrm.uz/>
2. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни., <https://lex.uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли фармони., <https://lex.uz/>
4. “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун., <https://lex.uz/>
5. Юридик луғат., Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали., <https://huquqiyportal.uz/>

# ИНСОННИНГ СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚУРИЛИШ САНОАТИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Дунёда бир миллиондан ортиқ одам норасмий аҳоли пунктларида истиқомат қилади, йиллик ҳавога ажралиб чиқаятган CO<sub>2</sub>нинг 40 фоизга яқини қурилиш саноати ҳиссасига тўғри келади*

**Бугунги кунда сайёрамизда иқлим иссиши, ичимлик суви танқислиги, қургоқчилик, яшил ҳудудларнинг қисқариши, табиат хилма-хиллигининг йўқолиб кетаётгани ва бошқа глобал экологик муаммолар қийнамоқда.**

Мазкур муаммоларнинг вужудга келиши ва ривожланишида дунёда амалга оширилаётган қурилишларнинг ҳам сезиларли ҳиссаси бор, десак янглишмаган бўламиз. Хусусан, ҳавога ажралиб чиқаятган карбонат ангидриднинг 40 фоизини бино ва иншоотлардан ажралиб чиқаятган иссиқлик газлари ҳамда қурилиш материалларини тайёрлаш жараёнида ҳавога ажралаётган ис газлари ташкил этади. Шунга қарамасдан, қурилиш саноати дунёдаги ишчи кучининг 7 фоизини иш билан таъминлаб келаётганлиги ҳамда кўчмас мулк глобал активларнинг 60 фоизини ташкил этиши, бу икки соҳани бир-бирига интеграция қилиш, яъни атроф муҳитга зарар етказмаган ҳолда қурилиш саноатини ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, қурилиш меъёрларига қурилишлар амалга оширилаётганда экологияга зарар етказиши мумкин бўлган омилларни камайтирадиган стандартларни жорий қилиш лозим.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган қурилиш меъёрларининг жорий этилиши экологияга қурилиш саноати томонидан етказилаётган зарарларни камайтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бунга сабаб, дунё бўйича ноқонуний қурилишларнинг ривожланганлигидир. 2019 йилнинг статистик маълумотларига қараганда сайёра бўйича бир миллиарддан ортиқ аҳоли норасмий аҳоли пунктларида яшаб келмоқда. Бу рақамлар ҳозирги кунда экологик муаммолар қанчалик долзарб бўлса, аҳолининг турар-жойга бўлган ҳуқуқлари ҳам етарли даражада таъминланмаганлиги, шунингдек дунё бўйлаб бир миллиарддан ортиқ аҳолини ўзига сиғдирган норасмий, яъни ноқонуний аҳоли масканлари мавжудлиги ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам долзарблигини кўрсатиб беради.

Ўз навбатида ноқонуний қурилмалар, яъни қурилиш стандартларига амал қилинмаганлиги қурилиш ишларини амалга оширишда

атроф – муҳитга зарар етказмаслик талабларига ҳам риоя қилинмаган бўлиши мумкинлигини англатади.

2022 йилда Мисрда ташкил қилинган илмий анжуманнинг маълумотларига қараганда 2021 йил якунлари бўйича қурилиш саноати энергия талабининг 34 фоизини, ҳавога CO<sub>2</sub> эмиссиясининг 37 фоизини ташкил қилган. Бу рақамлар қурилиш саноатининг экологияга салбий таъсири бўйича ҳали бирор-бир ижобий натижага эришилмаганини англатади.

Қолаверса, шаҳарларда ҳаво айланишининг сустиги туфайли диаметри 4-10 микрон бўлган чанглар 1 км гача кўтарилиб, радиуси 10 км бўлган майдонга тарқалади. Диаметри каттароқ (10 микрондан катта) бўлган чанглар унча юқорига кўтарилмай атрофга ёйилиб, 300-500 метр баландликларда учиб юради ва сўнгра шаҳарга чанг, қурум сифатида қайтиб тушади. Париж шаҳрининг 1 кв.км юзасига 260 тонна, Нью-Йоркда 300 тонна, Токиода 408 тонна, Москвада 120 тонна қурум, чанг тушади.

Катта шаҳарларда атмосферанинг чанг, қурум, газ ва тутунлар билан ифлосланиши туфайли кўшнинг тўғри радиацияси 40 фоизгача камаяди. Шаҳар ҳавосининг ифлосланиб чанг-тўзон миқдорининг кўпайиши ультрабинафша нурларнинг ўтишини камайтиради, бу эса ҳавода касал тарқатувчи бактерияларнинг кўпайишига шароит яратади. Шаҳарлар ҳавосининг чанг, қурум ва бошқа қаттиқ заррачалар билан ифлосланиши конденсация ядроси вазифасини ўтайди. Натижада, шаҳар устида туманли кунлар кўпайиб, ёғин миқдори ортади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бир йилда 14 кун туман бўлиб, 328 мм ёғин тушса, унинг атрофидаги қишлоқ районларида 8 кун туман бўлиб, 317 мм ёғин ёғади.

Ўйлаймизки, юқоридаги экологик муаммоларнинг ечимига қурилиш ишларини тўғри ташкил қилиш билан қисман барҳам бериш мумкин. Хусусан, қурилиш ишларини амалга ошириш ҳозирги экологик муаммоларни инobatга олиб

тўғри меъморий ечимлар қилинишини тақозо қилади. Яъни, шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлаш орқали аҳоли пунктида шундай бинолар жойлашувига эришишимиз керак-ки, бу билан аҳоли пунктида шамол айланиши ҳамда қуёш нурларининг тўғри тушиши ва бошқа соғлом атроф-муҳит параметрларини таъминлай олишимиз лозим.

Мамлакатимизда қурилиш стандартларига соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларни кафолатловчи стандартлар жорий қилиш масалалари йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Республикаимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг юртимиз экологиясига салбий таъсири билан боғлиқ ҳолатлар сўнгги йилларда тез-тез кузатилаётган. Хусусан, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилишларнинг пойтахт ҳавосининг ифлосланиши ва яшил ҳудудларнинг кескин қисқариб кетишида сезиларли ҳиссаси борлигини кўпчилик инкор қилмайди.

Бу ўз навбатида, қурилиш саноатимизнинг атроф-муҳитга жиддий таъсири қурилиш ишларини амалга оширишда экологик стандартларга амал қилиш ва уни қурилиш меъёрларига жорий қилиш республикаимизда ҳам долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурганидан далолатдир.

Яқинда мамлакатимиз қонун чиқарувчи органининг юқори палатаси – Сенатда навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди ва унда дарахтларни кесиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур муҳокама мамлакатимиз қурилишга оид қонунчилигига экологик ҳуқуқлар билан боғлиқ стандартларнинг кириб келаётганлигидан далолат беради.

Қурилишнинг экологияга салбий таъсирини камайтириш учун қурилиш стандартлари таркибидаги экологик хавфсизлик талабларини кучайтириш ҳамда атроф-муҳитга нормал ҳолатда етказилиши мумкин бўлган хавфларни камайтирувчиларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмларини жорий қилиш зарур. Масалан, Японияда чиқиндиларни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилган. Сабаби, давлат ҳар қандай экологик тадбирларни қўллаб қувватлайди. Бунинг натижасида Японияда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 0,3 фоизи ўта хавфли саналади. Бу кўрсаткич АКШда 41 фоизни, Венгрияда 33,5 фоиз, Францияда 6 фоиз, Буюк Британияда 3 фоиз, Италияда 0,3 фоизни ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам қурилишга ер ажратиш лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилган, унда қурилиш натижасида экологияга етказиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланади. Мазкур эксперти-

зада экологияга нисбатан салбий таъсирларни камайтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб қувватлаш ҳамда қурилиш лойиҳалари бўйича тендир танловларида экологик параметрларни инобатга олиш ва ҳатто устунлик бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш ишларини амалга оширишда атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдорини камайтириш мақсадида экологик экспертиза ҳам ривожланиб келмоқда. Мамлакатимизда 2000 йил 25 майда “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 11-моддасига кўра барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларни ажратиш материаллари давлат экологик экспертизасининг объекти эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонунга биноан юртимизда давлат экологик экспертизаси маркази ташкил қилинган бўлиб у мамлакатимизда давлат экологик экспертизасини ўтказиб келади.

Давлат экологик экспертизаси — мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини ҳамда экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза тури бўлиб, башорат қилинаётган хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилишгача бўлган босқичда ушбу фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини, атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган мўлжалланаётган ҳамда амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мамлакатимизда қурилишни амалга оширишда атроф-муҳитга нисбатан бўлган хавфларни камайтириш, шунингдек уларнинг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Юқоридаги ҳуқуқий ислохотлардан сўнг қурилиш объектлари экологик экспертизадан ўтказилганда у бўйича хулосалар <https://eco-service.uz> сайтга жойлаб борилади. Қурилиш лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертиза маълумотлари очиқ бўлиб у билан исталган вақтда танишиш мумкин.

Шунингдек, лойиҳалаштирилаётган қурилиш объектларининг атроф муҳитга таъсир хавфи даражасидан келиб чиқиб уларнинг тоифалари белгиланди. Булар атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори (I тоифага мансуб), ўртача (II тоифага мансуб) ва паст даражада хавфли (III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (IV тоифага мансуб) ва давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати қонунчилик билан белгилаб қўйилди. Уни ўтказиш тартиби билан боғлиқ расмийлаштириш жараёни тўлиқ электронлаштирилди. Унга ҳар йили тақдим этиладиган 30 мингга яқин ҳужжатларнинг электрон алмашинуви тизими яратилди.

Энг муҳими атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг хавфи юқори объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари жамоатчилик эшитувдан ўтказилиш тартиби жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори билан “Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Мазкур Низом давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказишни тартибга солиди.

Жамоатчилик эшитувини ўтказиш натижасида назарда тутилаётган ҳудудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш, шунингдек, амалда фаолият юритаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини камайтириш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Амалдаги тартибга кўра жамоатчилик эшитуви манфаатдор томонларнинг камида ўн нафар вакиллари иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Бироқ, жамоатчилик эшитувида 10 нафар вакилнинг иштироки бу эшитувнинг ўтказилишига етарли ҳисобланишини қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Агар назарда тутилаётган ҳудудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, буюртмачи рад этиш сабабларини бартараф этиб, шунингдек, жамоатчилик эшитувининг мулоҳазаларини назарда тутиб, жамоатчилик эшитувини ўтказиш учун ҳужжатларни қайтадан тақдим этиши мумкин.

Буюртмачи томонидан мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш материалла-

ри бўйича тақдим этилган ёлғон маълумотлар асосида қабул қилинган жамоатчилик эшитувининг қарори давлат экологик экспертизасини ўтказишда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ижобий хулоса бериш рад этилишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, мамлакатимизда экологик экспертизани амалга ошириш давлат хизматининг бир тури сифатида қолиб келмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида экологик экспертизалар нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиб келмоқда.

Грузиянинг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунига кўра, экологик экспертиза – атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш ёки қурилиш учун рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган мажбурий экологик тадбирдир. Грузия қонунчилигига асосан бундай экспертиза муайян ҳолатлар бўйича сўровга қараб ўтказилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда экологик экспертиза ўтказиш мажбурий бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган, ундан ташқари ҳолатлар бўйича экологик экспертизалар ўтказиш тўғрисида аниқ механизмлар белгиланмаган. Шунингдек, Грузия қонунчилиги бўйича экологик экспертиза фақат давлат томонидан амалга оширилмасдан, бу экспертизани ўтказиш ҳуқуқи хусусий секторга ҳам тақдим этилган.

Экологик экспертиза ўтказиш ҳуқуқларини хусусий секторга ўтказган мамлакатлардан яна бири бу Россия Федерацияси ҳисобланади. Россия қонунчилигига кўра мамлакатда ихтиёрий экологик экспертизалар ўтказиш механизмлари жорий қилинган.

**Гулрух МАМАРАИМОВА,**

*Судьялар олий мактаби  
тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 144-модда;
2. С.Газиначарова, И.Ахмедов, Б.Мухамедғалиев, А.Хожиев. Экологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009 йил. – Б. 102;
3. Human Rights and the Built Environment - A Call for Action. 22 JULY 2019// <https://www.ihrb.org/focus-areas/built-environment/commentary-human-rights-and-built-environment-call-for-action>.
4. Закон Грузии Об экологической экспертизе // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/20212/4/ru/pdf>
5. 9 NOVEMBER, 2022. // <https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/co2-emissions-buildings-and-construction-hit-new-high-leaving-sector>
6. CO2 emissions from buildings and construction hit new high, leaving sector off track to decarbonize by 2050: UN.
7. Ўзбекистон Республикаси Сенатининг расмий сайти: <https://senat.uz/oz/post/post-729>.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни //.

# ФРАНЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРДА ҲАЛ ЭТИШ

## АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада Франция қонунчилигида маъмурий низоларни муқобил усулларда ҳал этиш ва суд амалиётининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** маъмурий орган, адресат, квази судлари, юстиция, муқобил усуллар, медиатор, воситачи, келиштирувчи, кўмаклашувчи, келишув тартиб таомиллари, маргинал мақом, кенгаш.

## АННОТАЦИЯ:

*this article analyzes the specific aspects of alternative administrative dispute resolution and judicial practice under French law.*

**Key words:** administrative body, addressee, quasi-courts, justice, alternative methods, mediator, intermediary, conciliator, facilitator, ADR, marginal status, council.

**Франция қонунчилигига биноан тарафлар ихтиёрига кўра низоларни муқобил ҳал этиш томонлар ўртасидаги тенглик муносабатларига асосланади. Суддан фарқли ўлароқ низода муқобил усул сифатида ечим уни эълон қилган шахснинг ўзига хос ваколати тўғрисида эмас, балки, томонларнинг келишуви тўғрисида амалга оширилади ва бу тарафларда қаноат ҳосил қилади. Франция амалиёти бўйича маъмурий низоларда компенсация, ва шартномага оид низоларда тарафлар ўртасида келишув кенг қўлланилиши мумкин.**

1995 йил 8 февралдаги “Суд тизими, фуқаролик, жиноий, ва маъмурий иш юритишни ташкил этиш тўғрисида”-ги қонуннинг 22<sup>1</sup>-моддасига кўра, суд тарафларни ярашиш процедурасига киришга мажбурлаши мумкин. Шунингдек, тарафлар исталган вақтда ярашувни тасдиқлаш учун судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

1978 йил 20 мартдаги 78-381-сонли “Суд келиштирувчилари тўғрисида”ги қарор улар (судья-медиатор, воситачи)нинг ҳуқуқий мақоми асосларига бағишланган бўлиб, ушбу жараёнлар бош ташкилотчиси Адлия вазирлиги ҳисобланади.

Мазкур меъёрий ҳужжатга асосан Франция суд-яраштирувчилари институти ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси белгиланган тартибда низоларни тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашидир.

Суд келиштирувчилари ўз вазифаларини ихтиёрий асосда бажарадилар. Шу билан бирга улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун қатъий белгиланган компенсация оладилар. Ушбу тўловлар ҳар чоракда амалга оширилади. Суд келиштирувчилари учун бериладиган тўловларнинг миқдори Адлия ва Молия вазирликларининг қўшма қарорлари билан белгиланади. Шунингдек, тўловлар миқдори агар тегишли асослар мавжуд бўлса апелляция инстанцияси суди раиси ёки бош прокурор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Суд келиштирувчиси ўзининг барча сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишга ҳақли. Бироқ, у апелляция суди юстициясида бирор бир сайланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Суд келиштирувчиси лавозимига 3 йиллик иш амалиётига эга, зарур амалий тажриба ва малакали шахс тайинлиши мумкин.

Шунингдек, мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, одил судловни амалга оширишда бирон бир тарзда иштирок этувчи шахслар суд яраштирувчиси бўлишга ҳақли эмас.

Судья келиштирувчиси лавозимига апелляция инстанцияси суди раиси томонидан ушбу суд ҳузуридаги бош прокурор билан маслаҳатлашган ҳолда, биринчи инстанция суди раисининг таклифига биноан бир йил муддатга тайинланади. Муддат тугагандан сўнг, яна икки йил муддатга тайинлиши мумкин. Тайинловлар ҳақида эса Адлия департаменти кенгашига хабар қилинади.

Суд медиаторининг ваколати апелляция инстанцияси суди раиси томонидан манфаатдор шахснинг аризасига кўра, ушбу суд ҳузуридаги бош прокурор ва биринчи инстанция суди раиси билан маслаҳатлашган ҳолда муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Суд келиштирувчисини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда у ўз вазифаларини қайси ҳудудда бажариши ва яраштирув ҳужжатларини қайси биринчи инстанция судига тақдим этиши кўрсатилади.

Суд келиштирувчиси лавозимига биринчи марта тайинланган шахс апелляция инстанцияси суди олдида қасамёд қилади.

Суд келиштирувчиси йилига бир марта апелляция инстанцияси судининг раиси, ушбу суднинг бош прокурори, биринчи инстанция суди раиси олдида ишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади ва у эълон қилиниши мумкин.

Франция фуқаролик процессуал кодексининг I-китоби, “Келиштирув ишларини юритиш” VI-қисми, II-бобининг 129-1-129-5-моддаларида қуйидаги асосий қоидалар белгиланган.

Суд тарафларни яраштиришни белгиланган тартибда суд келиштирувчиси беришга ҳақли. Бунда суд яраштирув жараёнларининг бошланиш ва тугатилиш муддатини белгилайди.

Суд келиштирувчиси тарафларни яраштириш учун ўзи белгиланган вақтда ва жойда уларнинг вакиллари музокара учун чақиришга ҳақли.

Суд яраштирувчисининг фаолияти натижасида олинган маълумотлардан бошқа иш юритиш жараёнларида ҳеч қан-

дай тарзда фойдаланилиши мумкин эмас. Келиштирувчи келишув жараёнларининг якуни ҳақида ишни кўраётган судьяга хабар қилади.

Келиштирув жараёнларида судья тарафлардан бирининг илтимосига кўра ёки суд яраштирувчисининг ташаббуси билан исталган вақтда яраштириш тартиб-таомилини тугатиши мумкин. Шунингдек, суд, агар келиштириш жараёнларининг тўғри бажарилиши хавф остида бўлса, ўз ташаббуси билан жараённи тугатади. Суд мажлисининг котиби суд келиштирувчисини ва тарафларни бу ҳақда хабардор қилади.

Келишув натижаларини қайд этиш тартиби Кодекснинг I китоби, "Келиштирув ишини юритиш" VI қисми, III 130-131-моддаларида қайд этилган бўлиб, унга кўра натижа бўйича ярашув баённомаси тузилиши ёки далолатнома расмийлаштирилиши мумкин. Баённома судья ва тарафлар томонидан имзоланади. Далолатномани эса келиштирувчи ва тарафлар имзолайди.

Судья имзолаган ярашув баённомасидан кўчирма тарафларнинг илтимосномасига асосан берилиши мумкин.

Яраштирувчи имзолаган далолатнома суд томонидан тасдиқланиши учун тақдим этилиши мумкин. Бу алоҳида иш юритиш тартибидан амалга оширилади.

Кодекснинг "Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш" V китоби, "Медиация ва келишув юзасидан битим тузиш" бўйича I бўлимнинг II боби, 1536-1541-моддаларда келишув тартиб-таомилларини тартибга солувчи қоидалар баён қилинган.

Суд келиштирувчиси томонларнинг розилиги билан апелляция судига бириктирилган бошқа суд келиштирувчисига мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, уларнинг маълумотларни алмашиш ҳуқуқи ҳам бор. Бунда келишув далолатномаси икки суд келиштирувчиси томонидан имзоланиши керак.

Ярашув жараёнлари натижасида тарафлар ўртасида қисман келишувга эришилганлиги тўғрисида ҳам ҳужжат расмийлаштирилиши мумкин.

Француз олимларининг фикрига кўра, маъмурий низоларни муқобил ҳал қилишда судьянинг низонинг асл моҳиятини англаганлиги томонлар учун энг мақбул бўлган ечимнинг таклиф қилиниши билан ифодаланади.

Маъмурий низоларни келишув тартиб-таомиллари орқали ҳал этишда жамоат тартиби ёки учинчи шахс манфаатлари билан боғлиқ ишларда йўл қўйилмайди. Чунки, Франция қонунчилигига асосан жамоат манфаатларида ҳаракат қилувчи шахсларга зиддиятларни бартараф этишда жамоат номидан келишув тартиб-таомилларига киришга йўл қўйилмайди.

Умумий тартиб бўйича медиация жараёнларига киришиш учун тарафларнинг ихтиёри талаб этилади. Ушбу консенсуал асос туфайли маъмурий органнинг фақат ўзига оид бўлган, учинчи шахсларга алоқадор бўлмаган маъмурий низолар учун Франция маъмурий судлов кодекси 5 моддасининг IV қисмида маъмурий орган учун келишув жараёнларига киришишни 4 йил давомида синов тариқасида мажбурий қилиб қўйди ва маъмурий процедуранинг мураккаблиги туфайли бу кўплаб муҳокама-ларга сабаб бўлган. Маъмурий низоларда тарафлар низоларни юстиция орқали ҳал этишдан олдин музокаралар жараёнини олиб боришлари лозим. Бу тарафлар учун медиацияга киришишидаги умумий қоида – консенсусни инкор этмайди.

Франция Фуқаролик кодексининг 2044-моддасига кўра, келишув битими тарафлар ўзаро имтиёзлар орқали юзага келган низони тугатиш ёки юзага келиши керак бўлган ни-

зонинг олдини оладиган битим деб таърифланади. Бунда томонларнинг розилиги муҳимдир. Низо олдин ёки кейин пайдо бўлишидан қатъи назар, келишув томонларнинг хоҳиш-иродаси билан бошқарилади.

Ушбу муқобил усулларнинг барчаси томонларнинг иродасига асосланган бўлиб, уларнинг ҳар бири жараённи муҳокама қилиш, музокараларни тамомлаш юзасидан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Бунда бир эътиборли жиҳат борки, бу низоларни ҳал этишда муқобил усуллардан фойдаланишни судья рад этиши мумкин. Бу унинг ҳуқуқлари сирасига киради. Умумий асосларга биноан низо томонлари бундай воз кечишга нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Олимларнинг фикрига кўра, улар келишув тартиб-таомилларида томонлар ўртасидаги тенгликни таъминлаш хавф остида қолиши мумкинлиги туфайли судья ва медиатор функциялари бирлаштирилладиган кичик юстицияларда медиация қўлланилишини истамайдилар. Чунки, медиация баҳсли жараёнлардан кўра, низолашувчи томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи машаққатли жараёндир. Шунинг учун келишув тартиб-таомилларини олиб боровчи воситачи мустақил учинчи томон бўлиши, низони юстицияда мазмунан ҳал этмайдиган судья бўлиши лозим. Чунки, келишув тартиб-таомиллари муваффақиятли бўлиши учун томонлар бир хил кучга эга бўлиши керак.

Франция маъмурий юстиция кодексининг L.213-2-моддасида медиатордан талаб қилинадиган сифатлар белгиланган. Унга кўра у холис, малакали ва тиришқоқ бўлиши керак. Шунингдек, у томонлардан бирининг фойдасига олдиндан белгиланган фикрга эга бўлмаслиги, жамоат тартиби билан қўйилган чегараларни билиши ва баҳс мунозараларни хотиржамлик билан олиб бориши керак.

Адолатлилик ва тарафларнинг тенглиги учун тортишувчанлик тамойилини қўллаб-қувватлайдиган адолатли суддан фарқли ўлароқ келишув жараёни муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам тижорат сирларини ошкор қилишнинг олдини олиш мақсадида, ҳатто уни ошкор қилиш учун қонун йўл қўйган ҳолларда ҳам махфийлик принципага риоя қилишни медиатор (судья-медиатор, воситачи)лардан талаб қилинади.

Бунда қарама-қаршилик, тортишувчанлик фақат судловга тааллуқли деб тушунмаслик керак. Келишув жараёнларида ҳам томонлар ўртасида қарама-қаршиликлар, тортишувлар бўлиб ўтиши мумкин, бироқ воситачи ҳар икки тарафни муроасага келтириш маҳоратига эга бўлмоғи лозим.

Франция амалиётида маъмурий низоларни ҳал этишда келишув-тартиб таомилларини қўллаш учун воситачини эркин танлаш, жараёнларни эркин ташкиллаштириш имкониятлари бор эди. Бироқ, кейинчалик амалиёт шуни кўрсатдики, тарафлар келишувига кўра танланган воситачи томонидан ишларни ҳал этиш давлат молия тизимига катта зарар келтирди. Шу сабабли Франция амалиёти маъмурий низоларни муқобил усулларда ҳал этиш учун воситачи ва жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқди.

Франция амалиётига кўра маъмурий низоларни муқобил усулларда ҳал этишнинг камчиликлари, қийинчиликлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:



Маъмурий орган ва адресат ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган низоларда муқобил усулларни қўллашнинг табиий ривожланиш муҳити топилмаслиги ушбу тоифадаги низоларда алоҳида қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Маъмурий низоларда муқобил усулларни қўллашда ҳали ҳам молиявий ва инсон ресурсларининг етишмаслигидан ташқари, хос бўлган тартиб қоидаларни ишлаб чиқиш қонун чиқарувчи томонидан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги сабабли маъмурият билан боғлиқ низоларнинг муқобил ечимлари ижроси ҳали ҳам баъзан қийин амалга оширилади.

Қонун маъмурий низоларни муқобил ҳал этишда иштирок этувчи медиатор ва воситачини фарқламаслигидир. Аслида медиатор низо томонларига ечимни таклиф қилади, яраштирувчи эса (судья медиатор, воситачи) тарафларга муқобил усулда ечим топишга қўмаклашади. Бунда келишув тартиб-таомилларини амалга оширишга қўмаклашувчи шахсларга ҳақ тўланишида медиатор тоvon пули олса, судья-медиатор (воситачи) эса ойлик маош олади. Яъни, бунда судья-медиаторнинг ишларни келишув жараёнлари орқали ҳал этишга интилишини сусайтиради.

Бунда икки ечим бўлиши мумкин, яъни маъмурий низоларни ҳал этишда келишув жараёнларининг мажбурий амалга оширилишини белгилашдир.

Агар маъмурият ихтиёрий ваколатга эга бўлса, ҳар қандай музокаралар тақиқланмайди. Гарчи шаҳарсозлик фаолиятида келишув тартиб-таомиллари тақиқлансада. Бирок, шаҳарсозлик стандартини ривожлантириш лойиҳасига мослаштириш механизмларида судда низо кўрилишидан олдин келишув жараёнларида музокаралар олиб боришга имкон берилади.

Бунга ёрқин мисол Франция Шаҳарсозлик кодексининг L. 332-11-3 моддасига кўра, лойиҳа раҳбари ва жамоа ўртасида муҳокама ўтказилиб, фуқаролар ва маъмуриятнинг розилигига эришишга ҳаракат қилинади.

Келишув тартиб таомиллари натижасида эришилган битимларни ижро қилишда муаммолар вужудга келиши мумкин. Бунда муаммо бюджетнинг қайта тасдиқланиши ёки ижрочиларнинг маъмуриятдан, жавобгарликдан қўрқиши бўлиши мумкин.

Франция юстицияси томонидан қонун чиқарувчига маъмурият учун айна қонуний чекловлар бўлмаса ҳар қандай келишув жараёнларига киришиши мумкинлиги ҳақида таклиф билдирилган.

Низо томонларининг келишув тартиб-таомилларига киришиши жамоат тартибини сақлаш қоидаларига амал қилишини истисно этмайди. Маъмурий шартномаларда кўп ҳолларда шартнома предмети жамоат манфаатларига қаратилган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам бунда келишув тартиб-таомилларини амалга ошириш биров қийин бўлиши мумкин, бироқ бунда жамоатчилик муҳокамаси қўл келади.

Бинобарин, маъмурий низоларни муқобил ҳал этиш усуллари Францияда суд жараёнларида икки маъмурият ва адресат ўртасидаги тенглик тамойилини таъминлаш туфайли ноодатий бўлган қоидаларни, маълум чекловларни, хос ёндашувларни, асимметрияни талаб қилади.

Негаки, маъмурият фаолият юритишда белгиланган аниқ қоидаларга бўйсунмади. Шу туфайли маъмурият ва адресат ўртасидаги низоли муносабатларда келишув амалга оширилиши учун ушбу жараён қонунчилик билан тақиқланмаган бўлиши лозим. Бунда Франция қонунчили-

ги маъмурий муносабатларда келишув жараёнларини олиб борилиши мумкин ёки мумкин бўлмаган муносабатларни тоифаларга ажратишга ҳаракат қилади.

Маъмурий низоларни муқобил усулларда ҳал этишда қонунчиликда ўзига хосликларнинг қайд этилишини Германия, Россия, АҚШ ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу асосларга биноан суд амалиётида барча тоифадаги низоларда бир тараф давлат органи (маъмурият) бўлганда ҳам келишув битими тузиш мумкин бўлган низо тоифаларини қонунчиликда шакллантириш ёки бир тараф давлат бошқарув органи бўлган барча турдаги низоларда келишув битими тузишни тақиқламасдан айнан қайси низоларда келишув жараёнларини олиб бориш мумкин эмаслигини аниқ баён қилиш орқали қонунчилик имкониятларини кенгайтириш ва уни ривожлантириш мумкин.

**Дилмурот ЖўРАЕВ,**

*Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Une collectivité ne peut pas s'engager à modifier son document de planification dans un sens prédéfini (TA Versailles, 2 oct. 1987, n° 871441, association de défense du site de Saint-Rémy-les-Chevreuse) ni à verser une indemnité si une opération immobilière ne peut pas se réaliser à cause d'une règle d'urbanisme (CAA Paris, 11 mars 1997, n° 94PA1293, SCI Le Bouvier);
2. Ducarouge F., " Le juge administratif et l'expert ", Revue mensuelle des anciens élèves et diplômés de l'école Polytechnique, 2005. V. aussi CJA, art. R. 621-1;
3. 2, n° 249153, Syndicat intercommunal des établissements du second cycle du second degré du district de l'Haÿles-Roses. Voir également l'article 5.2 de la circulaire du 7 septembre 2009 relative au recours à la transaction pour la prévention et le règlement des litiges portant sur l'exécution des contrats de la commande publique, NOR : ECEM0917498C;
4. Les MARL font bien partie du contentieux administratif, dès lors que l'on retient de celui-ci une conception large (Kaffeche G., " La notion de contentieux, une spécificité du droit public ? ", in Bioy X. (dir.), L'identité du droit public – Travaux de l'IFR Mutation des normes juridiques, 2011, Presse de l'université de Toulouse 1, p. 159). V. contra Auby J.-M. et Drago R., op. cit., p. 9;
5. Подробнее о судебной системе Французской Республики см.: Соловьев А.А. Особенности правового статуса судей Французской Республики: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА); Арбитражный суд Московской области. – М., 2015;
6. Mercier M., in Colloque Médiation et conciliation devant la juridiction administrative à la Maison du Barreau de Paris, 17 juin 2015;
7. Richer L. et Lichère F., Droit des contrats administratifs, 10e éd., 2016, LGDJ, Paris, p. 323; Desdevises Y., " Collégialité, impartialité et contradiction ", in Mélanges en l'honneur de Serge Guinchard, op. cit., p. 233 ; Nioche M., " Affaire Tapie : la cour d'appel juge l'arbitrage frauduleux et rétracte la sentence ", Gaz. Pal. 16 juin 2015, n° 228r4, p. 22 ; Mouralis D., " Affaire Tapie-Adidas : les sentences arbitrales sont rétractées ", D. 2015, p. 1253;
8. Costa D. Les modes alternatifs de règlement des litiges administratifs //Annuaire européen d'administration publique. – 2021. – T. 42. – С. 660;
9. Cette définition ne peut qu'être saluée au vu du strict minimum dont s'est contenté le code des relations entre le public et l'Administration : Espagno-Abadie D., " Une histoire courte des relations entre
10. C. civ., art. 255 2°;
11. Ceci pose problème du point de vue de l'impartialité du tiers mais se produit régulièrement pour des raisons matérielles évidentes (Guinchard S. (dir.), Droit et pratique de la procédure civile – Droits interne et de l'Union européenne, op. cit., p. 697);
12. Me Granjon, in " Conciliation et médiation devant la juridiction administrative ", op. cit;
13. Banifatemi Y., " Le "droit au juge" et l'arbitrage commercial international ", in Mélanges en hommage au doyen Gérard Cohen-Jonathan, op. cit., p. 182;
14. La pratique existe au sein des contrats administratifs de recherche (Rouquette R., Petit traité du procès administratif, op. cit., p. 270).

# МАЖБУРИЙ МЕДИАЦИЯ — ИТАЛИЯ ТАЖРИБАСИ

**Италияда мажбурий медиацияни тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати 2011-йилнинг март ойида кучга кирган 28/2010-сонли Қонунчилик қароридир. У медиация институти ташкил этишни назарда тутади, медиацияни амалга ошириш тартибини белгилайди ва энг муҳими низоларнинг айрим турлари учун медиациядан фойдаланишни буюради.**

Мажбурий воситачилик талаби, шунингдек, томонлардан бирининг олдинги ихтиёрий медиация жараёнида эришилган келишувини амалга ошириш ниятида бўлган ҳолатларга ҳам тааллуқлидир.

2013 йилда Италия Конституциявий суди мажбурий воситачилик талабини биринчи навбатда одил судловдан фойдаланиш билан боғлиқ хавотирлар туфайли конституцияга зид деб эълон қилди. Бироқ, мажбурий воситачилик талаби кейинчалик 98/2013-сонли қонун орқали ўзгартиришлар билан тикланди.

28/2010-сонли қарорга мувофиқ, Италияда медиация жараёни одатда қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Сўраган тараф низо предмети ва иштирок этувчи томонларни кўрсатган ҳолда малакали медиация ташкилотига медиация тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилади.

2. Медиация ташкилоти ҳолис ва малакали медиаторни тайинлайди, у тарафларга уларни биринчи медиация мажлисига таклиф этиш тўғрисида билдиришинома юборади.

3. Медиатор тарафлар билан дастлабки учрашув ўтказади, унда уларни медиация жараёни тўғрисида хабардор қилади ва келишувга эришиш имкониятларини муҳокама қилади.

4. Агар томонлар медиацияни давом эттиришга қарор қилсалар, медиатор бир қатор учрашувларни ўтказади, жараён давомида улар томонларга ўз манфаатларини ўрганиш, вариантлар ва потенциал ечимларни кўриб чиқиш ва ўзаро мақбул келишувга эришишга ёрдам беради.

5. Томонлар келишувга эришган тақдирда, медиатор ёзма келишув ҳужжатини тайёрлайди, бу ҳужжат тарафлар ва медиатор томонидан имзоланиши керак. Имзоланганидан кейин шартнома қонуний кучга эга бўлади ва агар керак бўлса, суд орқали амалга оширилиши мумкин.

6. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар, медиатор тугатиш тўғрисида баённома тузади ва томонлар суд жараёнини бошлашлари мумкин.

Бир нечта олимлар мажбурий воситачилик тизимини ёқлаб, унинг Италия судлари дуч келадиган оғир иш юкини енгиллаштириш, суд жараёнларининг давомийлигини қисқартириш ва низоларни ҳал қилиш учун ҳамкорликда ёндашувни ривожлантириш имкониятларини таъкидлайдилар. Мисол учун, олим



Паола Лусарелли мажбурий медиация низоларни тезроқ ва арзонроқ ҳал қилишга ёрдам бериш орқали адолатга киришни таъминлайди, деган фикрни билдирган. Шунингдек, у медиация жараёнининг мослашувчанлиги томонларга ижодий ечимларга эришишга ёрдам бериши ва кўпинча суд жараёнлари билан боғлиқ бўлган голиб барча натижалардан қочиши мумкинлигини таъкидлайди.

Фабрицио Маррелла глобаллашув шароитида воситачиликнинг муҳимлигига урғу беради, чунки Италияда трансчегаравий келишмовчиликлар сони ортиб бормоқда. Унинг таъкидлашича, мажбурий воситачилик турли хил ҳуқуқий тизимлар, маданиятлар ва тилларни ҳисобга олган ҳолда мураккаб, халқаро низоларни ҳал қилиш учун қимматли восита бўлиши мумкин.

Мажбурий медиация тизимини танқид қилувчилар бир қанча хавотирларни, жумладан, унинг томонларнинг судларга кириш ҳуқуқига, медиация жараёнининг сифатига ва мажбурлаш имкониятига потенциал таъсирини кўтаришади. Ада Лусиа Де Сесарис ва Гиулио Занолла: “Тарафлардан воситачиликка биринчи уринишни талаб қилиш уларнинг Италия Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида мустаҳкамланган судларга кириш ҳуқуқини бузади” — деган фикрни билдиради.

Бундан ташқари, Силвана Далла Бонта (2012) мажбурий доирада тақдим этиладиган воситачилик хизматларнинг сифатини шубҳа остига қўяди, дейди. Олимнинг таъкидлашича, медиаторлик ташкилотлари ва медиаторлар сонининг тез ўсиб бораётгани медиаторларнинг профессионаллиги ва малакасидаги номувофиқликка олиб келиш эҳтимоли бор. Бу ўз навбатида жараённинг самарадорлигига ва тизимга нисбатан томонларнинг ишончига таъсир қилиши мумкин.

**Абдуманнон САИДОВ,**

Судьялар олий мактаби кабинет мудири.

# ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

**Фарзандликка олиш болани оилага тарбиялаш учун жойлаштиришнинг устувор шакли бўлиб, бунда бола билан унинг асл ота-онаси бўлмаган шахс ёки эр-хотин ўртасида қонуний равишда оилавий муносабатлар ўрнатилади.**

Германия Конституциясининг 6-моддаси 1-қисмида никоҳ ва оила давлатнинг алоҳида ҳимоясида эканлиги белгиланган. Унга кўра “Оила” тушунчаси ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги муносабатларни камраб олади. Мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ, болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш ота-оналарнинг табиий ҳуқуқи ва асосий бурчидир.

Германия Фуқаролик кодексининг тўртинчи китоби оила ҳуқуқи масалаларига бағишланган бўлиб у тўрт бобдан иборат. Биринчи учтаси - “Фуқаролик никоҳи”, “Оилавий муносабатлар” ва “Васийлик”ка оид.

Ушбу мамлакатда фарзандликка олиш масалаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси Германия Фуқаролик кодексининг 1741-1766, шунингдек, 1767-1772-моддалари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Германия Фуқаролик кодексига “фарзандликка олиш” тушунчасининг таърифи йўқ, фақат фарзандликка олиш боланинг манфаатига хизмат қилса йўл қўйилиши ҳамда фарзанд асраб олувчи билан бола ўртасида ҳам илиқ муносабатлар пайдо бўлишини кутиш кераклиги айтилади.(1-қисм, 1741).

Германияда минг йиллар давомида фарзанд асраб олиш институти фарзандсиз эр-хотинларга (ёки ёлғиз кишиларга) ўз сулоласини давом эттириш ва вафотидан кейин мулкни мерос қилиб қолдириш учун меросхўр олишга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Ва фақат сўнги ўн йилликлардан бошлаб, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига катта аҳамият берилди бошланди. Энди устувор вазифа - моддий шартларга муҳтож ёки ота-она меҳридан маҳрум болаларга ёрдам беришдир.

Германияда фарзандликка олиш тартиби 1977 йилда тубдан ўзгартирилди. Ўша вақтдан бери ушбу масалаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига кўплаб ўзгартиришлар киритилди, уларнинг энг охиригиси фарзандликка олиш институтини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Ушбу ўзгаришлардан кўзланган мақсад, биринчидан, фарзандликка олишда (шу жумладан, чет эллик болаларни фарзандликка олишда) воситачилик қилишнинг ноқонуний амалиётига чек қўйиш бўлса, иккинчидан, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган оталарнинг ҳуқуқий мақомини мустақамлашдан иборат эди.

Ушбу қонунчилик қоидаларига кўра, фарзандликка олинган бола фарзандликка олувчиларнинг оиласига туғишган бола сифатида қўшилиши керак. Шунингдек, фарзандликка олинган боланинг биологик ота-онаси билан барча қариндошлик алоқалари тугатилади. Фарзандликка олишнинг ўзи васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича суднинг қарори асосида амалга оширилади. Васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича суд фарзандликка

олишни амалга ошириш тўғрисидаги қарор чиқаришдан аввал Ёшлар фаровонлиги бўлими (Jugendum) билан биргаликда жараённинг фарзандликка олинаётган боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига қай даражада мувофиқлигини текшириши шарт. Кейинчалик фарзандликка олиш боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига салбий таъсир қилмаслиги учун фарзандликка олишдан олдин “ғамхўрлик вақти” деб аталадиган вақт ёки кўникиш вақти берилади. Германияда қоида тариқасида бу бир йил давом этади.

Турмуш ўртоқлар фақат биргаликда фарзандликка олишлари мумкин. Умумий қоидада фақат бир нечта истиснолар мавжуд. Бундан ташқари, агар маълум шартлар бажарилса, ёлғиз шахслар ҳам болани фарзандликка олишлари мумкин. Статистик маълумотларга кўра, ёлғиз шахслар томонидан фарзандликка олиш деярли содир бўлмайди. Фарзанд асраб олувчи ота-она бўлиши керак деган фикрга Германия ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассислари, шунингдек, судьялар ҳам қўшилади.

Фарзандликка олувчиларнинг ёши аёллар учун 21 ёшдан, эркеклар учун 25 ёшдан кам бўлмаслиги керак. Ёлғиз фарзандликка олувчилар 25 ёшдан кичик бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, суд амалиёти чақалоқлар ва ёш болаларни 35-40 ёшдан катта бўлган шахсларга фарзандликка бериш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Албатта, бу ёшда ҳам болаларни фарзандликка олиш мумкин, бироқ мазкур ёшдаги фарзандликка олувчиларга васийлик ва ҳомийлик органлари катта ёшдаги болаларни фарзандликка олишни таклиф қилади. Эр-хотиндан бирининг фарзандликка олишда иккинчисининг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олувчининг илтимосига биноан васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича суд ўз қарори билан кўрсатилган розиликни алмаштириши мумкин. Агар розилик бошқа турмуш ўртоғи ва бутун оиланинг қонуний манфаатларига зид бўлса, уни алмаштиришга йўл қўйилмайди. Германиянинг расмий статистик маълумотларига кўра, бу ерда фарзандликка олиш талаби юқори, яъни ҳар бир болага 16 оила тўғри келади.

Конституциявий суд қарорига биноан иккала биологик ота-она ҳам фарзанднинг фарзандликка олинишга розилик бериши керак (ҳатто уларда васийлик бўлмаса ҳам). Шунингдек, бола 14 ёшдан ошган бўлса уни қабул қилишга тайёр бўлган оилада яшашга розилигини билдириши ва унинг истаги қонуний вакилининг розилиги билан тасдиқланиши керак. Ҳар иккала ота-она томонидан болани фарзандликка олишга розилик бериш тўғрисида ариза берилган пайтдан бошлаб суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар бўлган даврда боланинг васийси

Ёшлар таъминоти бошқармаси ҳисобланади. Шу билан бирга, бир йиллик синов муддати давомида болани қўлаб-қувватлаш мажбурияти фарзандликка олувчиларга тегишли. Аммо, мазкур давр ичида улар тегишли болалар нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Суд биологик ота-оналарнинг розилигисиз ҳам фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин, агар биологик ота-оналар қидирувга қарамай, топилмаса ёки улар оғир (биринчи навбатда руҳий) касаллик туфайли ўз розилигини билдира олмасалар.

Янги туғилган чақалоқларнинг оналарини ҳимоя қилиш учун қонун бола туғилгандан кейин саккиз ҳафталик муддатни белгилайди, бу муддат тугагунга қадар розиликка йўл қўйилмайди. Шундай қилиб, қонун оналарни шошилиш ва ўйламасдан қарорлар қабул қилишдан ҳимоя қилади. Агар ота-она никоҳда бўлмаса ва отанинг васийлик ҳуқуқи бўлмаса, у бола туғилишидан олдин ҳам фарзандликка олишга розилигини билдириши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, Германияда фарзанд асраб олишга розилик нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Шундан сўнг розиликни қайтариб олиш мумкин эмас.

Фарзандликка олиш жараёни фарзандликка олувчилар ўз аризаларини қайтариб олганда ёки фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза рад этилган (қонунда белгиланган шартлар бажарилмаган)да тўхтатилиши мумкин.

**Муайян ҳолларда бола ота-онасининг розилиги қуйидаги сабабларга кўра васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича суднинг қарори билан алмаштирилиши мумкин:**

*биринчидан, ота-оналарнинг болага бефарқ муносабати;*

*иккинчидан, уларнинг ота-оналик мажбуриятларини узоқ вақт давомида гаразли бажармасликлари;*

*учинчидан, ота-оналари томонидан болага жисмоний қийноқлар ёки жинсий зўравонликлар қилинганда.*

Мазкур ҳолатларда биологик ота-онанинг розилиги талаб қилинмайди.

Германия қонунчилиги фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш имкониятини беради. Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг қонунчилигимизда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш имконияти мавжуд эмас. Германияда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топишга ота-онанинг олдиндан розилиги бўлмаганда, шунингдек, фарзандликка олиш нотўғри маълумот бериш, алдаш, таҳдидлар орқали амалга оширилган бўлса (статистик маълумотларга кўра, фарзанд асраб олишнинг умумий сонидан бундай жараёнлар сони 10% ни ташкил қилади) қарор қилинади. Бундай ҳолатлар бўйича даъво муддати - уч йил. Айнан шу муддат ичида асраб олиш жараёнига тескари тартибда мурожаат қилиш мумкин. Германияда буни де-фарзандликка олиш дейилади. Бу, биринчи навбатда боланинг манфаатларини кўзлаб у

ва унинг янги ота-онаси ўртасида ўзаро тушуниш ривожланмаганда, янги оилада унинг келажакдаги ҳаёти чидаб бўлмас ҳолга келганда содир бўлади. Бундай суд қарорлари натижасида болани туғилган оиласига, яъни биологик ота-онасига қайтариш ёки унинг бошқа шахслар томонидан асраб олинишига имконият яратилади. Фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишда суд биринчи навбатда боланинг манфаатларига риоя қилиш ва ҳимоя қилишга асосий эътибор беради.

Германия қонунчилигига биноан немис фуқароси томонидан фарзандликка олинган ёки фарзандликка олинган деб тан олинган бола, агар у 18 ёшга тўлмаган бўлса Германия фуқаролигини олади. Бу ердан ташқарида амалга оширилган фарзандликка олишнинг мамлакат қонунчилигига мувофиқлиги фарзандликка олинувчига Германия фуқаролигини беришга асос бўлади. Боланинг фарзандликка олинишининг Германия фуқаролик ҳолати дафтарларидан бирида қайд этилиши унинг Германия қонунчилигига мувофиқ тан олинганлигини англатади.

Шундай қилиб, Германияда қариндошликка асосланган оила билан болани фарзандликка олишга асосланган оила аста-секин яқинлашиши ҳақида ҳулоса қилишимиз мумкин. Илгари бу яқинлашув, асосан, фарзандликка олинган болалар ва фарзандликка олувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга яқинлашиши билан боғлиқ эди. Ҳозирги вақтда Германияда ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари фарзандликка олишнинг ҳуқуқий асосларига тобора яқинлашмоқда. Аммо, ҳамма нарсага қарамай, фарзандликка олиш болаларни оилавий тарбиялашнинг энг яхши туридир, чунки болалар фарзандликка олинганда ўзларини қариндошлик муносабатларига асосланган оилада ривожланаётган шароитларга энг ўхшаш шароитларни топадилар.

Ҳулоса қиладиган бўлсак, Германияда ҳам фарзандликка олиш мураккаб ҳуқуқий муаммо сифатида томонларнинг, айниқса боланинг манфаатларини ҳурмат қилишнинг муайян кафолатларини талаб қилади. Чунки, фарзандликка олишдаги хато-лар боланинг шунингдек, унинг ота-онаси ёки бошқа фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

**Камола СОЛИЕВА,**

*Тошкент давлат юридик университети магистранти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ботчаева М.А. Усыновление по российскому и германскому праву //Актуальные проблемы российского права. 2009. №3. С. 546-551.
2. Развитие законодательства об иностранном усыновлении в США, Италии, Испании, Канаде // URL: <<http://www.easyschool.ru/>> (дата обращения: 31.05.2013)
3. Горев О. Русская Германия. Как законно усыновить ребенка в Германии // URL: <[http://www.rgrb.de/law/2003/20\\_1.shtml](http://www.rgrb.de/law/2003/20_1.shtml)> (дата обращения: 07.06.2013).
4. Калинин М. Как происходит усыновление детей? // URL: <<http://shkolazhizni.ru/archive/0/n& 6977/>> (дата обращения: 07.06.2013).

## ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗО ҲАЛ ЭТИЛДИ

*Судга даъвогар “А” масъулияти чекланган жамияти жавобгар “В” хусусий корхонасига нисбатан киритган даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “В” хусусий корхонасидан 2019 йил 26 сентябрдаги KWSP-SUB-G-сонли қурилиш-монтаж ишлари шартномаси бўйича олдиндан тўланган 32 250 000 сўм асосий қарз, 1 696 438 сўм пеня ва ихтиёрий тўланган суд харажатларини ундиришни сўраган.*

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “А” масъулияти чекланган жамияти (“Субпудратчи”) ва “В” хусусий корхонаси (“Бажарувчи”) ўртасида 2019 йил 26 сентябрь куни KWSP-SUB-G-сонли қурилиш-монтаж ишлари шартномаси тузилган.

Ушбу шартномага асосан “В” хусусий корхонаси “ЛОТ1-аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш ва водозабор қурилиши” объектида қурилиш-монтаж ишларини бажаришни, “А” масъулияти чекланган жамияти ишларни қабул қилиши ва тўловларни амалга оширишни ўз зиммаларига олишган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.1 бандига асосан, шартнома қиймати 215 000 000 сўм этиб белгиланган. Даъвогар томонидан 2019 йил 22 октябрь куни 263-сонли тўлов топшириқномаси билан 32 250 000 сўм пул маблағлари шартномага кўра бўнак сифатида жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Шунингдек, жавобгар “В” хусусий корхонаси томонидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотнома расмийлаштириб, корхона раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланиб, почта орқали субпудратчи “А” масъулияти чекланган жамиятига юборилган, лекин ушбу маълумотномалар субпудратчи “А” масъулияти чекланган жамияти томонидан тасдиқланмаган ва қабул қилинмаган.

Иш ҳужжатларига тақдим этилган 2020 йил 25 июлдаги “А” масъулияти чекланган жамияти ва “С” ХК ўртасида тасдиқланган №1-сонли ҳисоб-фактурада, тарафлар ўртасида 2019 йил 24 октябрда KWSP-SUB-G/2-сонли шартнома тузилганлиги қайд этилган. Шу билан бирга, мазкур ҳисоб-фактурада “С” ХК томонидан 224 985 116 сўмлик ишлар бажарилганлиги кўрсатилган.

2019 йил 31 декабрь куни “А” масъулияти чекланган жамияти директори И.Мавлонов ва “С” ХК директори томонидан №1/У тузилиб далолатнома имзоланган. Мазкур далолатномада “В” хусусий корхонаси томонидан “ЛОТ1-аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш ва водозабор қурилиши” объектида қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилганлиги қайд этилган. Ушбу далолатномани тузишда “В” хусусий корхонаси вакили иштирок этмаган.

Бундан ташқари, “А” масъулияти чекланган жамияти (“Субпудратчи”) ва “В” хусусий корхонаси (“Бажарувчи”) ўртасида 2019 йил 26 сентябрь куни тузилган KWSP-SUB-G-сонли қурилиш-монтаж ишлари шартномаси шу кунга қадар ҳам бекор қилинмаган ва бекор қилиш тўғрисида таклифлар билдирилмаган.

Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексининг 67-моддасига мувофиқ, исботлаш ишни мазмунан кўриш

учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, текшириш ва баҳолаш лозим. 68-модданинг 1-қисмига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгиланган муддат доирасида очиб бериши лозим.

Шунингдек, Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 306-сон қарорининг 10-банди учинчи хатбошисида, агар бажарилган ишлар ва уларни қабул қилиш ҳолати тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ва буюртмачи уларни қабул қилишни рад этиш учун бажарилган ишларнинг ҳажмидан норози бўлганлигини важ қилиб келтирса, суд манфаатдор тарафнинг аризасига кўра бажарилган ишларнинг ҳажмини аниқлаш учун экспертиза тайинлаши шартлиги хусусида тушунтириш берилган.

Шунга кўра, биринчи инстанция судининг 2021 йил 18 июндаги ажрими билан жавобгарнинг илтимосномасига биноан иш юзасидан “Суд қурилиш техникавий экспертизаси” тайинланиб, иш бўйича экспертиза ўтказиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Марказига юборилган.

Лекин ҳужжатлар етарли бўлмаганлиги сабабли суднинг ажрими ижросиз қайтарилган.

Шу билан бирга, жавобгарнинг илтимосномасига кўра иш бўйича экспертиза ва назорат ўлчови тайинланган ва ҳужжатлар етарли бўлмаганлиги важи асосида суднинг ажрими ижросиз қайтарилган.

Суд иш ҳолатларини ва илова қилинган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, даъвогар “А” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “В” хусусий корхонасига нисбатан киритган даъво аризасини асоссиз деб ҳисоблаб даъвосини қаноатлантиришни рад этиш, ихтиёрий тўланган суд харажатларини даъвогар зиммасида қолдириш бўйича қарорга келган.

**Навбахор ТУРСУНОВА,**

*Жомбой туманлараро иқтисодий судининг раиси,*

**Ислоҳ ЯХЎЕВ,**

*Жомбой туманлараро иқтисодий судининг судья ёрдамчиси.*

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ

**Тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини олиб боришида солиқ қонунчилигида кўрсатилган талабларга риоя қилмаслиги натижасида солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказилади.**

Автотранспорт воситаларида ташилатган товарларга расмийлаштирилган товар-кузатув ҳужжатлари мавжудлигини текшириш сайёр солиқ текширувларини ўтказиётган солиқ органлари мансабдор шахслари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда “Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида амалга оширилади.

Қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предмет ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган бошқа активлар товар ҳисобланади.

Товарларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳақ олиш асосида ўтказиш ёки ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш, шу жумладан қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларини ба- жармаганда гаровга қўйилган товарларни айирбошлаш ва ўтказиш товарларни ёки хизматларни реализация қилиш деб эътироф этилади.

Товарларга бўлган мулк ҳуқуқини бепул асосда ўтказиш ҳам реализация қилиш деб эътироф этилади.

Ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслигини, товарлар инвентаризация қилингандан сўнг аниқлаш мумкин.

Кирим қилинмаган товарлар деганда сотиш ва сақлаш жойларида бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўлиб ҳисобланувчи етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, вақтинча сақлаш учун расмийлаштирилган қабул қилиш-топшириш юк хатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги тушунилади.

Кирим ҳужжатларисиз товарлар сайёр солиқ текшируви ҳамда солиқ аудитини ўтказиш жараёнида сотиш ва сақлаш жойларида товарларнинг ҳақиқатда мавжуд миқдори билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таққослаш орқали аниқланади.

Текшириш жараёнида товарлар (хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги аниқланган ва белгиланган тартибда исботлаб берилган тақдирда ҳам товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш деб баҳоланади.

Товарлар (хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилиши ва сохталаштирилиши оқибатида тушумнинг камайишига олиб келинганлиги экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда яширилган тушум деб малакаланиши мумкин.

Назорат-касса техникасининг фискал хотираси хизмат дастурига ноқонуний равишда ўзгартириш киритилганлик учун жарима, тегишли техник хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хулосаси билан тасдиқланганда қўлланилади.

Солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилмаган моддий харажатларни фойдаланилган деб, ишлаб чиқариш ҳисобо-

тига қўшиш, асосан давлат улушига эга бўлган ёки бюджетдан молиялаштирилган лойиҳаларда кўп учрайди.

Бундай ҳолатлар амалиётда, асосан хизмат кўрсатиш соҳасида кенг тарқалган бўлиб, бунда буюртмачи томонидан баъзи хизматлар (ускуналарнинг жорий ремонт, кондиционерларнинг профилактикаси, бино том қисмини сув ўтмайди- ган қоплама билан таъмирлаш ва ҳоказо) нақдлаштирилиши эвазига фойдаланилмаган моддий харажатлар фойдаланилган деб расмийлаштирилган бўлади.

Текширишда солиқ тўловчи томонидан товарлар товар-транспорт юк хатида муайян аниқ ойда жўнатилганлиги кўрсатилган бўлиб, ҳисобварақ-фактураларда эса товарлар фактуралар расмийлаштирилган кейинги ойда жўнатилган (топширилган) тақдирда олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказилган деб малакаланади.

Ташкилотнинг моддий-техник таъминот бўлимлари ёки режалаш бўлимлари муайян турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга материаллар сарфлашнинг белгиланган метёрлари асосида материалларни ишлаб чиқаришга бериш лимитларини ишлаб чиқади. Барча ҳолларда материалларни ишлаб чиқаришга бериш муайян турдаги буюмни ишлаб чиқариш лимити доирасида амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 224-моддасида солиқни (йигимни) нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида солиқ (йигим) суммасини тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларга (имтиёزلардан нотўғри фойдаланиш, солиқ базасини нотўғри аниқлаш, солиқ ставкасини нотўғри қўллаш, ҳуқуқ суиистеъмол қилинганлиги ва (ёки) битимнинг сохталлиги, арифметик хатолар эвазига солиқларни кам ҳисобланишига олиб келиши) киради.

Солиқ тўловчи ушбу солиқ тури бўйича текширувга қадар етишмаётган солиқ суммасини ва унга тегишли пеняларни тўлаган бўлса, солиқларни (йигимларни) нотўғри ҳисоблаб чиқаришда йўл қўйган хатолик учун жарима қўлланилмайди.

Солиқ кодекси талабларидан келиб чиқиб, ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни амалга оширган, бироқ ҳақиқий иқтисодий фаолиятни юритмаган, товарларга (хизматларга) эга бўлмаган, сохта ҳужжатлар асосида “товарлар реализация қилинган” деб ҳужжатларни расмийлаштириб берган, асосий мақсади пул маблағларини нақдлаштириш учун ташкил қилинган субъектларнинг банк ҳисобрақамларига келиб тушган пул маблағларининг барчаси даромад сифатида малакаланади, мазкур солиқ тўловчининг ҳисобрақамларидан пул маблағларининг ўтказилиши даромадни камайтирувчи харажатлар сифатида қаралмайди ва солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақамларига келиб тушган пул маблағларининг барча суммасидан фойда солиғи қўшимча ҳисобланиши лозим бўлади.

**Элмуроджон ОРТИҚОВ,**

*Фарғона туманлараро маъмурий суди судьяси.*

# ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШНИ РАД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

## АННОТАЦИЯ:

*мазкур мақолада жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш институти ижтимоий заруратининг миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигидаги ўзига хос процессуал хусусиятлари таҳлил қилиниб, қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар ва уларни такомиллаштириш бўйича концептуал таклифлар илмий жиҳатдан асосланган.*

**Таянч сўзлар:** “Хабеас корпус” институти, мутахассис, жабрланувчининг вакили, таржимон, терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичлари, жиноий жавобгарликдан озод қилиш.

**Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш суриштириш ва дастлабки терговни тамомлашнинг бир тури бўлиб, бу жараёнда жиноят иши юзасидан аниқланган барча далиллар чуқур таҳлил этилади, аниқликлар киритилади, жиноят ишини юриштириш ваколатига эга бўлган масъул шахсда жиноят иши қўзғатишни рад этиш учун асослар бор ёки йўқ эканлиги тўғрисида асосланган хулоса чиқариш учун имконият яратилади.**

Бир қатор олимлар жиноят ишини қўзғатишнинг келгуси босқичини унинг тугатилиши билан эмас, балки уни тергов қилиш учун ислоҳ қилиш билан боғлашади. Бу борада кўплаб олимларнинг фикрини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, жиноят ишини қўзғатиш босқичи жиноий жараёнда жиноий бўлмаган ҳаракатларни бегона ўтлардан тозалашга имкон берадиган “ўтоқ” вазифасини бажаради, шу билан жиноий таъқиб қилиш органларининг кучлари ва воситаларини тежашга имкон беради ҳамда жиноий процессуал мажбурлашни кераксиз ишлатиш ҳолатларининг олдини олади.

Бизнинг фикримизча, жиноят ишини қўзғатиш босқичи сақлаиб қолиши керак, акс ҳолда процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш, жиноят иши қўзғатилгандан кейин тергов ҳаракатларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қоида ва шу каби ҳолатларнинг барчаси ўз маъноларини йўқотади. Бундан ташқари, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида асосли қарор қабул қилинган тақдирда, кейинги босқич — дастлабки тергов учун чегара бўлиб, унинг давомида аниқланган жиноятнинг барча ҳолатларини фош этишга ва айбдорларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган кенг қўламли жиноят-процессуал ҳаракатлар учун дастлабки шартлар пайдо бўлиши ҳамда ушбу жазонинг муқаррарлигини англашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча жиноят ишини қўзғатишни рад этиш масаласи иш бўйича мўлжалланган ва аниқланган барча далилларга баҳо бериш орқали бевосита иш олиб бораётган мансабдор шахс томонидан ҳал этилиши лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг нормалари таҳлили шуни кўрсатадими? жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институти Жиноят кодексига жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари билан узвий боғлиқдир.

Жиноят кодексининг 64-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича шахсни жавобгарликдан озод қилишда унинг ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган ёки йўқотмаганлигини аниқлашнинг имкони бўлмайд.

Б.Б.Муродовнинг фикрича ишни тугатишда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсда мавжуд ҳолатни ёритадиган етарли

ва ишончли далиллар тўпланган бўлиши шарт. Тегишли ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс иш бўйича тўпланган далилларни таҳлил қилиш орқали ушбу асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганида ишонч ҳосил қилиб, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги хулосага келади.

Фикримизча жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар соҳасида фаолият олиб бораётган ваколатли мансабдор шахснинг иш бўйича тўпланган барча далилларни баҳолаш орқали қонунда белгилаб берилган муайян асосни қўллаш учун ҳамма ҳаракатлар ўз исботини топганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиб жиноят ишини қўзғатишни рад этиш хусусида қатъий хулосага келиши ва ишни процессуал қарор чиқариш орқали яқунлашдир.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг аҳамияти ҳақида гапирганда В.И. Казаков қуйидаги хулосаларини келтириш ўринли:

- жиноят ишини қўзғатиш жиноят ишининг босқичи сифатида процессуал бўлмаган фаолиятни процессуал фаолиятдан ажратиб турувчи йўналишдир, чунки тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ишлаб чиқариш фақат жиноят иши қўзғатилгандан кейингина мумкин бўлади;

- ҳар қандай сабабга кўра жиноят ишини қўзғатиш жиноий таъқибнинг дастлабки босқичи бўлиб, дастлабки тергов муддатини ҳисоблашда бошланғич нуқта сифатида хизмат қилади;

- аниқ бир шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг у гумон қилинувчи мақомини олади;

- агар жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жиноят содир этилишидан жабр кўрган шахс уни бекор қилишни суд орқали сўрашга ҳақли ва устидан жиноят иши қўзғатилган шахс ушбу қилмиш юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Жиноят жараёни босқичларининг ҳар бири сингари, жиноят ишини қўзғатиш босқичи ҳам ўзига хос вазифаларга эга. Шундай қилиб, Л.А.Кравчук унинг асосий вазифасини жиноят содир этилганлигини ёки бошқа қилмишни содир этганлигини аниқлашда кўради. К.А. Синкин эса жиноят изларини тузатиш ҳақида гапирди.

Бизнинг фикримизча, судгача бўлган жараённинг биринчи босқичи асосий вазифаси ваколатли органлар томонидан жиноят ишини қўзғатиш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг мавжудлигини ёки йўқлигини белгилашдир. Тергов органи раҳбари, терговчи, суриштирувчи, суриштирувчи орган жиноят белгиларини аниқлашнинг ҳар бир фактига муносабат билдиришга ва асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилишига йўл қўймайликка мажбурдир. Бундан ташқари, С.Л. Манова ва Ю.В. Франсифоровларга кўра, суд-

гача бўлган иш юритиш босқичида жиноятнинг барча ҳолатларини ишончли аниқлаш ва айбдорларни фош этиш вазифалари ҳал қилинмайди ва улар қўйилмайди.

Шундай қилиб, қўриб чиқиладиган босқичнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиб, бир қатор муаллифларнинг жиноят ишини қўзғатиш жиноят жараёнининг бошланғич босқичи эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилиш мумкин, бунда ваколатли мансабдор шахс (давлат органи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ичига олган қилмиш тўғрисидаги маълумотларни қабул қилади ва текширади, жиноят белгилари ва жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

П.Г. Марфицин, ўз навбатида, жиноят ишини қўзғатиш босқичида қатнашадиган шахслар қуйидагилар бўлиши мумкин деб ҳисоблайди: ариза берувчи, жабрланувчи, унга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласи ҳал қилинаётган шахс, мутахассис, жабрланувчининг вакили, таржимон, аниқланиши керак бўлган ҳар қандай ҳолатлардан хабардор бўлиши мумкин бўлган шахс, гумон қилинувчини жиноят содир этган жойда ёки қилмишда ушлаган шахс.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ишини якунлашнинг асосий турлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- иш бўйича тўпланган барча далилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали амалда мавжуд бўлган қонунларга суянган ҳолда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асосларини аниқлаб, келгусида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд босқичини давом эттириш мумкин эмаслиги ва жиноят ишини қўзғатишни рад этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асосланган ва ишончли хулоса чиқариш;

- жиноят ишини қўзғатишни рад этишни асослаб берадиган барча далилларни ва материалларни талаб даражасида ҳужжатлаштириш ва тизимга солиш;

- жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- жиноят ишини қўзғатишни рад этиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этиш, гумон қилинувчига нисбатан қўлланган эҳтиёт чораларини бекор қилиш, уларнинг олинган буюмларини ва мулкни қайтариб бериш;

- гумон қилинувчи ва ишнинг тугатилишидан манфаатдор бўлган барча шахсларга жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги хабарни етказиш ва уларнинг илтимосларига биноан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш билан боғлиқ бўлган материаллар билан ташиштириш;

- жиноят ишини қўзғатишни рад этишга бевосита иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ваколатлидир.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш масаласи ҳамма вақт ҳам фақат мазкур мансабдор шахсларнинг хоҳишлари билан ҳал этилмайди. Амалдаги жиноят-процессуал меъёрларига мувофиқ жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг айрим асослари юзасидан гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг қарши эмасликлари ҳам талаб этилади. Жумладан Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг биринчи қисми 1, 2, 3 ва 8-бандларида кўрсатилганидек, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш учун жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилгандек гумон қилинувчи билан ярашиш истагини билдириши керак. Бу каби ҳолатни жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг бошқа асосларида ҳам кўриш мумкин.

Гумон қилинаётган шахсга нисбатан Жиноят-процессуал кодекси 83-84-моддаларининг тегишли бандларида кўрсатилган асосларидан бири юзасидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш учун исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар исботланганли-

ги ва талаб этиладиган барча далилларнинг тўпланганлиги унинг асосли бўлишини таъминлайди.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг ўзига хослиги шундаки махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс ўз юритувидаги ишни тугатадиган бўлса, иш бўйича бошқа хулосага келиши мумкин эмас. Ҳуқуқшунослик борасидаги адабиётларда қайд этилишича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асосида ўзига хос алоҳида исботлаш предмети мавжуд.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асослари моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилганлиги туфайли, улар юзасидан аниқланиши ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам турли кўринишларга эга бўлади.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг тарбиявий аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчи ёки судьянинг жиноят ишини рад этиш ҳақидаги қарорига асос бўлган материаллар билан танишиб, тўпланган далиллар асосида хулосанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш.

- жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасида кўрсатилган асослар билан жиноят ишини қўзғатишни рад этишда айбсиз деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган реабилитация чоралари нафақат гумон қилинувчига ва унинг оила аъзоларига, балки ишнинг якунидан манфаатдор, шунингдек, ушбу хабардан воқиф бўлган ҳар бир фуқарога ижобий таъсир кўрсатиши ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институти шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолиши мумкин бўлган кишиларга ўзларининг қонунга зид бўлган ҳатти-ҳаракатларига чин дилдан пушаймон бўлиб, тегишли жазодан озод бўлиш имконини бериш билан бирга, жамиятда келгусида жиноятчиликнинг олдини олишда, ижтимоий-сиёсий, жиноят-процессуал, ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

**Наргиза ФАХРИДДИНОВА**

*ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Марфицин П.Г. Лица, участвующие в стадии возбуждения уголовного дела // Правовые, криминологические и криминалистические проблемы борьбы с преступностью: сборник статей адъюнктов и соискателей. - М., 1992. - № 3. - С.21.
2. Рыков А.Б. Установление события преступления на досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. - Воронеж, 1995. С. 85.
3. Сереброва С.П. Проблемы рационализации досудебного производства. - Н. Новгород, 1997.
4. Трусов А.И. Проект УПК: готов ли он стать законом // Следователь. - М., 1997. - № 4. - С.12.
5. Володина Л.М. Механизм защиты прав личности в уголовном процессе. - Тюмень, 1999. С. 17.
6. Манова С.Л., Францифоров Ю.В. Проблемные аспекты стадии возбуждения уголовного дела по новому УПК РФ // Российский судья. - М., 2003. - № 5. - С.21.
7. Власова Н.А. Первоначальный этап уголовного процесса по законодательству дореволюционной России и зарубежных стран // Проблемы предварительного следствия и дознания. Сб. науч. трудов. - М.: Проспект, 2007. - С. 48.
8. Казаков В.И. Возбуждение уголовного дела как стадия уголовного судопроизводства: учебное пособие. - Челябинск: Челябинский юридический институт МВД России, - 2007. С. 54.
9. Кравчук Л.А. Правовая обусловленность стадии возбуждения уголовного дела в российском уголовном процессе // Теория и практика раскрытия и расследования преступлений. - М., 2007. - № 1. - С.39.



**Лайло НАЗАРОВА,**

Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил изланувчиси

## ШАХСНИНГ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ЧЕКЛОВЧИ ҲАРАКАТЛАР УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ

### АННОТАЦИЯ:

мақолада мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ва гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар ёки жавобгар бўлмаган бошқа шахсларнинг мол-мулкни хатлаш бўйича процессуал фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан фикрлар баён этилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** хатлаш, терговчи, суриштирувчи, айбланувчи, зарар, мол-мулк, баённома, далиллар, миқдор

### АННОТАЦИЯ:

в статье изложен авторский взгляд на правоотношения, возникающие при производстве процессуальных действий по наложению ареста на имущество подозреваемого, обвиняемого или лиц, виновных в своих действиях, а также подозреваемого, обвиняемого или лиц, не несущих юридическую ответственность за своих действий. Также, разрабатываются предложения и рекомендации чтобы заполнить существующие пробелы в уголовно-процессуальном законодательстве.

**Ключевые слова:** арест на имущество, следователь, дознаватель, обвиняемый, ущерб, имущество, протокол, доказательства, размер

*Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг муҳим усули сифатида мол-мулкни хатлаш учун суриштирувчи, терговчига жиноят ишига доир бир қатор ҳолатлар аниқ бўлиши лозим: мол-мулки хатланиши керак бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар; хатланиши зарур бўлган мол-мулкнинг мавжудлиги; унинг жойлашган жойи ва нархи, хатлаш мақсади, фуқаровий даъвои татъминлаш учун хатланаётган бўлса, хатланаётган мол-мулк суммаси. Шу билан бирга, прокурор санкцияси олингандан сўнг мазкур процессуал ҳаракатни амалга ошириш тартибини ҳам ҳал этиши керак бўлади, яъни бунда хатланадиган мулк эгасининг кўрсатиши мумкин бўладиган қаршиликлари ҳам инобатга олинади зарур.*

Мол-мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчининг прокурор рухсат берган қарори асосида амалга оширилади. Бу масалада суриштирувчи, терговчилар мустақил қарор қабул қила олмайди: прокурор назорати ўрнатилган. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса прокурор розилигисиз ҳам ўтказиш мумкин, бунда кейинги 24 соат ичида хатлаш тўғрисидаги қарор ва хатлаш баённомаси илова қилинган ҳолда прокурорга хабарнома юборилиши ва ундан бир нусха жиноят иши материалларига кўшиб қўйилиши талаб этилади. Аммо, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари учун имкониятлар кенгаётган, жиноят ишлари юритуви давомида уларнинг мулки дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш ҳаракатлари амалга оширилаётган бир даврда мол-мулкни хатлаш жараёни ҳам шаффофлаштириш, унинг устидан нафақат прокурор назорати, балки суд назоратини ҳам кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Б.Саидбековга кўра, мол-мулкни хатлашнинг прокурор рухсатини олиб ҳаракат қилувчи суриштирувчи, терговчилар ваколатида қолиши коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин: терговчи моддий манфаатдорлик эвазига хатланиши керак бўлган мулкнинг сотиб юборилишига имконият яратиб беради. Бу жараён суднинг аралашуви билан мураккаблаштирилиши керак. Шунинг учун мол-мулкни хатлаш жараёнига “Хабеас корпус” институтини жорий этишни таклиф этамиз.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар, шунингдек Франция, Германия, Россия Федерацияси, Грузия, Эстония, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва бошқа кўплаб ривожланган давлатларда айнан жиноят ишлари юритувида мол-мулкка нисбатан хатлашда тўлиқ суд назорати ўрнатилганлиги ҳам мазкур тартибни ижобий нати-

жа бераётганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 290-моддаси 5-қисмини қуйидаги янги таҳрирда ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда:

Мол-мулкни хатлаш фақат суднинг ажримига асосан амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда мол-мулкни хатлаш суднинг ажримисиз ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин кейинчалик 24 соат ичида тегишли материаллар илова қилинган ҳолда суд хабардор қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчининг ёки терговчининг прокурор томонидан тасдиқланган ва судга юборилган хабарномасида асослантирилиши лозим.

Суриштирувчи, терговчи жиноят иши доирасида хатланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг йўқ қилиниши, унга зарар етказилиши, яширилиши ёки шунга ўхшаш бошқа номақбул хатти-ҳаракатлар содир этилиши натижасида мазкур процессуал ҳаракатни амалга ошириш имконияти йўққа чиқиши тўғрисида тезкор маълумотга эга бўлса, белгиланган тартибда прокурорнинг рухсатини олмасдан ҳам амалга ошириши мумкин. Айрим ривожланган хориж давлатлари, масалан Грузия ёки Эстония жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, алоҳида ҳолларда, яъни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда суднинг қарорисиз ҳам мол-мулк хатланиши мумкин. Айнан қайси ҳолатлар кечиктириб бўлмас эканлиги ҳам кодексда аниқ кўрсатилган. Жумладан, мулк бегоналаштирилиши ёки йўқ қилиб юборилиши мумкинлиги тўғрисида асосли тахмин юзага келганда суднинг қарорисиз ҳам прокурор томонидан ушбу процессуал ҳаракат амалга оширилади.

Миллий процессуал қонунчилигимизда эса бу масала аниқ белгиланмаган, яъни айнан қандай ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган ҳолат эканлиги, вазиятни кечиктириб бўлмас деб топиш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бизнингча, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қароридан мулк гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгардан бегоналаштирилиши ёки йўқ қилиб юборилиши мумкинлиги каби ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд учун кечиктириб бўлмас ҳолат сифатида баҳоланиши зарурлиги белгиланиши керак. Амалдаги тартибга суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг дискрецион ваколати сифатида қараш тўғри ҳисобланади. Бу эса турли суиистеъмолликларга сабаб бўлади.

Шунинг учун “Суд томонидан мол-мулкни хатлашнинг кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ўтказилганлигининг қонунийлиги ва асослиги хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб 72 соат ичида текширилиб, тегишли ажрим чиқарилади.



Мол-мулкни хатлашни кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ўтказилганлиги асосли бўлмаса ёки мол-мулкни хатлаш ноқонуний ва асоссиз деб топилган ҳолларда, мол-мулкга солинган хатлов бекор қилинади”, мазмунидаги меъёр миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда аниқ белгиланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бундай тартибга суд назоратининг белгиланиши суриштирувчи, терговчи томонидан турли суиистеъмолликларга йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилади.

#### **Шу билан бирга, суриштирувчи, терговчи мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши ва ушбу қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак:**

- 1) жиноятнинг қисқача мазмуни;
- 2) унинг квалификацияси;
- 3) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жиноят оқибатида етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахс ҳақида маълумот;
- 4) хатланаётган мол-мулк, унинг қиймати ва жойлашган жойи;
- 5) ушбу мажбурлов чорасини қўллаш учун асосларни илова қилган ҳолда мол-мулкни хатлашнинг зарурлиги тўғрисидаги хулоса.

Мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва унга асос бўлган ҳужжатлар прокурорга юборилиши, прокурор мол-мулкни хатлаш ҳақидаги илтимоснома қўзғатиш бўйича қарорнинг асослилигини текшириб, рози бўлган ҳолда қарор ва унга илова қилинган ҳужжатларни судга юбориши керак. Мол-мулкни хатлаш юзасидан илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор суриштирув ёки дастлабки тергов олиб борилаётган ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг мол-мулкни жойлашган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси то-



монидан, қайд этилган судларнинг судьяси бўлмаган ёки ушбу судьянинг ишни кўриб чиқишини истисно этувчи ҳолатлар аниқланган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига асосан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Бунда илтимоснома кўзғатиладиган ҳудудни аниқлашда хатланиши керак бўлган мол-мулкнинг тури, хусусиятидан келиб чиқиш лозим.

Шунингдек, мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимосномада хатланиши керак бўлган мулкнинг гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан жиноий йўл билан топилганлиги исботланиши керак ва бу илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарор бошқа шу турдаги қарорлар каби ёпиқ суд мажлисида ҳужжатлар келиб тушган вақтдан бошлаб 48 соатдан кечикмасдан кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Суд мажлисида прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек ишда қатнашаётган бўлса уларнинг ҳимоячиси ҳамда вакили иштирок этади. Тергов амалиётида учраётган гумон қилинувчи, айбланувчига тегишли барча мулкларнинг хатланиши унинг мулк ҳуқуқларини бузилишига олиб келади. Масалан, АҚШда жиноят ишини юритиш давомида хатлаш тушунчаси мавжуд бўлмасада, биринчи навбатда жиноий йўл билан топилган мулкларни давлат фойдасига олиш мақсад қилинади, агарда ушбу мулклар сарф қилиб юборилган ёки бошқача кўринишда шахсдан бегоналаштирилган бўлса, зарарни қоплаш учун ўрнига унинг қонуний асосда олинган мулклари олиб қўйилади. Шунга ўхшаш қоидани Грузия ЖПКнинг 151-моддасида ҳам учратиш мумкин; мол-мулк жиноий йўл билан топилганлиги, жиноят натижасида етказилган зарар миқдори аниқ бўлса-да, лекин мазкур мулкни топишнинг имкони мавжуд бўлмаса, суд шахснинг ушбу мол-мулкка тенг қийматдаги бошқа мулкларини хатлашга ҳақли. Худди шу мазмундаги қоида Қозғистон Республикаси ЖПКнинг 161-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Бир сўз билан айтганда, тегишли мулк фақат жиноятга алоқадор ҳолатдагина хатланиши, агар керакли мулкни топиш имконсиз бўлса, унинг қиймати тенг бўлган гумон қилинувчи, айбланувчига тегишли бошқа мулк хатланиши тўғри бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, суд муҳокамасининг вақти, жойи ва санаси ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқишга монелик қилмаслиги лозим. Уларнинг иштирок этмаслиги хатлаш масаласини кўриб чиқиш учун жиддий тўсиқ бўла олмайди. Мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш бўйича қарорни

кўриб чиқиш прокурорнинг мол-мулкни хатлашнинг зарурлигини асословчи маърузасидан бошланади.

Сўнгра ҳимоячи ва судга келган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади. Шундан сўнг, судья қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киради. Судья мол-мулкни хатлаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиб, мол-мулкни хатлашга тўлиқ ёки қисман рухсат бериш ёхуд рад қилиш юзасидан ажрим чиқаради. Суднинг мол-мулкни хатлашга рухсат беришга оид ажримда кимнинг мол-мулки ва қайси мақсадда хатланаётгани, фуқаровий даъво ни таъминлаш учун эса қанча миқдор хатланиши кераклиги кўрсатилиши лозим.

Суд ажримда кўрсатилиши зарур бўлган мазкур охириги масала жуда муҳим бўлиб, шахс пул маблағи ёки бошқа мулкнинг ортиқча қисми хатланишининг олди олинади. Мазкур масала ривожланган айрим хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам тартибга солинган, масалан Арманистонда мулкни хатлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи процессуал ҳужжатда фуқаровий даъво ни қаноатлантириш ва суд чиқимларини ундириш учун етарли бўлган мулкнинг баҳоси кўрсатилади. Озарбайжон Республикасида хатланиши керак бўлган қиймат фуқаровий даъвода сўралаётган суммадан ошиб кетмаслиги шарт ёки Молдова жиноят-процессуал кодексининг 204-моддасига биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгарнинг мулкни хатлашда жиноят натижасида етказилган тахминий зарар миқдоридан келиб чиқилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.matsne.gov.ge/ru/document/download/90034/37/ru/pdf>
2. <https://www.juristaitab.ee/sites/www.juristaitab.ee/files/elfinder/ru-seadused/ygrolovno-protsessualnyy%20кодекс%2001.01.2022.pdf>
3. Хохлова Е.П. Арест имущества в уголовном процессе США // Законность и правопорядок в современном обществе. 2015. №24. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/arrest-imuschestva-v-ugolovnom-protsesse-ssha>
4. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852&pos=3195;-54#pos=3195;-54](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=3195;-54#pos=3195;-54)
5. <https://www.matsne.gov.ge/ru/document/download/90034/37/ru/pdf>
6. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852&doc\\_id2=31575852#activate\\_doc=2&pos=191;-78.19999694824219&pos=2=3263;-24.199996948242188](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&doc_id2=31575852#activate_doc=2&pos=191;-78.19999694824219&pos=2=3263;-24.199996948242188)
7. <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1450&lang=rus&sel=show#32>
8. [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420280#pos=3576;-60](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280#pos=3576;-60)
9. [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397729#pos=2708;-23](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=2708;-23)
10. Саидбеков Б. Жиноят қонунчилигида хусусий мулк муҳофазаси ва Хабеас корпус институти доирасида мулк хуқуқларни ҳимоялаш масалалари // Юрист ахборотнома-си. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 90-96.

## ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан ўтган йилларда жойларда олиб борилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортиқча бюрократиянинг сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари томонидан очиқчасига айтиб ўтилган эди.*

Бу борада, Президентимиз томонидан имзоланган 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон айнан мана шундай муаммолар ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 2023–2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

### Унга кўра одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

*“Инсон қадри учун” гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;*

*адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;*

*фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;*

*судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб қатнашиш имкониятини кенгайтириш;*

*судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш;*

*суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш.*

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга, эл-юртимизнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган бундай эътиборини “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб гоёнинг амалдаги ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин. Қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд тартибида ишончли ҳимоя қилиниши, судьялар томонидан адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилиниши суднинг “Адолат кўрғони”га айланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш механизмини содаллаштириш ва бюрократик жараёнларни қисқартириш, суд ҳимоясини амалга оширишнинг ташкилий-процессуал усуллари такомиллаштириш суд-ҳуқуқ тизимидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонунчиликда келишув битимини тузиш, мандатли судловни қўллаш доирасини кенгайтириш, далилларни масофадан тергов қилиш механизмини жорий этиш, видеоматериаллар орқали иш юритаётган шахсларнинг тушунтиришларини эшитиш, айрим тоифадаги низоларни бартараф этиш учун мажбурий дастлабки суд тартибини жорий қилиш, тўланган давлат божларини қайтариш тартибини батафсил тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

**Ўткирбек ДАВЛЕТОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети  
доценти.*

## ТАДБИРКОРНИНГ ПУЛИ АСЛИДА ҚАЕРДА ЭДИ?

**Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида тўлиқ, сифатли ва жонкуярлик билан кўриб чиқиш ҳар бир давлат хизматчиси ва ташкилот ходимининг қатъий вазифаси эканлигини англаши юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз ривожланишидаги муҳим омилдир.**

Аммо, суд амалиётида кўрилатган ишлардан маълум бўлмоқдаки, айрим ҳолларда мурожаатларнинг тўлиқ ва масъулият билан кўриб чиқилмаслиги фуқаро ва тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлишига ва бу орқали уларнинг бугунги кунда амалга оширилаётган қатъий ислохотлар самарасига нисбатан бўлган ишончининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Мажбурий ижро бюроси Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 2020 йил 11 апрелда 9423732-рақамли электрон инкасса топшириқномаси ва ОК79-рақамли мемориаль ордер билан “ZAR-NAMUNA BOSHQARUV KOMPANIYA” масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамидан жами 12 146 813 сўм ечиб олинган, шундан 12 098 270 сўм “O’ZTRANSYGAZ” акциядорлик жамиятининг 22634000400117836359-ҳисоб рақамига ва 48 543 сўм банк хизмати учун йўналтирилган.

“ZAR-NAMUNA BOSHQARUV KOMPANIYA” масъулияти чекланган жамияти табиий газ истеъмолчиси эмаслиги, газ қувурига уланмаганлиги, газ идораси билан бирор-бир шартномаси мавжуд бўлмаса-да, унинг ҳисоб рақамидан 12 146 813 сўм маблағ нотўғри ечиб олинганлиги ва мазкур пул маблағини қайтариш юзасидан “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамияти ёки унинг ҳудудий филиалига ҳамда “O’ZTRANSYGAZ” акциядорлик жамиятига йўллаган бир неча мурожаати мавжуд бўлишига қарамасдан масъуллар томонидан мазкур мурожаатлар ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганилмасдан гўёки пул маблағи ушбу жамиятларда мавжуд эмаслиги, бу борада “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамияти томонидан “O’ZTRANSYGAZ” АЖГа ёки аксинча мурожаат қилиниши мақсадга мувофиқлиги юзасидан жавоб хатлари берилиб, пул маблағи қайтарилмасдан, тадбиркорнинг идорама-идора амалий натижаси бўлмаган мурожаатлар йўллашига олиб келинган.

Оқибатда “ZAR-NAMUNA BOSHQARUV KOMPANIYA” масъулияти чекланган жамияти ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “O’ZTRANSYGAZ” акциядорлик жамияти ва “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамиятидан 12 146 813 сўмни ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида маълум бўлдики, “ZAR-NAMUNA BOSHQARUV KOMPANIYA” масъулияти чекланган жамиятидан олинган 12 098 270 сўм пул маблағи “O’ZTRANSYGAZ” акциядорлик жамияти электрон дастурининг “Оплата от население города Зарафшон” сатрида сақланиб, 2021 йил 31 декабрдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан мазкур пул маблағи “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамиятига ўтказилган ва ўз навбатида “HUDUDGAZ NAVOIY” газ таъминоти филиали балансининг 6995-сонли ҳисоб рақамига эгаси аниқланмаган маблағ сифатида сақлаб келинган.

Ҳатто, ишни кўриш жараёнида судга тақдим қилинган 2022 йил 27 декабрдаги 33-01-28-976-сонли маълумотномада ҳам 12 098 270 сўмлик пул маблағининг “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамияти ёки унинг ҳудудий филиалида мавжуд эмаслиги маълум қилинганлиги мавжуд ҳолатларга маъсуллар томонидан қанчалик эътиборсизлик ва маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлинганлигини кўрсатади.

Зеро, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 23-моддасининг биринчи қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Низо юзасидан мавжуд барча ҳолатлар суд томонидан бирма бир ўрганилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилиб, суднинг 4-2102-2201/512-сонли иши юзасидан қабул қилинган 2023 йил 25 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, “HUDUDGAZTA`MINOT” акциядорлик жамиятидан “ZAR-NAMUNA BOSHQARUV KOMPANIYA” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 12 098 270 сўм, кичик тадбиркорлик субъекти сифатида олдиндан тўланган 150 000 сўм давлат божи ва 24 000 сўм почта харажати ундирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи суд йўли билан ҳимоя қилинган.

Бу каби салбий ҳолатларга келгусида йўл қўймаслик, фуқаро ва тадбиркорларимизнинг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш, зарур чораларни кўриш мақсадида жавобгар ташкилот раҳбарияти эътиборига тақдимнома киритилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, агарда тадбиркорнинг мурожаати масъуллар томонидан ўз вақтида тўлиқ ўрганилиб, пул маблағининг айнан кимда ва қаерда сақланаётганлигига аниқлик киритилганида эди, юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг ҳамда ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш имкони бўлар эди.

**Шерзод ҒОҒУРОВ,**

*Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси.*



## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Корпоратив низоларни судларда кўриш бўйича махсус процессуал тартиб миллий қонунчилигимизга 2015 йилда киритилди. Бироқ, ҳалигача корпоратив низо тушунчаси ва унинг ҳуқуқий чегараларининг аниқ доираси белгилаб қўйилмаган.*

Мамлакатимиз қонунчилигида “корпорация” тушунчасининг юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги сабабли бу тушунчани талқин қилишда икки хил ёндашув кузатилади. Унга кўра айрим белгилар бўйича корпорациялар қаторига тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва аъзоликка асосланган барча хўжалик субъектлари, бошқа белгилар бўйича эса – фақат акциядорлик жамиятлари киритилади. Бироқ, мамлакат иқтисодий – ҳуқуқий тизимида моҳиятига кўра кичикроқ шартлиликлар билан, айнан акциядорлик жамиятлари жаҳон хўжалик ва ҳуқуқий амалиётида умум қабул қилинган корпорация тушунчаси билан тенглаштирилади.

Корпоратив низолар корпоратив муносабатлардан келиб чиқади. Шу сабабли корпоратив муносабатларнинг илмий таҳлили низолар доирасини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Корпоратив муносабатларга олимлар ўзларининг илмий ишларида таъриф беришга ҳаракат қилишган. Хусусан, мамлакатимиздаги корпоратив низолар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи М.Саидовнинг фикрича корпоратив муносабатлар бу – корпорация иштирокчилари (акционерлар) билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, иштирокчилар (акционерлар) билан иштирокчилар (акционерлар) ўртасида, корпорация ишчилари билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, корпорация билан давлат ўртасида, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида бўладиган корпорация фаолиятига боғлиқ муносабатлардир.

Юқоридагилардан келиб чиқсак, корпорация раҳбарияти, иштирокчилари ва бошқа субъектларининг корпорация фаолияти билан боғлиқ ўзаро муносабатлари корпоратив муносабатлар бўлиб, бундан келиб чиқадиган низолар корпоратив низолар ҳисобланади ҳамда улар қонунчилигимизга кўра иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддасида иқтисодий судлар томонидан кўриладиган корпоратив низоларнинг айримлари санаб ўтилган.

Мазкур меъёр мазмунидан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига саналган низолар корпоратив низоларнинг тугал рўйхати ҳисобланмасдан, қонун билан белгиланмаган бошқа корпоратив низолар ҳам борлигига урғу берилмапти.

Корпоратив муносабатлар бўйича хориж тажрибаси таҳлил қилинадиган бўлса, хусусан Францияда тўлиқ ширкат (societe en nom collective), оддий коммандит ширкат (societe en commandite simple), масъулияти чекланган жамияти (societe a responsabilite limitee - SARL), акциядорлик жамияти (societe anonume - SA) – оддий, акциядорлик-коммандит жамияти, соддалашган акциядорлик жамияти, бир шахсга тегишли бўлган масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти билан боғлиқ муносабатлар корпоратив муносабатлар ҳисобланади. Франциядаги бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларни ташкил қилиш, фаолиятини олиб бориш, қайта ташкил қилиш ёхуд тугатиш муносабатлари корпоратив муносабатлар ҳисобланмайди.

Миллий қонунчилигимизга асосан ҳам барча юридик шахслар корпоратив ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланмайди. Хусусан, қонунчиликда айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларни ташкил этиш тартибига оид махсус қоидалар ҳам ўрнатилган. Жумладан, ваколатли давлат органининг фармойиши билан хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки кооператив бошқарув ҳуқуқи асосида фаолият юритадиган унитар корхоналар ташкил этилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай корхоналар корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланмаганлиги боис, уларни ташкил этиш билан боғлиқ низолар судларда кўрилса-да, бироқ бундай низолар корпоратив низолар ҳисобланмайди.

Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркор, яқка таъсисчи томонидан ташкил қилинадиган юридик шахслар, фермер хўжалиги, хусусий корхоналар корпорация ҳисобланмаганлиги сабабли уларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш, тугатиш ҳамда уларни бошқариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низолар корпоратив низолар ҳисобланмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча юридик шахслар ҳам корпорация ҳисобланмаганлиги сабабли уларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш, тугатиш ҳамда бошқариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низолар корпоратив низолар сирасига кирмайди. Корпорациялар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

**Аъзам ФАЙЗИЕВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ

**Мазкур жараён суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш вазифасига асосланади. Маъмурий судлов демократик ҳуқуқий жамиятда бошқарувнинг қонунийлигини амалга оширади, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини таъминлайди, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа субъектив ҳуқуқларини ижро ҳокимияти билан муносабатларида ҳимоя қилади.**

Ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро тийиб турилиши тамойилидан келиб чиқиб, маъмурий ихтиёрийликка асосланган ваколатларни бажариш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда суд назоратининг доираси чекланган бўлиши лозим, деган назарий қараш мавжуд. Унга кўра, дискрецион чорани қўллаш-қўлламаслик, қайси чорани қайси усулда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича суд ҳуқуқий баҳо бермаслиги керак. Бу борада маъмурий дискреция устидан суд назоратининг даражасига қараб Европа давлатларини иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Кучли суд назорати амал қиладиган давлатларга Германия ва немис ҳуқуқий доктринаси таъсири юқори бўлган давлатлар кирилади. Кенгрок маъмурий эркинлик тан олинадиган давлатлар қаторига Франция кирилади. Айрим ҳуқуқий тизимларда энг юқори сиёсий даражада қабул қилинадиган, масалан, ташқи сиёсатга оид қарорларни судлар текшира олмайди. Роман-герман ҳуқуқий тизимида булар “acte de gouvernement”, “atto di governo” (бошқарув актлари), АҚШ қонунчилигида эса “political question doctrine” (сиёсий масала доктринаси) деб аталади.

Европа ва Америкада шаклланган ҳуқуқий доктриналарда маъмурий дискреция том маънодаги ихтиёр эркинликини англатмаслиги, балки қонунда белгиланган мақсад ва моддий ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда тегишли процедуралар доирасида амалга оширилишига урғу берилади. Бунда, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари ва эркинликлари маъмурий дискрецияни амалга оширишга нисбатан объектив ҳуқуқий чегара вазифасини бажаради.

Олий суд Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарориди белгиланишича, қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган тақдирда суд бундай қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмас. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунга (МТТҚ) кўра эса, маъмурий ихтиёрийлик — маъмурий органнинг қонунчилик доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқидир. Кўринадик, Пленум қарориди маъмурий органнинг қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик бўйича дискрецион ваколати тўғрисида, юқоридаги қонунда эса, йўл қўйилган чоралардан бирини танлаш бўйича дискрецион ваколати тўғрисида гап бормоқда. Икки ҳолат ҳам назарий нуқтаи назардан маъмурий дискрецияга мос келиши боис, Пленум қароридидаги кўрсатма Қонундаги дискрецион ваколатни амалга оширишга нисбатан ҳам қўлланадими, агар қўлланса, суд назоратининг даражаси ушбу икки ҳолатда бир хил бўладими, деган масала амалий аҳамият касб этади. К.Давидов дискрецион қарор қабул қилишга нисбатан суд назоратининг мўътадил даражасини (эътибор қонунга зид ҳаракатсизлик олдини олишга қаратилади), танловга оид дискрецияга нисбатан пастроқ назорат даражаси бўлиши ҳақида тўхталади. Мақсадга мувофиқликка судда баҳо берилмаслиги масаланинг аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, расмий талабларга амал қилинса ҳам, айнан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли қўлланилган чора (қарор) адолатсиз бўлиб қолиши мумкин. Бунда маъмурий дискрециядан кўзланган индивидуал адолатли қарор қабул қилишга эришилмайди.

Мансабдор шахс дискрецион ваколатнинг мақсадга мувофиқлигини қандай аниқлаши бўйича нормалар МТТҚда йўқ. Ҳуқуқшунос Н.Бахрахга кўра, қарор мақсадга мувофиқ бўлиши учун реал ҳолатга мос келиши, ўз вақтида қабул қилиниши, инсон ҳуқуқларини, ҳуқуқий онг даражасини, омманинг маданиятини, фикрлар ва манфаатлар плюрализминини, муаммоларни ҳал этиш имкониятлари ва ўз-ўзини тартибга солишни инобатга олиши лозим.

Айтиш жоизки, МТТҚда дискрецион актларга нисбатан одатдаги актларга қараганда кучайтирилган талаблар белгиланган: улар қонунчилик доирасида амалга оширилиши ва дискрецион ваколатнинг мақсадига мос келиши (17-модда); уларнинг асослантирувчи қисмида у ёки бу маъмурий ихтиёрийликка ёхуд ундан воз кечишга сабаб бўлган барча баҳолар, важлар ва мулоҳазалар баён этилиши, бунда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатнинг маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқлигини асослаб бериши керак (54-модда). Муҳими шундаки, ваколатнинг мақсадини аниқлаш, баҳолар ва важларни баён қилиш, маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқликни асослашда ҳам мансабдор шахс ўзига хос “яширин дискреция”га эга бўлиб, унинг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги муҳим ўрин тутуди. Ваколатнинг мақсадини ва қонуний доирасини белгилашда мансабдор шахснинг идоравий манфаатларга ён босмаганлиги, қонуний мақсадлардан оғишмаганлиги маъмурий актда унинг келтирган барча баҳолари, важлари ва мулоҳазаларидан англашилади. Фикримизча, мақсадга мувофиқликка суд томонидан баҳо берилмаса-да, маъмурий дискрециянинг етарлича асосланган бўлишини, маъмурий тартиб-таомиллар принципларига ҳамда қонуний мақсадга мослигини суд диққат билан ўрганиши қонун талабларининг амалга оширилишига хизмат қилади.

Бу ўз навбатида маъмурий дискрециянинг мақсадга мувофиқ бўлганлигини тасдиқлайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (МЮСТК) 188-моддасига кўра, суд маъмурий орган қарори устидан шикоятни кўриб чиқишда унинг қонунийлигини, мансабдор шахснинг ваколатларини текшириши, аризаچининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганини аниқлаши лозим. Мазкур нормада дискрецион чорани текширишнинг муҳим жиҳатлари етарлича ўз аксини топмаган.

Шунга асосан, дискрецион маъмурий актлар устидан суд назоратининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш учун, МСЮТКнинг 188-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади: “Маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган маъмурий актни текширишда суд тегишли маъмурий актнинг дискрецион ваколатнинг қонуний мақсади-га мувофиқлигини, маъмурий ихтиёрийликка ёхуд ундан воз кечишга сабаб бўлган барча баҳолар, важлар ва мулоҳазалар баён этилганлиги ҳамда маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мослигини текширади.”

Бу ўринда айнан қонун даражасида белгиланган мақсадга урғу қаратилиши қонун ости ҳужжатларига асосланиб маъмурий орган томонидан ўз ваколатини кенгайтириб ёки торайтириб талқин қилишининг олдини олади. Шунга кўра, МТТҚнинг 17-моддасидаги “ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак” деган жумлани “ушбу ваколатнинг қонунда белгиланган мақсадига мос келиши керак” деган жумла билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ойбек ҲАКИМОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИДА СУДГАЧА МАЖЛИС ЎТКАЗИШНИНГ АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ

**Ўзбекистон қонунчилигида судгача мажлис институтининг қўлланилиши унинг янада кенгроқ тадқиқ қилинишини тақозо этади. Иқтисодий процессуал кодексининг 163<sup>1</sup>-моддасида судгача мажлис ўтказишнинг таърифи берилмаган, бу муаммо унинг асл маъносини ёритишга назарий ёндашишни талаб қилади.**

Шунингдек, ИПКда судгача мажлис ўтказишнинг асослари, яъни, уни ўтказиш ташаббуси ва талаблари ҳам белгиланмаган. Бундан ташқари, яна бир муаммо бу судгача мажлиснинг табиатидир. Амалдаги қонунчилик меъёрларига кўра судгача мажлис ўтказиш судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ихтиёрий ҳаракати ҳисобланади. Ўхшаш амалиётни ўрганган рус тадқиқотчиси А.В.Чекмарева ушбу ёндашишга келишмаган ва дастлабки суд муҳокамаси суд мажлиси билан кўплаб умумий жиҳатларга эга эканлигини билдирган, бу билан у дастлабки суд муҳокамаси суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг бир қатор процессуал ҳаракатлари йиғиндисидан иборатлигини таъкидлаган. Бундан ташқари, А.В.Чекмарева дастлабки суд муҳокамаси айрим масалаларни ҳал қилиш зарурати юзага келган тақдирда судья томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда яқка тартибда ўтказиладиган процессуал ҳаракатлигини билдирган. Бизнинг фикримизча А.В.Чекмареванинг дастлабки суд мажлисига тааллуқли фикрлари қарама-қарши ҳисобланади, сабаби бир томондан у суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг йиғиндиси деб таъкидласа, иккинчи томондан у судья томонидан яқка тартибда ўтказиладиган процессуал ҳаракатлигини билдирган.

Процессуалист олим А.А.Латкин дастлабки суд мажлисини суд муҳокамасига тегишли деб ҳисоблаш хато бўлишини таъкидлайди. Бизнингча ҳам бу фикр тўғри ва ушбу судгача мажлис институти мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб суд мажлисидан фарқ қилади ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичига тегишли эканлигини инobatта олиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб ИПКга судгача мажлисга аниқ таъриф берувчи ҳамда уни ўтказишнинг асосларини ва талабларини ёритувчи нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ИПКда қайд этилган асослар мавжуд бўлганда, судгача мажлисда иш юритиш тўхтатиб турилиши, тугатилиши, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш мумкинлиги белгиланган. Масалан, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги ажрим чиқарилганига қадар даъво аризасини қайтариб олиш тўғрисида ариза келиб тушса ёхуд иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса даъво аризасини қайтариш ҳақида ажрим чиқарилади. Бироқ иш юритишга қабул қилиб олингандан сўнг судгача мажлис ўтказаетган пайтда ушбу ҳолатлар аниқлангач судга даъво аризасини қайтариш ҳуқуқи қонун чиқарувчи томонидан берилмаган. Масалан айнан судгача мажлисда судга суд мажлисида ҳозир бўлган тарафлар, бошқа манфаатдор шахслардан мазкур ишнинг судга тааллуқлиги масаласи бўйича келишув мавжудлигини аниқлаш вазифаси юклатилганлигининг ўзи юқорида билдирилган фикрни, яъни айнан ушбу жараёнда судловлилик масаласида суд томонидан бирор бир чора кўрилиши заруриятини келтириб чиқаради.

Хорижий эксперт Уильям Твининг медиация бўйича томонларнинг келишувга эришиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини баён қилиб, “низо ҳал этилганлиги”, “келишувлар” ёки “иш тугаши” деб аталадиган тушунчалар кўпинча муайян низо

ёки ишнинг охири эмаслигини, медиацияда эса иштирокчилар ўртасида айниқса муносабатлар давом этаётганлиги муҳим ҳисобланишини таъкидлаган.

Юқоридаги келтирилган қоидалар яна бир бор медиация жараёнининг судгача низоларни ҳал этиш усули сифатида аҳамиятини белгилаб беради. Бироқ, иқтисодий процессуал қонунчиликда судгача ҳал қилиш сифатида фақат талабнома юбориш тартиби тушунилади. Тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнг суд иш кўзгатиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида бўйича низоларни судгача ҳал қилиш тушунчасини англатиши сабабли талабнома юбориш тартибидан ташқари медиация ва бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

ИПКда судгача мажлисни ўтказиш судьянинг ихтиёридаги масалага айланиб қолганлигини инobatта олиб, ушбу жараёни даъво аризасида бир неча талаблар бирлаштирилганда, корпоратив низолар ва шу каби бошқа мураккаб тоифадаги ишларни кўришда мустақил ва мажбурий босқичга айлантириб, унинг имкониятларини кенгайтириш масалаларини ишлаб чиқиш лозим.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, судгача мажлис жараёнида агар бир тараф даъво муддати ўтганлиги оқибатини қўллашни сўраганида ва бунда бошқа тарафдан эътироз бўлмаганда судья ишни кейинчалик муҳокама қилмасдан талабни рад этиш имконияти, судгача мажлисда ва суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида жавобгар талабни, яъни даъво аризасини тан олган ҳолда кейинчалик ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан ҳал қилув қарори чиқариш имкониятини назарда тутувчи нормаларни ҳам қонунчилигимизга жорий қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий процессуал қонунчилигида судгача мажлиснинг неча маротаба ташкил этилиши аниқ белгиланмаган. Беларусь Республикасида судгача мажлисга ўхшаш амалиёт ҳисобланган тайёрлов суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларга 5 кунгача танаффус ҳам берилиши кўзда тутилган. Тайёрлов суд мажлиси якунида суднинг суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими чиқарилиши билан тайёрлов суд мажлиси тамом бўлиши белгиланган. Ҳаттоки тайёрлов суд мажлисида барча далиллар йиғилса, тайёрлов суд мажлисини ўтказаетган суд уни тугатиб дарҳол ишни мазмунан кўришга ўтиши мумкинлиги таъкидланган. Албатта бундай ҳолатда тайёрлов суд мажлисида иштирок этаётган шахслар ишни мазмунан кўришни бошлашга рози бўлишлари талаб этилади. Бунда агар жавобгар ўрнатилган тартибда тайёрлов суд мажлиси ҳақида хабардор этилган бўлса-да, унинг мажлисда иштирок этмаслиги бунга тўсқинлик қилмайди. Бироқ, даъвогарнинг йўқлигида фақат унинг иштирокисиз суд мажлисини ўтказиш бўйича аризаси мавжуд бўлганда йўл қўйилади. Бу тартиб ишни кўриб чиқишни янада соддалаштиришга олиб келади. Мазкур амалиёт бизнинг қонунчилигимизга ҳам жорий қилинишини таклиф қиламиз.

**Зухра АМЕТОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



# ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАСИ

**Вазирлар Маҳмакасининг 387-сонли қарорига I-илова билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари бўйича ФХДЁ органлари ёзувларни тузиш орқали туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим ҳақида фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиши белгиланган:**

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари (кейинги ўринларда — далолатнома ёзувлари) давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланади, бир нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Далолатномалар – бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга таъсир қиладиган ҳодиса ёхуд фуқароларнинг ҳаракатларидир, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини ҳам характерлайди.

О.В.Фетисованинг фикрича далолатнома ёзувлари инсоннинг эркига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги бўйича таснифланади. Бу юзасидан далолатномалар икки турга бўлинади: 1) муқаррар ёхуд мажбурий, яъни табиий сабабларга кўра инсоннинг эркидан қатъий назар бўладиган (туғилиш, ўлим); 2) вариативлик, яъни фуқаронинг эркига боғлиқлиги ёки маълум ҳолатдан боғлиқлиги бўйича келиб чиқади (никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш, болани фарзандликка олиш ва ҳоказо).

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади.

Далолатномаларни қайд этишнинг маъмурий тартиб-таомили аломатлари, давлат ҳокимиятининг ижроия органи тегишли компетенцияларини амалга ошириши, далолатномаларни қайд этишнинг давлат соҳасидаги маъмурий ишларининг индивидуал ечилиши ва кўриб чиқилиши ҳамда бошқалар ҳисобланади. Буларнинг барчаси қўйидагиларни шакллантиришга имкон беради.

Далолатномаларни қайд этишнинг маъмурий тартиб-таомили – инсон ҳаётидаги ҳодиса ва ҳаракатлар сабабли унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиришга, ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга таъсир қиладиган ҳамда муайян субъектларнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий мавқеини расмий тан олиш, рухсат бериш турида акс эттирилган, ижроия фаолияти соҳасидаги ваколатли органлар билан амалга оширилувчи маъмурий-процессуал ҳаракатларнинг умумийлигидир.

Далолатномаларни қайд этишнинг маъмурий тартиб-таомили “ижобий характерга эга”. Далолатно-



маларни қайд этиш соҳасида давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ўртасидаги вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар бир тарафдан ва фуқаролар ўртасида – бошқа жиҳатдан ўзининг асосида ҳуқуқий низога эга эмаслиги — ижроия ҳокимият органи тарафидан кўрсатилаётган давлат хизмати каби таснифланади. Ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг маъноси фуқаролар ўзларига тегишли ҳуқуқларини реализация ёки амалга оширишда эҳтиёт бўлишлиги ҳисобланади. Шу боис, далолатномаларни қайд этишнинг маъмурий тартиб-таомили давлат томонидан далолатномаларни қайд этишда давлат хизматлари натижаларини ҳар бир фуқаро кўриш учун натижа ва самарадорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган деб талқин қилинса бўлади.

В. М. Кошкин манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаган тақдирда фақат маъмурий тартибда шикоят қилиниши мумкин деб ҳисоблаган. ФХДЁ органларининг манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ тўғрисидаги низо юзага келиши муносабати билан рад этилиши далолатномалар ёзувларини суд тартибида тузатиш учун асос бўлишини билдирган.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, далолатномаларни ёзиш органлари билан фуқаролар (манфаатдор шахслар) ўртасида келиб чиқадиган маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий низоларнинг ечилишида янада муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур соҳа юзасидан ҳозирча тегишли қонун мавжуд эмас, фақат қонуности ҳужжатлари билан чекланган. Шу боис, фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

**Нураддин ТАЙРОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИДИР

*Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умум эътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасидаги вазифаларнинг бажарилишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.*

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид икки томонлама ва кўп томонлама халқаро ҳужжатларга аъзо бўлиб, уни миллий қонунчилик тизимига имплементация қилиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз мустақилликка эришган 1991 йилнинг ўзида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (WIPO-World Intellectual Property Organization) тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилиниб, бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Айниқса, ҳозирги даврга келиб, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза этишга доир қонунчилик базаси кенгайиб бораётганлиги, ҳаттоки ислохотларни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинишининг (53-модда) белгилаб қўйилиши — бу соҳадаги давлат сиёсатининг қомусий эътирофи бўлди.

Бундан ташқари, Фуқаролик Кодекси (IV бўлим) да, “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”-ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”-ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”-ги ҳамда “Селекция ютуқлари тўғрисида”-ги қонунларда ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқига доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар ўз ифодасини топган.

Бироқ, илм-фаннинг “бир жойда депсиниб турмаслиги” — жадал тараққий этиши, ҳаётимизга “теша тегмаган” — инновацион ғояларнинг кириб келиши натижасида интеллектуал мулк объектлари доирасининг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олсак, уни тартибга солувчи қонунчилик соҳасининг ҳам ушбу жараёндан ортда қолмаслиги ва унга ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этилишига алоҳида эътибор қаратишимизга тўғри келмоқда. Гарчи, бугунги кунда интеллектуал мулкни муҳофаза этишга қаратилган 60 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ушбу меъёрлар тўлиқ ва мукамал эмаслигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бирламчи

қоидалар белгиланган Фуқаролик кодексининг IV бўлимига эътибор қаратадиган бўлсак, ундаги аксарият меъёрларнинг бошқа шу соҳани тартибга солувчи алоҳида қонунлар билан деярли бир хиллиги, такрорлашлар ва параллел тартибга солишлар мавжудлигини кўрамиз. Аксинча, ҳозирги кунда интеллектуал мулкнинг янги объекти сифатида тан олинган рационализаторлик ечимлари, сунъий интеллект, домен номларига бўлган ҳуқуқ ва бошқа шу каби ноанъанавий объектлар тўғрисида тушунчалар берилмаганлиги, мазкур интеллектуал мулк объектларини қай тартибда муҳофаза этилиши тўғрисида аниқ бир кўрсатмалар йўқлигини кузатамиз.

Масалан, сунъий интеллект — инсон тафаккури маҳсули сифатида интеллектуал мулк объекти бўлиши билан бир қаторда, ўзи ҳам ижодий фаолият билан шуғулланиб, янги интеллектуал мулк объектлари яратувчиси ҳисобланади. Ўз-ўзидан савол туғиладики, сунъий интеллект томонидан яратилган асарлар муаллифи ким?

Ҳозирги кунда ChatGPT, Bing каби chatbotлар томонидан матнли кўринишда шеър ва бошқа насрий асарлар яратиш имкони борлиги (ҳаттоки ChatGPT томонидан яратилган илмий иш АҚШлик талаба томонидан муваффақиятли ҳимоя қилинганлиги тўғрисида интернет маълумотлари мавжуд), Midjourney дастури ёрдамида расмли ва уч ўлчамли санъат асарларини яратиш оддий ҳолга айланиб бораётганлиги ҳеч бири-мизга сир эмас.

Албатта, сунъий онг томонидан яратилган асарларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш, ихтиролар ва муаллифлик асарларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириб бориш — келгусида мазкур соҳада юзага келадиган низоларни тўғри ва одилона ҳал этишнинг ягона ечимидир.

Хулоса қилинганда, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек интеллектуал мулк эгаларининг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, бу соҳада келиб чиқаётган низолар ва келгусида кутилаётган тадрижий ўзгаришларни башорат қилиб, қонунчиликни халқаро тажриба ва миллий анъаналар билан уйғунлаштирган ҳолда ислоҳ этиб бориш – давлат иқтисодиётининг ривожланишига ва жамият ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Козимжон НИЗОМОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИ

*Шахслар (жисмоний ва юридик) ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга, хусусан фуқаролик судларига мурожаат қилар экан қонунда белгиланган талаблар доирасида уларнинг мурожаати қабул қилинади ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Ана шу вақтдан эътиборан шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари яққол кўринишда ва шулар баробарида фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.*

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъекти деганда фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи ва мазкур муносабатларда иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахсларни тушуниш мумкин. Процессуал назарияда фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини ҳар хил таснифларга бўлиш орқали асослайди. Таснифлаш мезони сифатида уларнинг процессуал вазифаси, ҳуқуқий муносабатлар билан алоқаси ва иш жараёнида юридик манфаати белгиланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлар таркиби доимий эмас ва ўзгарувчан. Бу ҳолат жараённинг босқичига, ривожланиши давомида содир этилган ҳаракатнинг хусусиятига, у ёки бу иштирокчининг жараёнга қатнашувининг асосига, суд ҳимоясининг предметида, шунинг ичида моддий – ҳуқуқий муносабатлари юзасидан даъвонинг хусусияти ва субъектларининг таркибига боғлиқ.

Ишда иштирок этувчи шахслар – жараён натижасидан мустақил юридик манфаатга эга, ўз номидан ҳаракат қилувчи, қарорнинг қонуний кучи таъсир қилувчи, унда процессуал ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тамом бўлишини амалга ошириш ҳуқуқига эга иштирокчилар ҳисобланади.

Жараён натижасида юридик манфаатдорлиги хусусиятига қараб, ишда иштирок этувчи барча шахсларни иккита гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- 1) Моддий – ҳуқуқий ҳамда процессуал шахсий манфаатга эга шахслар.
- 2) Жамоат ва давлат манфаатига эга шахслар.

Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби кўрсатилган. Ишда иштирок этувчи шахслар бир қатор процессуал ҳуқуқларга эга. Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар учун умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар алоҳида белгиланган.

Ишда иштирок этувчи шахслар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг мураккаб таркибли гуруҳи ҳисобланади. Умумий белгилари бўйича улар бир-бирлари билан унча фарқ қилмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар таркибини бир нечта турларга ажратиш мумкин. Субъектлар шахсий моддий-ҳуқуқий манфаати бўйича, масалан, даъвогар, жавобгар ва процессда “бошқа”ларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи субъектлар (масалан, прокурор ҳамда ФПКнинг 52-моддасида назарда тутилган давлат органлари ва бошқа шахслар) бўлиши мумкин.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг фуқаролик процессдаги иштироки бу шахсларнинг низо предмети бўлган моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектига нисбатан ҳеч қанақа юридик манфаатдор бўлмаган, лекин уларнинг фаолияти (масалан, мутахассиснинг ўз соҳаси бўйича билими) ва ҳаракатлари (гувоҳнинг кўрсатувлари) ишни мазмунан ҳал қилишга катта ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Юқорида келтирилган фикр – мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар – иш бўйича бевосита юридик манфаатга эга бўлмаган, лекин уларнинг фаолияти ёки ҳаракати ишни ойдинлашувига олиб келадиган ва суднинг қарорини чиқариш орқали даъвогар ва жавобгар, учинчи шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда мажбуриятларини бажаришга кўмак берадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади.

**Айбек ГАНИБАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ БУЗИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада шартнома мажбуриятлари бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари ва унинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек шартнома мажбуриятлари бузилиши натижасида шартномавий муносабат иштирокчиларига нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик масалалари, шартнома мажбуриятларини таъминлаш тартиблари ва назарий қарашлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** шартнома, мажбурият, пеня, жарима, неустойка, коллизиялар, бой берилган фойда, лозим даражада бажармаслик, товарлар, муддат, хизмат, пудратчи, буюртмачи.

**Шартномавий муносабатларда белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолатларида томонларнинг жавобгарлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, тарафлар тузиладиган шартномаларда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Мажбуриятларнинг тўлиқ ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарлик белгиланиши эса адолат мезони ҳисобланади.**

Бизнингча мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари мустақил мулкрий оқибатларни юзага келтириш хусусиятига эга бўлиши лозим. Зеро, бу мулкрий оқибат келтирилган зарарни қоплаш орқали тарафларнинг манфаатини ҳимоя қила олиши ва таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун улар қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга ундаш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Шартнома мажбуриятлари бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари албатта ўз ўрнида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ ва бу жавобгарлик мулкрий жавобгарлик саналади.

Фуқаролик кодексининг 24-бобида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар белгилаб берилган.

Жумладан, Кодекснинг 14-моддасига асосан агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Зарар деганда, шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари, яъни бой берилган фойда тушунилади.

Кодекснинг 324-моддасига асосан қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Бироқ зарарнинг миқдорини аниқлаш ҳар доим ҳам аниқ белгиланган мезонларга эмас аксинча шартнома шартлари асосида амалга оширилади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, — даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади.

Суд вазиятга қараб зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

Кодекснинг ушбу бобидаги қоидалар умумий хусусиятга эга бўлганлиги боис, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларини тартибга солиш бўйича махсус қонун ҳужжати қабул қилиниши бўйича эҳтиёж туғилди.

Шу мақсадда, 1998 йил 29 августда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунин қабул қилинган.

Мазкур қонун билан хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди.

Қонуннинг V бўлимида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар кўрсатилган бўлиб, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса шартномаларни тўлиқ ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу қонуннинг V бўлимида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Жумладан, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан зарар кўрган тараф қилган харажатлар, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар кирди.

Бизнинг фикримизча мажбурият бажарилмаганда қарздорга нисбатан қатъий равишда 0.4 ёки 0.5 фоиз пеня белгилашнинг “механик” тарзда амалга оширилиши адолатсиз қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Асосий мажбуриятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олмасдан барча мажбуриятлар учун “бир хил қолип” яратиб, миқдори белгиланиши иккита салбий оқибатни келтириб чиқади. Биринчидан, тарафларни ўз мажбуриятларини бажаришга ундамайди, балки уларда “лоқайдлик”ни юзага келтиради. Чунки уни йўқотиш тарафлар учун арзимаган аҳамиятга эга бўлади, иккинчидан, таъминлаш усулининг таъминлаш кучи йўқолишига олиб келувчи ҳолати юзага келади. Чунки у расмийлик учун белгиланади, холос.

**Акмал АЛИЕВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

### Список использованной литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 04.08.2022 й. <https://lex.uz/docs/18942>.
2. Нигматулина Л.Б. Поручительство как способ обеспечения исполнения кредитных обязательств //Банковское право, 2000. -№3. -С.13-18
3. Абдулхасанова К.Ш. Қишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятлар ихросини таъминлашнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. докт.дисс. ...Автореферати. —Тошкент: 2009.
4. Добродеева А.А. К вопросу о понятии обеспечения исполнения обязательств //Актуальные вопросы юридических наук: материалы III междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2017 г.). —М., Молодой ученый, 2017. 72-с.
5. <https://ecanet.ru/word/%D0%9F%D0%B5%D0%BD%D1%8F>.
6. Одинаев А. Неустойка ва айбнинг нисбати // Huquq va burch №6/2020. 40-6

# ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОТКРЫТОСТИ И ПРОЗРАЧНОСТИ СУДЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, РЕАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

*Одним из ключевых признаков демократического и правового государства является наличие независимой и сильной судебной власти. В последние годы по инициативе руководителя страны с целью усиления мер надежной защиты прав и законных интересов граждан, эффективного обеспечения правосудия, а также повышения роли органов судейского сообщества в стране проводится коренная и последовательная реформа судебно-правовой системы. Безусловно, реформирование данной сферы постоянно коррелирует с фундаментом доверия населения. За прошедшие шесть лет принято более сорока законов и нормативно-правовых актов, направленных на организационное совершенствование судебной системы и формирование судебной практики рассмотрения дел.*

В частности, Указом Президента “О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан” от 21 февраля 2017 года создан Верховный суд – высший орган судебной власти в сфере гражданского, уголовного, административного и экономического судопроизводства, что сформировало условия для единообразия судебной правоприменительной практики. Создан конституционный орган – Высший судейский совет, призванный осуществлять открытое и прозрачное формирование судейского корпуса на основе конкурсного отбора кандидатов на должность судьи из числа наиболее квалифицированных специалистов, обеспечить подлинную неприкосновенность судей и предотвратить вмешательство в их деятельность по отправлению правосудия, наладить диалог судейского сообщества с населением.

В целях обеспечения прозрачности судебной деятельности, повышения доверия людей к структуре и имплементации общественного контроля в судебной системе внедрена практика онлайн-трансляции судебных процессов, позволяющая наблюдать за ходом рассмотрения дел в судах республики на официальном веб-сайте Верховного суда. В настоящее время всё шире обеспечивается присутствие представителей средств массовой информации на открытых судебных процессах, им разрешается производить фото и видеосъемку. Указанные меры в определенном объеме обеспечивают открытость и прозрачность отправления правосудия.

Кроме того, согласно Указу Президента “О мерах по дальнейшему совершенствованию судебно-правовой системы и повышению до-

верия к органам судебной власти” от 13 июля 2018 года, внедрена в практику процедура систематических публикаций судебных решений на веб-сайте Верховного суда, система электронного судопроизводства, позволяющая дистанционно рассматривать судебные дела (экономическим и гражданским судам – принимать иски и заявления в электронном формате), отправлять вынесенные судами исполнительные документы, подписанные электронной цифровой подписью судьи, в органы принудительного исполнения.

Также в соответствии с рекомендациями мониторинговой миссии Организации экономического сотрудничества и развития в судах первой инстанции полностью внедрено программное обеспечение, позволяющее автоматически равномерно распределять дела среди судей, исключая человеческий фактор, на основе принципов справедливости и беспристрастности.

Как было отмечено за последние годы, в результате проведенных реформ в судебно-правовой сфере, значительно укреплены конституционные основы независимости судей, демократизирована система правосудия и повышена эффективность работы по формированию судейского корпуса. Закрепление основополагающих норм в основном Законе страны бесспорно является логическим продолжением проводимой политики государства в данной сфере и в определенной мере соответствует закономерностям развития политических процессов в целом.

Вопрос о конституционных поправках лежит в основе конституционной теории и практики. Согласно принципу конституционализма, для легитимности конституционного строя основ-

ные правила эффективного осуществления государственной власти и защиты индивидуальных прав человека должны быть стабильными и предсказуемыми. Как показывают современные тенденции развития политических процессов, для поддержания вышеуказанных основ государственности фундаментальное изменение конституции иногда необходимо для того, чтобы улучшить демократическое управление или приспособиться к политическим, экономическим и социальным преобразованиям.

Анализ проекта обновленной редакции Конституции касательно судебной власти определенно показывает, что вводимые изменения и дополнения направлены на обеспечение действенной системы сдержек и противовесов, конституционно-правового сопровождения преемственности между законодательной и исполнительной ветвями власти.

Новый порядок избрания судей Конституционного суда Республики Узбекистан, согласно которому отныне судьи указанного суда будут избираться на десятилетний срок без права на переизбрание, полностью соответствует передовым международным стандартам, в частности, рекомендациям Венецианской комиссии.

Справочно: Венецианская комиссия (полное название - Европейская комиссия за демократию через право) является консультативным органом Совета Европы в области конституционного права. Ее основная задача - давать правовые заключения по запросу государств-членов. Узбекистан является членом международного форума конституционных судей - Всемирной конференции конституционного правосудия (World Conference on Constitutional Justice, WCCJ).

Одним из ключевых элементов независимости судей является соблюдение принципа несменяемости. Соответственно, судьи должны иметь гарантированный срок полномочий до обязательного выхода на пенсию, когда такой выход предусмотрен законом. Срок полномочий судей должен быть установлен законом. Полномочия могут быть прекращены только в установленном законом порядке. Практика, когда судьи назначаются сначала на определенный срок и только после этого назначаются до достижения предельного срока по мнению Венецианской Комиссии должна быть постепенно исключена. В рекомендациях Венецианской Комиссии прямо указано, что установление испытательного срока (имеется в виду первый 5 летний срок) может подорвать независимость судей, поскольку они могут чувствовать себя под давлением и рассматривать дела определенным образом. В этой связи, введение десятилетне-



го срока без права на переизбрание, безусловно является стремлением укрепить потенциал конституционных судов.

Согласно международным стандартам, судебная независимость предусматривает как индивидуальную независимость судей, так и институциональную независимость судебных органов в целом. Институциональная независимость означает независимость от других ветвей власти, а индивидуальная - независимость отдельного судьи. Эти аспекты судебской независимости тесно связаны между собой, так как независимость отдельных судей может быть обеспечена только при наличии достаточной институциональной защиты независимости судебных органов. Не менее важно обеспечить защиту независимости отдельных судей от ненадлежащего воздействия внутри судебной системы. Следовательно, судебская независимость предусматривает не только гарантии защиты от давления извне, но и, что не менее важно, внутренние процессуальные гарантии защиты. На независимость судей может повлиять регулирование практически каждого аспекта судебской карьеры. Как было отмечено Комитетом по правам человека ООН, на судебскую независимость, в числе прочих, может повлиять порядок назначения судей и требования к кандидатам, а также гарантии пребывания судей в должности до достижения возраста выхода в отставку или истечения срока полномочий (при наличии такового), условия продвижения по службе, перевода в другой суд, приостановления и прекращения полномочий, а также фактическая независимость судебных органов от политического вмешательства со стороны исполнительных и законодательных органов власти.

Венецианская комиссия в своем докладе, посвященном стандартам независимости судебной системы, отмечает, что независимость в судебной системе можно рассматривать с двух различных, но взаимосвязанных и взаимодополняющих точек зрения. Во-первых, внешняя независимость, предполагающая отношение судебной системы в целом (судьи) с политической властью (законодательная и исполнительная власть).

Во-вторых, внутренняя независимость, заключающаяся в отношении судей с председателями судов и судьями вышестоящих инстанций. Внешняя независимость защищает судей от влияния других ветвей власти и является важным элементом верховенства права. Внутренняя независимость гарантирует, что судья принимает решения только на основе Конституции и законов, а не на основе указаний вышестоящих судей или должностных лиц. Основной функцией независимости судебной власти является гарантирование прав человека на защиту прав и свобод независимым и беспристрастным судом. Независимость судебной власти является необходимым условием, которое позволяет судьям играть роль гаранта прав и свобод человека и обеспечивает равенство сторон перед судом. С этой точки зрения независимость судей является неотъемлемой предпосылкой верховенства права. Помимо этого, строго следуя принципу независимости, судьи и судебная власть должны поддерживать конструктивные рабочие отношения с учреждениями и органами государственной власти, участвующими в управлении судами, а также профессионалами, задачи которых связаны с работой судей, в целях содействия эффективному и действенному отправлению правосудия. Должны быть приняты все необходимые меры, для защиты и содействия независимости и беспристрастности судей. В то же время решения судов должны быть мотивированы и не могут быть пересмотрены иначе как путем обжалования или повторного рассмотрения по основаниям прямо предусмотренным законом.

Венецианская комиссия считает чрезвычайно важным государственное обеспечение судебной деятельности. Как указано в рекомендациях данной Комиссии, в целях обеспечения независимости судебной системы в долгосрочной и краткосрочной перспективе, государство должно выделять достаточные ресурсы, средства и оборудование для судов, чтобы они могли функционировать в соответствии со стандартами установленными международными актами и Конституцией, и выполнять свои обязанности с целостностью и эффективностью, которые

имеют важное значение для укрепления общественного доверия к правосудию и верховенства закона. Адекватность финансирования соответственно следует рассматривать в широком контексте всех ресурсов, которыми судебная система должна обладать, чтобы соответствовать этим требованиям и заслуживать признание в качестве отдельной ветви государственной власти. Обеспечение достаточного финансирования судебной системы это обязанность государства. Суды должны финансироваться бесперебойно на основе объективных и прозрачных критериев. Суды должны быть обеспечены информацией необходимой для принятия соответствующих процессуальных решений, когда эти решения имеют финансовые последствия. Полномочия судей принимать решение в каждом конкретном случае не должны быть ограничены только требованием обеспечивать максимально эффективное использование ресурсов.


Вместе с тем, по утверждению Комиссии в современных правовых порядках наметились тренды, требующие фиксации в конституциях различных государств, поддерживаемые обществом и активно защищаемые государством традиционные ценности, институты собственной культуры и права, трактуемые в контексте национальной идентичности. При этом возникает необходимость более осторожного и взвешенного подхода в продвижении принципов, которые до недавнего времени казались бесспорно универсальными.

На основании изложенного можно сделать вывод о том, что закрепление в основном Законе государства норм, относительно неприкосновенности судей, их не подотчётности по конкретным делам, порядка отстранения их от разбирательства конкретного дела, прекращение или приостановление их полномочий, перевода на другую должность, гарантии обеспечения безопасности судей и их семей, а также положение о том, что реорганизация или ликвидация суда не может служить основанием для освобождения судьи от должности и финансирование деятельности судов производится исключительно из государственного бюджета полностью соответствуют универсальным и региональным рекомендациям международных институтов. Помимо этого, вносимые изменения и дополнения, призванные усилить конституционный баланс между ветвями власти, а также придание указанным нормам характер прямого конституционного действия, являются действенной предпосылкой для улучшения функционирования подлинно независимой судебной системы.

**Шохрух ХОДЖАЕВ,**

*ведущий научный сотрудник*

*Института законодательства и правовой политики при Президенте Республики Узбекистан.*



# ЦИФРОВЫЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА. КАКИЕ ОСНОВНЫЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА ИМЕЮТСЯ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ?

## АННОТАЦИЯ:

*в статье рассмотрены теоретические аспекты и рекомендации внедрения новой системы цифровых прав человека в интернете, также особенности внедрения новой системы цифровых прав в Республики Узбекистан и развития прав человека в интернете.*

**Ключевые слова:** *цифровое право человека в интернете, государственная поддержка, угроза со стороны интернета, цифровой риск человека, всемирная паутина.*

**Права человека должны соблюдаться в онлайн-режиме точно так же, как и в физическом мире. Цифровые технологии предоставляют новые возможности для осуществления прав человека, но они слишком часто используются и для их нарушения. Особую обеспокоенность вызывают вопросы защиты данных и неприкосновенности частной жизни, цифровой идентификации личности, использования технологий наблюдения, а также насилия и домогательств в Интернете.**

В исследовании М. С. Бурьянова введен термин “глобальные цифровые права человека”, к которым отнесены право на доступ к информации, право на доступ к информационно-коммуникационным средствам и технологиям, право на доступ в интернет, право на защиту частной жизни и личных данных (персональных и биометрических), право на уважение персональных данных, права, связанные с защитой генетической информации, имущественные права в цифровом имущественном обороте, возможности реализации личных, социальных, экономических, политических и культурных прав на базе технологических платформ, приоритет сохранения и развития человека в контексте создания искусственного интеллекта.

Как показывают результаты исследований, по состоянию на 2021 г. в 124 странах мира действуют законы, а в 8 странах – национальные указы или постановления, которые предоставляют отдельным лицам общее право доступа к информации, находящейся в распоряжении государственных органов, и налагают на государственные органы обязательство предоставлять эту информацию и активно раскрывать ее ключевые виды.

Одним из важнейших элементов права на доступ к информации является право человека на свободное применение открытых данных. Переход государственных услуг в цифровую среду, создание различных механизмов цифрового взаимодействия государственных органов и граждан (через чатботы, формы обратной связи, аккаунты в социальных сетях и мессенджерах и т. п.) существенно упростило и ускорило получение информации, а также увеличило объем открытых данных. Цифровизация существенным об-

